

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

***МУҲАЙЁ ҲАКИМОВА***

# **СЕМАСИОЛОГИЯ**

***Ўқув қўлланма***

ТОШКЕНТ — 2008

«Семасиология» ўқув қўлланмаси ўзбек филологияси йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган.

Қўлланма семасиология курсини ўз ичига олган бўлиб, ўқув дастурига мос равишда ёзилган.

Олий таълим вазирлиги қошидаги Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан 16 октябр 2007 йилдаги 1-сонли баёнига асосан ўқув қўлланма сифатида нашр қилишга тавсия этилган.

***Маъсул муҳаррир:*** **М. Йўлдошев,**  
Низомий номидаги ТДПУ  
доценти, филология фанлари номзоди

***Тақризчилар:*** **Ҳ. Шамсиддинов,**  
ЎзМУ профессори, филология  
фанлари доктори

**Р. Юнусов,**  
Низомий номидаги ТДПУ  
профессори, филология  
фанлари номзоди

***Муҳаррир:*** **Н. Аҳмедова,**  
Низомий номидаги ТДПУ  
ўқитувчиси

# БИРИНЧИ БОБ. СЕМАСИОЛОГИЯ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

## 1-§. Семасиология — тилшуносликнинг маъно ҳақидаги соҳаси

Семасиология тилшуносликнинг маъно ҳақидаги соҳасидир. Тилнинг турли сатҳларидаги бирликларнинг маъносини тадқиқ этиш семасиологиянинг вазифаси ҳисобланади. Лисоний маъно, яъни тил бирликлари англатаётган маъно унинг ўрганиш предмети саналади. Демак, семасиология тил бирликларининг маъносини тадқиқ қилади.

Тил нутқ ҳосил қилувчи система сифатида маъно ташиш учун яшайди. Ушбу маъноларнинг моҳияти, тузилиши, турлари, маънонинг тил сатҳлари бирликларига бириктирил-ганлик даражаси, сатҳ бирликлари ўртасидаги маъно тақси-моти, шу нуқтаи назардан тилларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари, маъноларнинг бирикиб мураккаб мазмун ҳосил қилишлари кабиларни ўрганиш семасиологиянинг асосий вазифаларидан саналади.

Тилшуносликнинг лексикология, грамматика бўлимларида ҳам тил бирликларининг маъноси ўрганилади. Бу бўлимларда маъно шакл билан бирга, унинг функцияси сифатида тадқиқ қилинади. Семасиологияда эса лисоний маъно алоҳида моҳият сифатида ўрганилади.

Семасиология ҳам ўз навбатида умумий ва хусусий семасиологияга бўлинади. Умумий семасиология барча тиллар учун умумий бўлган маъно назариясини, маъно турларини, семантик структуранинг ўхшаш томонларини ўрганса, хусусий семасиология аниқ бир тилнинг маъно хусусиятларини ўрганади. Семасиология барча тил бирликларининг маъносини ўрганар экан, унинг ички тузилиши тил структурасини акс эттиради. Рус тилшуноси В.М.Никитин семасиология соҳасини маънонинг умумий назарияси ва типологиясидан ташқари қуйидаги қисмлардан иборат эканлигини айтади<sup>1</sup>:

<sup>1</sup> Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. — Москва, «Высшая школа», 1968. — С. 3-6.

**Фоносемасиология** ёки **фоносемантика**. Бу семасиологиянинг кўп тортишув-мунозараларга сабаб бўлувчи бўлимидир. Фоносемантикада фонетик бирликлар — фонемаларнинг маъно хусусиятлари ўрганилади. Маълумки, фонемалар бошқа тил бирликларидан фарқли равишда бир планли, яъни фақат шакл, ифода планига эга бирликлардир. Фонемалар морфема ёки лексема маъносини фарқлар экан, ўзи маъноли бирлик эмас. Фонемалар аниқ бир маъно билан боғлиқ бўлмайди. Лекин айрим ҳолларда, маълум шароитларда бир товуш ёки товушлар комбинацияси муайян маъно билан боғланганлигини (балки тасодифан) кузатиш мумкин. Бу ҳолатларга товушга тақлид (вов-вов, миёв, тарақ-туруқ), паронимия, халқ этимологияси, товушларнинг ранглар билан боғлиқлиги кабилар мисол қилиб кўрсатилади. Шу каби ҳолатларни ҳисобга олиб, фонемаларда ҳам маъно плани мавжуд деб ҳисобловчи тилшуносларнинг тадқиқотлари асосида фоносемасиология бўлими шаклланди.

Тил бирликларидан морфема, сўз бирикмаси, гап ва матннинг маъно хусусиятлари грамматик семасиологияда тадқиқ қилинади. Рус тилшуноси Никитин грамматик семасиологиянинг қуйидаги турларини ажратади:

1. Категориал-грамматик семасиология. Бунда сўзларнинг грамматик маънолари, сўз туркумларининг семантик аспекти кабилар ўрганилади.

2. Морфологик-грамматик семасиологияда сўз шакллари маъноси тадқиқ қилинади.

3. Функционал-грамматик семасиология битта умумий категориал маъно ифодаловчи лексик, грамматик ёки турли сатҳ бирликларининг маъноси, яъни функционал-семантик категорияларни, майдонларни таҳлил қилади.

4. Синтактик сатҳдаги семасиология билан мазмуний синтаксис шуғулланади.

Лексик бирликлар маъноси **лексик семантикада**, фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятлари **фразеологик семантикада** тадқиқ қилинади. Айрим ҳолларда лексик семантика термини луғавий маъноли тил бирликлари бўлмиш ҳам лексема, ҳам фраземалар учун бирдай қўлланади.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар:***

1. Семасиология нимани ўрганади?
2. Семасиологиянинг асосий вазифаси нимадан иборат?
3. Умумий семасиология нимани тадқиқ қилади?
4. Хусусий семасиология нимани ўрганади?
5. Фоносемантика ҳақида маълумот беринг.
6. Грамматик семасиологиянинг қандай турлари мавжуд?
7. Лексик семантика нимани тадқиқ қилади?

### **2-§. Семасиологиянинг шаклланиши**

Маънони ўрганиш тарихи антик даврлардан бошланади. У даврларда маънога фалсафий нуқтаи назардан ёндашилган. Қадимги Грецияда сўз ва у номлаётган нарса табиатан боғлиқми ёки ном ва маъно ўртасидаги боғлиқлик шартлими, деган савол кўндаланг қўйилган. Ушбу фактларга асослансак, семасиология, яъни маъношунослик антик даврларда пайдо бўлган, дея оламиз. Лекин бу даврлардаги маъношунослик тилшуносликнинг қисми сифатида эмас, балки фалсафанинги таркибий қисми сифатида шакллана бошлаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, маънога фалсафий ёндашиш антик даврлардан (Аристотель, Сократ, Платон, Дионский, Августин) бошланиб, ўрта асрларда янада бойитилди (Лейбниц, Спиноза). Бундай ёндашув моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда, аммо ўзгача шаклларда бизнинг давримизгача етиб келди. Бунга фоносемасиологиянинг шаклланаётганини исбот қилиб кўрсатиш мумкин.

Семасиология лингвистик соҳа сифатида аслида лексикография таркибида шаклланди. Маълумки, луғат тузиш учун сўз англатаётган маъно очиб берилиши лозим. Ўзбек луғатчилиги тарихи эса эски туркий тил ва араб луғатчилиги тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, у XI асрда шаклланган. Ўзбек маъношунослиги дастлаб ўз ичинги лексикография таркибида

куйидаги луғатларни тузишдан бошлаган: «Девону луғотит турк» (1073-1074 й.), «Муқаддиматул адаб» (1137 й.), «Китоб ул-идрок ли Лисон ил-атрок» (1332 й.), «Аттуҳфатуз закияту фил луғатит туркия» (XIII аср). Мазкур асарлар араб тили ва араб тилшунослиги анъаналарида ёзилган бўлса-да, уларнинг барчасида қадимги туркий тил ва эски туркий тил луғати таркибидаги сўзларнинг маънолари изоҳланган<sup>1</sup>.

Замонавий семантиканинг семик таҳлил усули ҳам лексикография учун хизмат қилади. Методнинг энг асосий мақсадидан бири муайян бир тилдаги барча сўзларни оз миқдордаги семик компонентлар ёрдамида изоҳлашдир.

Семасиология мустақил лингвистик соҳа сифатида XIX асрнинг охирларида ажралиб чиқди. Семасиологиянинг мустақил лингвистик соҳа сифатида шаклланишини эса Райзиг номи билан боғлашади<sup>2</sup>. Вафотидан кейин 1939 йилда нашр қилинган «Лотин тилшунослигидан маърузалар»ида (Reisig. Vorlesungen über lateinische Sprachfissenschaft. Leipzig, 1839.) Райзиг семасиологияни тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида ажратиш кераклигини айтади. У маъно тараққиётига дахлдор ҳодисаларни ўрганиш семасиологиянинг вазифаси эканлигини таъкидлайди.

XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган давр мобайнида семасиологик тадқиқотлар маънонинг ўзгариши, ўзгариш турлари ва принципларини ўрганишга қаратилди. Жумладан, маъно торайиши, маъно кенгайиши, маъно кўчиши, кўчиш турлари кабилар тадқиқ қилинди.

XX асрнинг 40-50 йилларида Ельмеслев (1943 йил), Кребер (1952 йил), Гуденаф (1956 йил), Лауснбери (1956 йил) каби олимлар томонидан лексик маънонинг компонент структураси ҳақидаги фикрлар илгари сурилди. Компонент таҳлилга оид тадқиқотлар дастлаб кичик — қариндошлик номлари, ҳайвон номлари, идиш-товоқ номлари каби лексик-

<sup>1</sup> Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги узбек адабий тили. —Тошкент, 2005. 236-241-б.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Звегенцев В.А. Семасиология. —Москва, 1957, С. 74.

семантик гуруҳларда ўтказилди. Кейинчалик эса, йирик лексик-семантик гуруҳлар ҳам компонент таҳлил қилина бошланди.

1960-1970 йилларда эса маънонинг асосий семантик (интеграл ва дифференциал) белгиларидан фарқли асосий бўлмаган компонентлари ҳам ажратила бошланди. Бундай компонентларни Д.Н.Шмелев (1969) ассоциатив белгилар деб номлаган бўлса, В.Г.Гак (1972) потенциал белгилар деб атаган.

Потье (1965), Г.Хеллер ва Ж.Макрис (1967), Толстой (1968), В.Г.Гак (1971) ишларида маънонинг иерарх, даражали тузилиши гоёси илгари сурилди.

Г.Хеллер ва Ж.Макрис ранг ифодаловчи лексемаларни ўрганар экан, улар ўз тадқиқотларида маънонинг семантик компонентларини қуйидагича даражалайдилар: асосий компонент ва боғлиқ компонент. Пушти лексемаси семантик структурасида асосий компонент: ранг — қизил, боғлиқ компонент: даражаси — оч. Демак, пушти — оч қизил ранг.

Толстой (1968) эса семантик структурадаги компонентларни икки турга: таянч ва йўлдош семаларга ажратади. Гакнинг фикрича эса, семантик структура маънонинг ядроси бўлган жинс маъносидagi архисемадан ва қўшимча элементлардан иборат.

Ўзбек тилшунослигида лексик маънонинг компонентлардан иборат эканлиги дастлаб Ш.Раҳматуллаев, И.Кўчқортоев, Р.Юнусовларнинг ишларида илгари сурилган. 20-асрнинг 70-йилларида бажарилган шу каби илмий тадқиқотлар ўзбек маъношунослигидаги янги даврни бошлаб берди.<sup>1</sup>

Сўнги йиллардаги семасиологик тадқиқотлар фақат компонент таҳлилга асосланади десак, хато қиламиз, албатта. Семасиологик тадқиқотлар фалсафий ва математик-логик йўналишларда ҳам олиб борилмоқда.

Йиллар ўтган сари семасиология нафақат таҳлил усулларини,

---

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974, —№1, 51-53-бетлар; Кўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. —Тошкент: Фан, 1977; Раҳматуллаев Ш. Лексик маънони компонентлаб таҳлил қилиш тажрибасидан // Ўзбек тили ва адабиёти, 1978, №4, 54-60-бетлар.

балки тадқиқ объектини ҳам ўзгартириб, кенгайиб бормоқда. Авваллари, фақат луғавий маънога эга бўлган бирликлар семасиологиянинг тадқиқ объекти бўлган бўлса, ҳозирги пайтда семасиология барча тил бирликларининг маъно хусусиятлари тадқиқи билан шуғулланмоқда.

Кейинги пайтларда тилшунослиқда «семасиология» термини билан бир қаторда «семантика» термини қўлланмоқда. «Семасиология» атамаси Райзиг томонидан 1939 йилда биринчи марта қўлланган бўлса, «семантика» термини француз тилшуноси М.Бреаль томонидан 1883 йилда фанга олиб кирилган. Семантика термини грек тилидан олинган бўлиб, «ифодаловчи» маъносини беради (semantikos). Семасиология термини ҳам тил бирликларининг маъносини ўрганувчи соҳани, ҳам лексикологиянинг бир бўлимини номлашини ҳисобга олсак, тил бирликларининг маъносини ўрганувчи соҳани семасиология эмас, балки семантика деб номлаш мақсадга мувофиқдек кўринади.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Семасиологиянинг бошқа фанлар таркибидаги шаклланиши ҳақида маълумот беринг.

2. Семасиология мустақил лингвистик соҳа сифатида қачон шаклланди?

3. 19-аср ва 20-асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган даврда семасиологик тадқиқотларда қандай лисоний ҳодисалар текширилди?

4. Умумий семасиология нимани тадқиқ қилади?

5. 20-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб семантик тадқиқотларнинг мазмунида қандай ўзгаришлар юз берди?

6. Семасиология ва семантика терминлари ҳақида маълумот беринг.



## ИККИНЧИ БОБ. ЛЕКСИК СЕМАНТИКА. ЛЕКСИК МАЪНО ВА УНИ ИФОДАЛОВЧИ ОМИЛЛАР

### 3-§. Семасиология ва ономасиология лексик семантиканинг икки аспекти сифатида

Умумий семасиологиянинг бир бўлими бўлган лексик семантикада лексик маъно ўрганилади.

Лексик семантиканинг ўзи ҳам семасиология<sup>1</sup> ва ономасиология каби икки аспектдан иборат.

Нутқ жараёнида сўзловчи ва тингловчи иштирок этади. Сўзловчи (ёки ёзаётган шахс) маълумотни, яъни маънони муайян белгиларга кодлаб матн тузади. Тингловчи (ёки ўқиётган шахс) эса матнни англаш учун белгилардан маънони «ечиб олади». Биринчи ҳолатда маънодан белгига (сўзга, матнга) борилади ва «ушбу маънони (фикрни, тушунчани) қандай белги ёрдамида ифодалаш мумкин?» деган савол туғилади. Иккинчи ҳолатда эса, белгидан маънога борилади ва «бу белги (сўз, матн) қандай маъно ифодалайди?» деган савол туғилади. Шундан келиб чиқиб, лексик бирликлар маъноси «белгидан маънога» ва «маънодан белгига» бир-бирига қарама-қарши семасиология ва ономасиология йўналишларида ўрганилади.

**Семасиология** лексик семантиканинг бир бўлими бўлиб, у маънони белги → маъно йўналишида ўрганади<sup>2</sup>. Ва бунда «ушбу белги (сўз, лексема) қандай маъно ифодалайди?» деган савол қўйилади (тингловчининг ҳолати). Масалан, ўзбек тилида

---

<sup>1</sup> Семасиология термини икки хил маънода ишлатилади. 1-маъносида тил бирликларининг маъносини ўрганувчи бўлимни ифодаласа (бу уринда у семантика термини билан синонимдир), 2-маъносида лексик семантиканинг бир бўлимини номлайди. Ушбу ғалзликни ҳисобга олиб, кўпгина тилшунослар тил бирликларининг маъносини ўрганувчи соҳани семасиология эмас, балки семантика деб номлайдилар.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Новиков Л.А., Иванов В.В., Кедайтане Е.И., Тихонов А.Н. Современный русский язык. Теоритический курс. Лексикология. — Москва. «Русский язык». 1987.

ер лексемасининг қандай маънолари бор?, очун лексемаси қандай маъно ифодалайди?

Ономасиология семантиканинг яна бир аспекти бўлиб, унда маъно маъно → белги йўналишида тадқиқ қилинади. Бу ўринда «мазкур маънони қандай белги ёки белгилар ифодалайди?», деган савол кўндаланг қўйилади (сўзловчининг ҳолати). Масалан, вақт маъносини ифодаловчи қандай сўзлар мавжуд?, мавҳум тушунчаларни қандай сўзлар ёрдамида ифодалаш мумкин?

Лексик семантиканинг бу икки аспектининг ажратилиши лексик-семантик категориялар ва ҳодисаларнинг моҳиятини турли нуқтаи назарлардан тўлиқ ва аниқ ўрганишга хизмат қилади. Зеро, бир маънолилиқ, кўп маънолилиқ, омонимия семасиологик категория саналса, синонимия, антонимия, конверсия, мазмуний майдон кабилар ономасиологик категориялар деб қаралади. Семасиология ва ономасиологияни қатъий чегаралаб бўлмайди. Улар лексик семантикани ўрганувчи икки аспект ва метод сифатида бири иккинчисига ўтиб, тўлдириб туради.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Тилшуносликнинг лексик семантика соҳаси бўйича маълумот беринг.
2. Семасиология атамасининг икки маънода қўлланишини тушунтиринг.
3. Ономасиология маънони қандай йўналишда тадқиқ қилади?

## **4-§. Лексик маъно ва ном муносабати**

Лексик маъно лексик семантиканинг асосий категорияси, марказий тушунчасидир. Ҳар қандай лексик birlik икки жиҳатнинг — ном (шакл) ва лексик маънонинг барқарор бирикувидан ташкил топади. Ном лексик birlikнинг товушли

ва график томонларини ифодаласа, лексик маъно эса воқеликнинг лисоний инъикосидир. Масалан, к, и, т, о, б товушлари ва ҳарфларининг кетма-кетлиги *китоб* сўзининг номи бўлса, маъноси қўйидагичадир: «маълум матнли варақлардан иборат, жузлаб тикилган, муқоваланган, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган босма асар»<sup>1</sup>.

Лексик маъно билан ном (белги, шакл, ифода плани, номема)нинг боғланиши тарихий-ижтимоийдир. Яъни муайян лексик маъно маълум бир номга шу тил эгаси бўлган жамоа томонидан бириктирилади. Лексик маъно ва ном ўртасидаги боғланишнинг табиати, унинг шартли ёки табиийлиги хусусидаги тортишувлар антик даврдан ҳозиргача давом этиб келган. Маъно ва ном ўртасидаги боғлиқлик, асосан, шартли бўлиб, лексик маънога маълум бир ном жамоа томонидан шартли бириктирилади. Бири иккинчисидан: маъно номдан, ном маънодан келиб чиқмайди. Тилда маъно ва ном ўртасидаги боғланиш табиий эмаслигига, яъни бирининг иккинчисидан келиб чиқмаслигига, асосан, қўйидагилар сабаб бўла олади:

1. Битта маънонинг турли тилларда ҳар хил номлар билан ифодаланиши. Муайян бир маъно ҳар бир тилда ўзгача номга эга. Масалан, «онанинг ёки даданинг онаси» маъноси ўзбек тилида *буви*, рус тилида *бабушка*, инглиз тилида *grandmother* каби номларга бириктирилган. Агар маъно ва ном орасида табиий боғланиш бўлганда, битта умумий маъно ягона бир номга эга бўлар эди. Натижада, дунёда 3000 га яқин эмас, фақат битта тил мавжуд бўлар эди.

2. Синонимия ҳодисасининг мавжудлиги. Бир тилнинг ўзида ҳам муайян маъно бирдан ортиқ номга эга бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида «Алдаб, чалғитиб, ҳар қандай ишни ўз фойдасига ҳал қиладиган, макр-ҳийлага уста» маъноси 15 та лексемада ифодаланган: *айёр, муғомбир, ҳийлагар, қув, устомон, маккор, доғули, мўлтони, қилвир(и), шайтон, тулки, туллак, қирриқ, хирпа, мастон*. Бу ҳам маъно ва ном ўртасидаги боғлиқликнинг табиий эмаслигини кўрсатади.

<sup>1</sup> ЎТИЛ, 5 томли, 2-том. -- Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006, 376-бет.

3. Кўп маънолилиқ ва омонимия ҳодисаларининг мавжудлиги. Тилда бир ном билан бирдан ортиқ маъноларнинг ифодаланиши, икки ёки ундан ортиқ маънолар номининг айнан эканлиги ҳам маъно ва ном ўртасидаги боғлиқлик шартли эканлигини яна бир марта исботлайди. Масалан, ўзбек тилидаги *қулоқ* номи қўйидаги маъноларни ифодалайди: 1) Одам ёки ҳайвоннинг ташқи эшитиш аъзоси (одамнинг қулоғи), 2) баъзи нарсаларнинг ушлаш, илиб қўйиш ёки маҳкамлаш учун хизмат қиладиган қисми (қозоннинг қулоғи), 3) бош кийимларнинг қулоқларни ва иякни ёпиб, иситиб тутиш учун тушириб қўйиладиган узун қисми (шапканинг қулоғи), 4) баъзи механизм ва мусиқа асбобларининг бураб ишга тушириш ёки созлаш учун хизмат қиладиган қисми (радионинг қулоғи), 5) ўсимликнинг барг ёки ниҳол ёзадиган ери; дастлабки ниҳолча, баргча (гулнинг қулоғи).

Бир-бирига умуман яқин бўлмаган исм маъноси ва туёқли ҳайвон тури ҳам бир хил ном билан айтилади: *от (қизчанинг оти Муслима)* ва *от (қизча минган от ҳуркович эди)*.

Лекин тилда оз миқдорда бўлса-да, маъно ва номнинг табиий боғланган кўринишлари ҳам учрайди. Бундай боғланган сўзларнинг асосини товушга тақлидни ифодаловчи ва улардан ясалган сўзлар ташкил қилади. Масалан, *тарақ-туруқ, қасур-қусур, миёвламоқ, вовулламоқ, увулламоқ, шаршара*. Ушбу лексемаларда шаклнинг маънодан келиб чиқаётганлиги билиниб турса-да, товушга тақлид сўзлар турли тилларда бир хил эмас. Итнинг ҳуришига тақлид сўз ўзбек тилида *вов-вов*, рус тилида *эса ав-ав*.

Лексик маъно ва ном ўртасидаги боғлиқлик қандай бўлишидан қатъи назар (шартлими, табиийми), у мажбурийдир. Зеро, шаклсиз маъно, маъносиз шаклнинг бўлиши мумкин эмас. Ф.де Соссюр тил бирлигидаги субстанция (моддий томон) ва маънонинг ўзаро ташкил этувчилик ҳолатини бир қоғоз варағининг икки томонини ўзаро ташкил этувчанлиги билан қиёслаган эди<sup>1</sup>. Лекин сўзнинг номи (белгиси, ифода плани, шакли, фонетик қобиғи) ва маъноси (мазмун плани) ўртасида,

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. —Тошкент. «Ўқитувчи», 1993. 15-бет.

асосан, номутаносиблик мавжуд бўлади. Бу эса номнинг (белгининг) ўзига кўпроқ маъно сиғдиришига, маънонинг эса бирдан ортиқ номда ифодаланишига интилиши билан белгиланади. Масалан, ўзбек тилида «бош» номи 20 га яқин маъноларни ўзига сиғдирган<sup>1</sup>. Улардан айримлари қуйида келтирилди:

1. Тананинг бўйиндан юқориги, олдинги (одамда, ҳайвонларда) қисми; калла. *Бош косаси.*

2. Ақл, ҳуш, мия. *Бош билан иш қилмоқ.*

3. Бошлиқ, раҳбар. *Элга бош бўлмоқ.*

Юқоридаги каби бир номнинг ўзига бир қанча маъно сиғдирган ҳолатида полисемия ва кейинчалик омонимия ҳодисаси воқе бўлиши мумкин.

Ўзбек тилида «Инсон бошининг олд қисми» маъноси юз, бет, афт, башара, турқ, ораз, чеҳра, рухсор каби бир қанча номларда ифодаланади. Бу ҳолатда эса синоним сўзлар ҳосил бўлади.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Лексик бирлик қандай жиҳатлардан иборат бўлади?
2. Лексик бирликнинг номи деганда нимани тушунасиз?
3. Лексик маъно ва ном бир-бири билан қандай боғланишда бўлади?
4. Лексик маънонинг ном билан боғлиқлигининг шартли эканлигини қандай исботлаш мумкин?
5. Лексик маъно ва ном табиий боғланиши мумкинми?
6. Маъно ва номнинг номутаносиблиги натижасида қандай ҳодисалар воқе бўлади?

---

<sup>1</sup> ЎТИЛ, 5 томли. 1-том. —Тошкент. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006, 333-335-бетлар.

## 5-§. Лексик маънони ифодаловчи омиллар

Лексик маъно бир қатор омиллар билан белгиланади<sup>1</sup>:

1. Лексик маънонинг нолисоний воқелик (инсоннинг ташқи ва ички олами) билан боғлиқлиги;

2. Лексик маънонинг воқеликни акс эттирувчи тушунча билан боғлиқлиги;

3. Лексик маънонинг тил системасида ўзига хос ўринга эга эканлиги.

Лексик маъно тушунча каби инъикос категорияси бўлиб, унда нолисоний воқелик — инсоннинг ташқи ва ички олами акс этади. Масалан, *тоғ, денгиз, муҳаббат, нафрат* каби. *Тоғ, денгиз* ташқи олам ҳодисалари бўлса, *муҳаббат, нафрат* инсоннинг ички туйгуларидир. Маънода акс этаётган воқеликдаги предмет, ҳодиса, ҳаракат, белги, муносабат денотат дейилади. Бирон бир алоҳида олинган реаллик (*қуёш, ой*), ҳодисалар (*гулламоқ, очилмоқ*), белги-хусусиятлар (*оқ, қора*), ҳаракатлар (*ёзмоқ, гапирмоқ*), бир турдаги нарсалар (*уй, дарахт, гул*), даврий ҳодисалар (*ёгингарчилик, ёз, куз*), онгимизда сунъий ҳосил қилинган реал бўлмаган нарса, белги, ҳодисалар (*пари, қорбобо, қорқиз, жодугар*) лексик маъно асосида ётувчи воқелик ёки денотат бўлиб келиши мумкин.

Маънода денотат тўғридан-тўғри акс этибгина қолмай, унга инсоннинг фикрлаш, англаш, ўзлаштириш хусусиятлари ҳам бириктирилган бўлади. Маънода денотатлар алоҳидаликлар тарзида эмас, умумлашган ҳолда инъикос этади. Ушбулар эса лисоний маънонинг тушунча билан мустаҳкам боғлиқлигини кўрсатади. Содда қилиб айтганда, денотат тушунча орқали маънога айланади.


Ҳар қандай лексик маъно муайян белги (ном)га бириктирилган бўлади ва улар сўзнинг таркибий қисмларини ташкил қилади. Сўз таркибида маъно лисоний системада ўзига хос мавқега эга бўлади.

---


<sup>1</sup> Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. — Москва, «Высшая школа», 1968; Плотников Б.А. Основы семасиологии. — Минск, 1984. Современный русский язык. Под редакцией В.А.Белошапковой. — Москва, «Высшая школа», 1989.

Лексик маънонинг бир қатор омилларга (воқелик, тафаккур, тил системасига) боғлиқлиги ва унинг предмет, тушунча, белги билан муносабати бирламчи Огден-Ричардс семантик учбурчагида қуйидагича кўрсатилган:

белгининг мундарижаси, тушунча, маъно




Чизмадаги номланаётган предмет ва белгини бирлаштириб турувчи узук-узук чизиқ денотат ва ном ўртасидаги боғланиш тўғридан-тўғри эмас, балки тушунча орқали эканлигини кўрсатади. Огден ва Ричардсларнинг ушбу семантик учбурчаги маънонинг асосий омилларини кўрсатувчи машҳур классик модел бўлиши билан бирга, унда юқоридаги бурчак ноаниқдир. Бунда маъно ва тушунча ажаратилмаган ҳолда битта кутбда номнинг мундарижаси сифатида берилган. Зеро, маъно тушунчадан фарқли алоҳида ҳодисадир. Айрим адабиётларда мазкур семантик учбурчакнинг юқорисидаги бурчагида тушунчанинг ўзи кўрсатилади, номнинг тушунчага муносабати эса маъно саналади:



Лексик маъно белги-тушунча муносабатигина эмас, балки алоҳида тил ҳодисаси бўлиб, воқеликнинг махсус лисоний инъикосидир. Замонавий семасиологияда маънони тушунчадан фарқлаш учун семантик учбурчакнинг семантик

трапеция модели ишлаб чиқилган. Унда маъно тушунчадан фарқли алоҳида бурчакда кўрсатилади<sup>1</sup>:



Мазкур схема ҳам лексик маънони белгиловчи барча омилларни қамраб олмайди. Лексик маънода яна сўзловчининг сўзланаётган сўзга, унинг маъносига бўлган субъектив муносабати ва сўз ёки маънонинг инсон руҳиятига таъсири каби омиллар ҳам мавжуд бўлади. Демак, лексик бирликнинг шаклланиши қуйидаги тартибда рўй беради: объектив воқеликдаги нарса, яъни денотатнинг умумлашма образи онгимизда акс этади. Ушбу образга инсоннинг билими, дунёқараши, яшаш тарзи, касби каби омиллар қўшилиб тушунчани ҳосил қилади. Тушунчанинг ихчамлашган, ўртача савиядаги тил эгаларига тушунарли кўринишига эмоционаллик, услубий хослик, таъсирчанлик каби омиллар қўшилади ва унга тил эгалари томонидан ном (шакл, фонемалар тизмаси) бириктирилади.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Лексик маъно қандай омиллар билан белгиланади?
2. Лексик маънонинг нолисоний воқелик билан боғлиқлигини тушунтиринг.
3. Денотат нима?
4. Лексик маъно тушунча билан қандай муносабатда бўлади?
5. Лексик маънони ифодаловчи семантик учбурчак моделининг моҳиятини тушунтиринг.
6. Лексик маънони ифодаловчи семантик трапеция моделининг моҳиятини тушунтиринг.

<sup>1</sup>Новиков Л.А., Иванов В.В., Кедайтане Е.И., Тихонов А.Н. Современный русский язык. Теоритический курс. Лексикология. — Москва, «Русский язык», 1987. С. 91.



## 6-§. Лексик маъно ва тушунча

Тушунча тафаккурнинг асосий шаклларида бири бўлиб, воқеликдаги нарса-ҳодисаларга хос бўлган тасаввур ва белгиларнинг инсон онгида умумлашган ҳолда инъикос этишидир. Тушунчанинг асосини воқеликдаги нарса-ҳодисалар ташкил қилади. Нарса-ҳодисаларнинг белгилари инсон онгида умумлашган ҳолда акс этади. Ушбу тушунча (умумлашма инъикос) асосида лексик маъно ҳосил бўлади. Лексик маънонинг шаклланиши жараёнида воқеликдаги нарса-ҳодиса ҳақидаги тушунча ихчам, барча тил эгаларига тушунарли ҳолга келтирилади ва номга (белгига) бириктирилади. Масалан, биз умримиз давомида дарахтнинг юзлаб турларини, миллионлаб шаклдагиларини кўрганмиз. Лекин уларнинг барчасини онгимизда эслаб қола олмаймиз. Кўрган дарахтларимизнинг барчаси учун умумий бўлган, уни гулдан, бутадан фарқловчи белгилари онгимизда акс этади, сақланади. Демак, дарахт ҳақидаги тушунча деганда, воқеликдаги барча дарахтлар учун умумий бўлган белгиларнинг онгимизда акс этиши тушунилади. Лекин айтиб ўтиш жоизки, дарахт ҳақидаги тушунчаларимиз бир-биримизникидан фарқ қилиши табиий. Ботаник олим, талаба ёки 5 ёшли боланинг дарахт ҳақидаги тушунчалари бир-биридан фарқли бўлади. Ўртача савиядаги инсоннинг дарахт ҳақидаги тушунчаси шундай бўлиши мумкин: танали, илдизли, шохли, баргли, кўп йиллик, мевали, ерда ўсувчи ўсимлик. Ушбу тушунча ўртача савиядаги тил эгасига тушунарли бўлган ихчам, сиқик ҳолатга келтирилади ва унга ном бириктирилади. Ихчам ҳолатга келтирилган ва маълум номга эга тушунча лексик маънога айланади. Юқоридаги тушунчамиз **д а р а х т** товушларидан иборат номга эга ва лексик маъноси қуйидагичадир: *танали, шохли, илдизли, кўп йиллик ўсимлик*. Дарахт тушунчаси лексик маънога айланар, номга бириктирилар экан, у энди тафаккур бирлигидан тил бирлигига айланади ва тил системасида ўзига хос ўринга эга бўлади. *Дарахт* лексемаси тил системасида «ўсимлик номлари» мазмуний гуруҳида элемент **ҳисобланиб, ўсимлик** –

*дарахт, дарахт — терак, дарахт — ниҳол* каби жинс-тур, *дарахт — шох, дарахт — барг* каби бутун-бўлак, *гул — бута — дарахт* даражаланиш муносабатларини ҳосил қилади. Ушбулар *дарахт* лексик маъносининг (лексема таркибида) тил системасидаги парадигматик ўрнини кўрсатади. Барча тил бирликлари каби лексик маънонинг тил системасидаги ўрни унинг синтагматик муносабатлари билан ҳам белгиланади.

Фанда лексик маъно ва тушунча муносабати мунозарали масалалардан биридир. В.Гумбольдт, Э.Сепир, Б.Уорф, Л.Вайсгербер ишларида лексик маънони аниқлашда тушунча эътибордан соқит қилинади<sup>1</sup>. Уларнинг фикрича, онгда воқеликнинг тасвирланиши тил қурилиши билан белгиланади. Яъни, маъно тил структураси билан аниқланади ва у ўз навбатида воқеликни англашни ҳам белгилаб беради.

Баъзи тилшунослар тушунча ва маънони бошқа-бошқа ҳодиса сифатида қатъий чегараласалар, баъзилари эса ҳар иккисини ҳам битта ҳодиса деб тан оладилар.

Тушунча ва лексик маъно ҳам алоҳида икки хил ҳодисами, бир ҳодисанинг икки томоними, бундан қатъи назар, уларнинг ўзига хос умумий ва фарқли, бир-бирига боғлиқ ва боғланмаган томонлари мавжуд. Тушунча ҳам, лексик маъно ҳам воқеликнинг инъикос шаклларида. Ҳар иккиси воқелик билан шартланган бўлади. Тушунча воқеликнинг (умумлашган) инъикоси ҳисобланса, лексик маъно эса тушунчанинг, яъни инъикоснинг инъикосидир.

Тушунча ҳам, лексик маъно ҳам умумлаштирувчи категориядир.

Дастлаб инсонлар онгида сезги органлари (эшитиш, кўриш, таъм, тери орқали сезиш, ҳидлаш) билан ҳис қилиниши мумкин бўлган аниқ нарса-ҳодисалар акс эта бошлаган. Инсон онгининг ривожланиши билан унда ақлий идрок ёрдамида англанадиган ва реал мавжуд бўлмаган нарса-ҳодисаларни тасаввур қилиш қобилияти шакллана борди.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Зевгинцев В.А. Теоритико-лингвистические предпосылки гипотезы Сепира-Уорфа. — В кн: Новое в лингвистике. Москва, 1960, вып. 1.

Сезги аъзоларимиз ёрдамида бевосита ҳис қилишдан тушунча тубдан фарқ қилади. Тушунчада объектив воқелик умумлашган ҳолда акс этади. Оламдаги турли-туман, бир-бирини такрорламайдиган нарса-ҳодисалар онгимизда ўхшаш томонлари асосида муайян гуруҳларга бириктирилади. И.М.Сеченовнинг фикрига кўра, агар одамга ҳар бир нарса-ҳодисанинг барча белгиларини эслаб қолишига тўғри келганда, унинг миясида ҳар бир нарсанинг минглаб алоҳида тасаввурлари сақланар эди. Натижада, англаш жараёни жуда қийин кечарди, ривожланмас эди. Лекин, инсонда тасаввурларнинг ўхшашлик асосида қайд қилиниши (тушунча) мавжуд бўлиб, у ёрдамида барча ўхшаш нарсалар умумлаштирилади. Яъни, инсон ўз даврида теракнинг минглаб турли шаклларини кўрган бўлса-да<sup>1</sup>, унда терак ҳақида битта умумий тушунча мавжуд бўлади.

Ҳар қандай тушунчада икки асосий жиҳат: **тушунча ҳажми** ва **тушунча мундарижаси** мавжуд бўлади. Тушунча ҳажми — умумлашган ҳолда акс этаётган нарса-ҳодисаларнинг синфи, кўлами. Тушунча мундарижаси ушбу нарса-ҳодисаларга хос белгиларнинг йиғиндисидир. Тушунча мундарижаси мураккаб структурага эга бўлиб, у бир-бирига боғлиқ бўлган бир қанча белгилардан иборат. Йил тушунчасининг ҳажмини «январь», «февраль», «март», «апрель», «май», «июнь», «июль», «август», «сентябрь», «октябрь», «ноябрь», «декабрь» ташкил қилса, мунжарижаси эса қуйидаги белгилардан иборат: «вақт», «ўлчов бирлиги», «ойнинг қуёш атрофида айланиб чиқиш муддати», «12 ойдан иборат».

Лексик маъно, асосан, тушунча мундарижасига боғлиқ бўлади. Масалан, сув тушунчаси мундарижасининг структураси шартли равишда қуйидаги белгилардан ташкил топиши мумкин: 1) модда, 2) суюқлик, 3) рангсиз, 4) ҳидсиз, 5) водород ва кислороддан иборат, 6) 100<sup>0</sup>да қайнайди, 7) 0<sup>0</sup>да музлайди, 8) ҳаётнинг асосини

---

<sup>1</sup> Нафақат бир турдаги дарахтлар, балки бир дарахтнинг ўзи узидан замон нуқтаи назаридан фарқланади: кечаги дарахт-бугунги дарахт. Кечаги дарахт бугун усиши, гуллаши, мева тугиши, қуриши, синиши мумкин.

ташқил қилувчи. *Сув* сўзининг маъносини шундай аниқлаш мумкин: «рангсиз, ҳидсиз, водород ва кислород бирикувидан иборат суюқлик». Ушбу лексик маъно ҳам тушунча мундарижаси каби маъно белгиларидан – семалардан иборат структурага эга: «суюқлик», «рангсиз», «ҳидсиз», «водород ва кислороднинг бирикувидан иборат».

Яна мисол тариқасида учмоқ тушунчасини кўриб ўтамиз. Мазкур тушунча мундарижаси куйидаги белгилардан иборат: 1) ҳаракат, 2) ердан юқорида бажариладиган, 3) фазодаги жойини ўзгартириш мақсадида. Тушунча мундарижаси структураси ва маъно структурасини қиёслаймиз: учмоқ семемасининг семалари: «ҳаракат», «ердан юқорида бажарилади», «фазодаги жойини ўзгартиради».

Тушунчанинг ҳажми ва мундарижаси ўзаро шартланган бўлиб, тушунча ҳажми қанча кенг бўлса, тушунча мундарижаси шунча кичик бўлади. Масалан, фасл тушунчасининг ҳажми қиш тушунчасининг ҳажмидан кенгдир. Чунки фасл тушунчаси ҳажмини қиш, баҳор, ёз, куз кабилар ташқил қилади. Лекин фасл тушунчасининг мундарижаси қиш тушунчасининг мундарижасидан кичикдир. Фасл тушунчаси мундарижасини куйидаги белгилар ташқил қилиши мумкин: 1) йилнинг маълум қисми, 2) 3 ойдан иборат, 3) табиатдаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Энди қиш тушунчасининг мундарижасини аниқласак, унда куйидаги белгиларни кўриш мумкин: 1) йилнинг маълум қисми, 2) 3 ойдан иборат, 3) табиатдаги ўзгаришлар билан боғлиқ, 4) совуқ, 5) куздан кейин келадиган, 6) баҳордан олдин келадиган.

Юқоридаги шартлилиқ лексик маънода ҳам кузатиладигани, сўз қанча умумий нарса-ҳодисаларни номласа, унинг семантик компонентлари шунча кам бўлади ва аксинча. Масалан:

**Одам** – онгли, нутққа эга жонзот;

**Аёл** – фарзанд туғиш қобилиятига эга одам (онгли, нутққа эга жонзот)

**Қизча** – вояга етмаган аёл (фарзанд туғиш қобилиятига эга онгли, нутққа эга жонзот).

Тушунчанинг лексик маъно учун характерли хусусиятларидан бири унинг ўзгарувчан эканлигидир. Муайян предмет ҳақидаги юзаки тушунчаларимиз вақт ўтиши билан чуқурлашиб, такомиллашиб бориши мумкин. Одатий тушунчаларимиз муайян соҳа вакиллари томонидан чуқур илмий таҳлил қилиниши ва уларда мукамал, илмий тушунчалар ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, XX асрда атом тушунчаси остида оммавий қирғин қуролининг манбаи тушуниланган бўлса, XXI асрда келиб атом асосий энергия манбаига айланди ва у ҳақидаги тушунча ҳам ўзгарди, бойиди.

Муайян нарса-ҳодиса ҳақидаги тушунча турли одамларда уларнинг илмий савияси, яшаш тарзи, касби, ҳаётий малакаси ва албатта, вақт нуқтаи назаридан турлича бўлиши мумкин. Тушунча лексик маънога нисбатан ўзгарувчи категория бўлса-да, унинг ўзгариши лексик маънога ҳам таъсир қилмай қўймайди. Лексик маънонинг чегараси ҳам жуда қатъий бўлмасдан, биров эркинликка эга. Ушбу эркинликни тушунчада бўлгани каби маънода ҳам тил эгасининг илмий савияси, яшаш тарзи, касби, ҳаётий малакаси ва давр белгилайди. Ўзбек тилининг синонимлар, антонимлар, омонимлар ва изоҳли луғатларидаги сўз маънолари ўртасидаги фарқлиқлар ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Ёки 1980 йилда ва 2006 йилда нашр қилинган изоҳли луғатларда келтирилган маънолар ўртасида ҳам фарқлар кузатилади. Масалан, 1980 йилда нашр қилинган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *баҳор* лексемасининг 2 та маъноси берилган бўлса, 2006 йилда нашр қилинган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да 6 та маъноси қайд этилган. Ёки савияси, ёши, дунёқараши, ҳаётий малакаси, касби турлича бўлган кишиларни тўплаб маълум бир сўзларнинг маъноси ҳақида сўровнома ўтказилса, табиийки, фарқлар кузатилади.

Лексик маънонинг шаклланишида тушунчанинг ўрни қанча катта бўлмасин, мазкур ҳодисаларнинг ўзига хос фарқли томонлари ҳам мавжуд.

Аввало, тушунча ва лексик маъно бошқа-бошқа система элементлари: тушунча – мантиқ категорияси, маъно эса тил категориясидир.

Тушунча ҳам, лексик маъно ҳам воқеликнинг инъикос эттирувчи шакллardир. Лекин тушунча предметнинг барча белгиларини акс эттиргани учун унинг мундарижаси лексик маънодан кенгроқ бўлади. Сўз маъносида эса предметга хос барча белгилар эмас, балки ушбу сўзни таниш ва уни семантик жиҳатдан ўзига яқин сўздан ажратиб олиш учун, нутқда фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган энг оз миқдордаги тушунча белгиларигина мавжуд бўлади. Бу билан маъно тушунчадан камбағал деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Маъно тушунчанинг ихчам, ўргача савиядаги тил эгасига тушунарли кўринишидир. Масалан, *бўрон* сўзининг маъносини очишда уни маъно жиҳатдан яқин лексемалардан, жумладан, *шамол* ва *довулдан* фарқловчи белгилари муҳим аҳамият касб этади. *Бўрон* сўзининг маъносини шундай изоҳлаш мумкин: «Тўзон ёки қор аралаш эсадиган шиддатли шамол». *Бўрон* тушунчаси эса янада кенг бўлиши, у яна кучли овозга эга, вайрон қилувчи, совуқ каби бир қатор тушунча белгиларига эга бўлиши ва табиатшуносликка оид мутахассислик лугатларида 2-3 саҳифани банд қилиши мумкин.

Тушунча белгига, шаклга эга бўлмайди, лексик маъно эса номга, белгига бириктирилган бўлади. Ушбу омил асосий фарқлардан бири бўлиб, тушунча ва маънони айнан бир ҳодиса деб ҳисобловчи олимлар ҳам буни эътиборда тутадилар. Уларнинг фикрича, маъно тушунчанинг ўзи бўлиб, унда тушунчага хос барча нарсалар: мундарижа, структура, системавий муносабатлар, воқеликнинг инъикоси сақланади. Лекин маъно белги билан боғланган тушунчадир. Маънога ушбу белги билан боғлиқ бошқа хусусиятлар кўшилади.

Тушунчадан фарқли ўлароқ лексик маънода номланаётган нарсага сўзловчининг субъектив муносабати ҳам мавжуд бўлади. Жумладан, «овоз чиқармай кўз, лаб ҳаракати билан хурсандчиликни ифода қилиш» тушунчаси мавжуд ва бу

тушунча субъектив муносабатлардан холи. Ушбу тушунча асосида шаклланган лексик маънолар эса субъектив муносабатларга эга бўла олади: *иржаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ, иршаймоқ*.

Тушунча фикрлаш жараёнининг натижаси сифатида инсонга нисбатан белгиланади ва асосан, умуммиллий хусусиятга эга бўлади. Лексик маънога хос умумлаштириш эса ҳар бир тилнинг ўз доирасида воқе бўлади<sup>1</sup>. Лексик маънодаги умумлаштиришнинг ҳар бир тилга хос, миллийлик характерига эга эканлиги полисемия ҳодисасида яққолроқ кўринади. Полисемияда маъноларнинг муайян лексемада умумлашиши ҳар бир тил доирасида юз беради. Масалан, ўзбек тилидаги *кўк* лексемасида тўртта рангни ифодаловчи маънолар умумлаштирилган. 1) тиниқ осмон ранги, мовий ранг: *кўк осмон*;

2) кўк ранг, тўқ мовий ранг: *кўк бўёқ*;

3) кулранг: *кўк бўри, кўк каптар*;

4) яшил ранг: *кўк ўт, кўк дала*.

Аммо, тушунчани миллий характерга эга эмас деб ҳам бўлмайди. Айрим нарса ва ҳодисалар ҳақида муайян миллатнинг ўзига хос тушунчалари бўлиши табиий. Масалан, **андиша, оила, поклик, ҳалоллик** ҳақидаги тушунчаларимиз бошқа миллатларникидан маълум миқдорда фарқ қилиши маълум. Буни яна бошқа тилларда **андиша** сўзининг маъносини берувчи муқобил сўзнинг йўқлиги ҳам исботлай олади. Лексик маънонинг йўқлиги эса андиша ҳақидаги тушунчанинг йўқлигидан дарак беради. Худди шундай ҳолатлар бошқа тиллар мисолида ҳам кузатилиши мумкин. Ҳар бир халқнинг ўзига хос яшаш тарзи ва маънавий дунёси уларнинг фикрлаш жараёнларига, олам ҳақидаги тушунчаларига ва тушунчаларнинг маънога айланиш жараёнига таъсир қилиши табиий.

Алоҳида бир шахснинг маънода ифодаланётган денотатга ўзининг билими, дунёқарашидан келиб чиқиб шахсий

---

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. --Тошкент, «Университет», 2006, 47-бет.

муносабати, тушунчаси бўлиши мумкин. Маънонинг бундай компоненти тилшуносликда прагматик маъно дейилади. Масалан, *бурч*, *иймон* лексемалари маъноларига ҳамманинг бир-биридан фарқли муносабати бўлиши аниқ. Алоҳида шахсларнинг муносабатидан битта денотатни турли тилларда ҳар хил тушуниш келиб чиқади. Масалан, ҳиндларда *сигир* лексемаси таркибида «муқаддас» прагматик маъноси, чехларда «илон» лексемаси таркибида «гўзаллик» прагматик маъноси мавжуд.

Демак, воқеликдаги нарса-ҳодисалар маъно ва тушунчанинг асосини ҳосил қилади. Нарса-ҳодисалар умумлашган ҳолда инсон онгида акс этадики, унга субъектнинг билими, дунёқараши, савияси, касби, ҳаётий кўникмалари кўшилиб тушунчани ташкил этар экан. Тушунчанинг муайян номга бириктирилган, ихчам, ўртача тил эгасига тушунарли, субъектив муносабатларни кўрсата оладиган, миллийлик характери мавжуд, тил системасида ўзига хос ўринга эга, парадигматик ва синтагматик муносабатларга кириша оладиган кўриниши эса лексик маънодир.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Тушунча қандай категория?
2. Воқелик ва у ҳақидаги тушунча муносабатини тушунтиринг.
3. Тушунчадан маъно ҳосил бўлиши жараёнини тушунтиринг.
4. Тушунчанинг ҳажми нима ва унинг маъно билан муносабати қандай?
5. Тушунчанинг мундарижаси нима ва унинг маъно билан муносабати қандай?
6. Тушунча ва лексик маънонинг умумий, ўхшаш томонларини айтинг.
7. Тушунча ва лексик маънонинг фарқли, ўзига хос томонлари нималардан иборат?



## 7-§. Лексик маъно қирралари

Лексик маъно мураккаб, кўп қиррали, шу билан бирга, бир бутун яхлит объектдир. Мазкур яхлит бутунлик доирасида лексик маънонинг қуйидаги қирралари ажратилади:

1) Лексик маъно нолисоний воқеликнинг махсус лисоний умумлашган инъикосидир;

2) Лексик маъно конкрет муайян бир воқеликнинг, нарсанинг номи, ифодаланишидир;

3) Маъно лексик бирликнинг компоненти (таркибий қисми) сифатида тил системасининг структур элементидир;

4) Лексик маъно сўзловчининг сўзга муносабатини ва аксинча, сўзнинг сўзловчига муносабатини ифодаловчи бирликдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, лексик маънонинг қуйидаги бир-бирига боғлиқ бўлган турлари ажратилади: сигнификатив маъно, денотатив маъно, структур маъно, эмотив маъно.

**Сигнификатив маъно** ёки «соф лисоний» маъно объектив воқеликнинг махсус лисоний инъикоси, лексик бирликнинг асосий семантик мундарижасидир. Бундай маъно юқорида таъкидлаганимиздек, белгининг (номнинг) бошқа бир лексик бирликдан фарқланиши учун тушунчадан муайян белгиларнинг танлаб олиниши ҳисобига юзага чиқади. Мазкур маъно, кўпинча, сўз маъноси деб юритилади ва луғатларда изоҳ сифатида берилади. Масалан, *алла* сўзининг сигнификатив маъноси «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да шундай берилади: «гўдакни ухлатишда яккахон усулида айтиладиган кўшиқ»<sup>1</sup>. Сигнификатив маъно «бу лексик бирлик қандай маъно англатади?» деган саволга жавоб беради.

**Денотатив маъно** лексик бирликнинг ўзи номлаётган воқеликдаги нарса билан муносабатини кўрсатади. Денотатив маъно аниқ нарсани, муайян ҳодисани (денотатни) билдиради ва «бу сўз нимани ифодалайди?», деган саволга жавоб беради.

Маънода ифодаланаётган нарса денотат дейилади. Объектив воқелик (денотат) тилда сўзнинг лексик маъноси билан, сўз

<sup>1</sup> ЎТИЛ, 5 томли. 1-том. —Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006, 71-бет.

бирикмаси, гап ва матн орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Сўз бирикмасида, гапда, ҳатто матнда ифодаланаётган нарса-ҳодисалар ҳам кенг маънода денотат дейилади. Масалан, «йилнинг куздан кейин, баҳордан олдин келадиган совуқ фасли» *қиш* лексемаси билан, «*энг совуқ фасл*» каби сўз бирикмаси билан, «*Қиш...*» кўринишидаги атов гап, «*Бу қорбобо яшаш мумкин бўлган фаслдир*» каби гаплар ва қишнинг тавсифини берувчи матнлар маънолари орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Ушбу турли сатҳ бирликлари битта денотатни (қиш фаслини) ифодаламоқда.

Луғавий бирликларда ифодаланган денотатлар реал мавжуд бўлиши ёки тўқима бўлиши мумкин. Денотат ва референт терминлари ана шу фарқлилиқни ажратиш учун хизмат қилади. «Денотат» кенг маънодаги умумий термин бўлиб, у реал мавжуд ва мавжуд бўлмаган барча денотатлар учун қўлланса, «референт» термини эса фақат реал мавжуд бўлмаган денотатлар учун ишлатилади. Реал мавжуд бўлмаган денотатлар ҳам жамият томонидан англаниши, қабул қилиниши мумкинки, натижада улар лексик таркибда салмоқли ўрин эгаллайди. Бунга мисол қилиб халқ оғзаки ижоди асарлари қаҳрамонларини келтириш мумкин: *паризод, дев, семурғ, аёз бобо, қорқиз* каби.

**Структур маъно** лексик бирликнинг тил системасида тутган ўрнини белгиловчи формал тавсифидир. Структур маъно баъзан ички лисоний маъно деб ҳам юритилади<sup>1</sup>. Унинг асосида белгиларнинг бир-бирига муносабати ётади. Структур маънонинг икки хил тури мавжуд: синтагматик структур маъно ва парадигматик структур маъно.

**Синтагматик структур маъно** лексик бирликларнинг кетма-кет бирикиб кела олишини, валентлигини ифодалайди. Валентлик лексик бирликнинг асосий структур хусусиятларидан бири бўлиб, унинг бошқа бирликлар билан кетма-кет боғлана олишининг потенциал имкониятидир. У мазкур бирлик қатнашувчи барча қуршовларни (дистрибуция, контекстларни) белгилаб беради.

Валентлик, аввало, мазмуний боғланишга асосланади. Бунда боғланаётган икки тил бирлиги ўртасида умумий семантик компонент бўлиши лозим. Масалан, *дарахт гуллади* бирикмасида

<sup>1</sup> Плотников Б.А. Основы семасиологии. — Минск, 1984. С.17.

«ўсимлик» умумий семантик компонентдир: *дарахт* — «тана қўйиб, шох ва новдалар чиқариб, томир отиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик»; *гуллади* — «ўсимликнинг гул очиши».

Лексик бирликларнинг ички моҳияти уларнинг қўлланишида, қуршовида намоён бўлишини назарда тутсак, лексик бирликларнинг семантик таҳлилида синтагматик структур маъносини, валентлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. (Бу ҳақда «Лексик маънонинг синтагматик хусусиятлари» баҳсига қаранг.)

**Парадигматик структур маъно** ўхшашлиги асосида ўзаро боғлиқ ва оппозицияда бўлган бир жинсли лексик бирликларнинг муайян гуруҳ (парадигма) ҳосил қилувчи, кетма-кет бўлмаган муносабатини ифодалайди. Парадигматик маъно лексик бирликнинг гуруҳдаги (парадигмадаги) бошқа лексик бирликлар билан муносабатини акс эттирувчи ички хусусиятидир. Парадигматик маъно лексик бирликни ўзаро ўхшаш лексемалар билан зидлаш асосида тил системасидаги тутган ўрнини кўрсатиб беради. Структур маънонинг бу турини Ф. де Соссюр *valeur* (значимость), яъни фарқловчи маъно деб номлаган. Лексик парадигмаларга синонимик қаторлар (*босинқирамоқ, алаҳламоқ, алаҳсирамоқ*), антонимик жуфтликлар (*катта — кичик*), лексик-семантик гуруҳлар (масалан, рўзғор буюмлари номлари), мазмуний майдонлар (вақт, макон, шахс номлари мазмуний майдони) мисол бўла олади.

Ҳар бир лексик бирлик ўзининг мазмуний мундарижасига, валентлигига эга бўлиши билан бирга, тил системасида ўзига хос парадигматик маънога ҳам эга бўлади. Масалан, ўзбек тилида *ҳафта* лексемасининг сигнификатив маъноси «душанбадан якшанбагача бўлган етти кеча-кундузни ўз ичига олган вақт»ни билдирса, парадигматик структур маъноси унинг тил системасидаги ўрни — вақт ўлчови отлари лексик семантик гуруҳида *сутка* ва *ой* лексемалари орасида эканлигини билдиради: *секунд — минут — соат — сутка — ҳафта — ой — йил — аср*.

Парадигматик маъно матнда, нутқда бевосита кузатишда берилмайди. У лексик бирликларни қаршилантириш орқали

махсус лингвистик таҳлиллар асосида аниқланади. Аслида, лексик бирликлар ифодалаган тушунчалар инсон онгида гуруҳлар (парадигмалар) шаклида мавжуд бўлиб, улар лексик бирликларнинг синтагматик муносабати учун потенциал танланиш имкониятидир. Масалан, *юз, бет, афт, башара, турқ, чехра, жамол, дийдор, ораз, узор, рухсор* парадигмаси аъзолари синтагматик боғланишлар учун потенциал танланиш имкониятидир. *Юз* лексемаси эмоционал-экспрессивлик жиҳатидан нейтрал бўлгани учун у миқдоран кўплаб боғланишлар ҳосил қилиши мумкин. Яъни, *юз* лексемаси эмоционал нейтрал, салбий ва ижобий сўзлар билан бирика олади: *юзини ювди, гул юзди, юзи буришди* каби. Эмоционал-экспрессив нейтрал бўлмаган парадигма аъзолари эса бу жиҳатдан нейтрал бўлган лексемаларга нисбатан кам боғланишлар ҳосил қилади. Масалан, салбий эмоционал оттенкага эга бўлган *башара* лексемаси салбийлик бўёғи мавжуд бўлган (айрим ҳолларда нейтрал: *башарангни юв*) лексемалар билан боғланиш учун парадигмадан танлаб олинади: *башараси тиришди, башараси расво* каби. Ижобий оттенкали лексемалар ҳам худди шундай эмоционаллик жиҳатидан ижобий ва айрим ҳолларда нейтрал лексемалар билан боғланиш ҳосил қилиш учун танланади: *чехраси ёришди, ой чехрали* каби. Лекин ижобий коннотатив маъноли лексема салбий коннотатив маъноли лексема билан боғланиш учун танланмайди: *Гўзал турқли жонона, орази бужмайди* каби.

**Эмотив<sup>1</sup> (коннотатив, эмоционал-экспрессив)** маъно лексик бирликлар маъносининг баҳолаш, эмоционал, экспрессив, услубий компонентини ташкил қилади. У, асосан, услубий бўёқли сўзлар ёрдамида ифодаланади. Эмотив маъно услубий бўёқли сўзлар ёрдамида сўзловчининг ифодаланаётган нарса-ҳодисаларга бўлган муносабатини кўрсатади. Сўзловчи томонидан қўлланган услубий бўёқли сўзлар ўз навбатида тингловчига ҳам эмоционал таъсир кўрсатади.

Эмотив маъно тилшуносликда коннотатив маъно деб ҳам юритилади.

<sup>1</sup> Инглизча **emotive** — эмоционал, таъсирли

Сигнификатив маъноси бир хил бўлган лексик бирликларни, яъни синонимларни қаршилантирганимизда, эмотив маънолар сезиларли даражада намоён бўлади. Масалан, *ориқ*, *озгин*, *қилтириқ*, *дирдов*, *ипилтириқ*, *рамақижон* синонимик қаторидаги барча лексемалар битта умумий «ҳажми (ёғ қатлами) меъёрдан кам» сигнификатив маънога эга. Лекин қатор элементлари эмотив маънога эгалиги билан фарқланади. *Ориқ*, *озгин* лексемалари фақат сигнификатив маънога эга бўлиб, эмотивлик нуқтаи назаридан нейтрал бўлса, *қилтириқ*, *дирдов*, *ипилтириқ*, *рамақижон* лексемалари эса ҳам сигнификатив, ҳам эмотив маънога эга. *Қилтириқ*, *дирдов*, *ипилтириқ*, *рамақижон* лексемаларида ушбу белгига бўлган салбий муносабат акс этиб турибди.

Лексема кучли эмотив маънога эга бўлганида сигнификатив маъно бироз кучсизланади. Юқорида кўрилган *юз*, *бет*, *афт*, *башара*, *турқ*, *чехра*, *жамол*, *дийдор*, *ораз*, *узор*, *рухсор* синонимик қаторидаги синонимларнинг барчаси «инсон бошининг олд қисми» сигнификатив маънони ифодалашини айтиб ўтган эдик. *Турқ* лексемаси контекстда қўлланганда сигнификатив маъносининг хиралашишини кузатиш мумкин: «*Киргизманг олдимга. Турқини кўрмай, у нобакорни*». Мазкур матнда *турқ* лексемаси кучли салбий эмотив маъно ифодалашини билан бирга, «киши бошининг олд қисми» маъносини эмас, балки бутун бошли одамни ҳам ифодаламоқда. Таққосланг: *уни кўрмай — турқини кўрмай*.

Юқоридаги *юз*, *бет*... синонимик қаторининг яна бир элементи *жамол* лексемаси кучли ижобий эмотив маънога эга. Қуйидаги матнга эътибор қилинг: *Сен маърифат, ободликнинг ёрқин тимсоли, Кундан кунга яшнамоқда кўркинг, жамолинг. (Файратий)* Мазкур матнда *жамол* лексемасининг сигнификатив маъноси хиралашиб, кучли ижобий эмотив маъноси таъсирида «ҳусн», «кўрк» маъносини ифодаламоқда.

Демак, лексик маънонинг ўзаро боғлиқ қуйидаги қирралари мавжуд экан:

Лексик маъно

сигнификатив маъно  
денотатив маъно  
структур маъно  
эмотив маъно

Бундан, битта лексик маъно тўртта қисмга бўлинади, деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Лексик маънонинг ушбу сигнификатив, структур, эмотив, денотатив қирралари ўзаро жипс боғланган бўлиб, битта яхлит ҳодисани, яхлит объектни (лексик маънони) турли нуқтаи назарлардан тавсифлайди. Сигнификатив маъно воқеликнинг махсус лисоний инъикоси бўлса, структур маъно унинг тил системасидаги ўрнини белгилайди, эмотив маъно ифодаланаётган нарсага эмоционал-экспрессив муносабатни билдиради, денотатив маъно эса луғавий бирликнинг аниқ нарса ва ҳодиса билан шартланганлигини кўрсатади.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Лексик маънонинг қирралари ҳақида маълумот беринг.
2. Сигнификатив маъно нима?
3. Денотатив маъно ҳақида маълумот беринг.
4. Референт нима? Мисоллар келтиринг.
5. Структур маъно нима?
6. Структур парадигматик маъно ҳақида маълумот беринг.
7. Структур синтагматик маъно ҳақида маълумот беринг.
8. Эмотив маъно нима? Мисоллар келтиринг.

## ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ СЕМАНТИК СТРУКТУРАСИ

### 8-§. Лексема тил лексик-семантик системасининг асосий бирлиги сифатида

Тил лексик-семантик системасининг асосий бирлиги сўз ҳисобланади. Сўз жуда мураккаб, серқирра тил бирлиги бўлиб, тилшуносликда турли нуқтаи назарлардан ўрганилади. Сўз грамматик шаклланганлик нуқтаи назаридан морфологияда, гапнинг энг кичик ташкил этувчиси сифатида синтаксисда ва яна у сўз ясалиши, морфемика, орфоэпия, орфографияда ҳам бўлимнинг мақсадига қараб тадқиқ қилинади. Сўзнинг лексик маънога эгаллиги уни тил лексик-семантик системасининг асосий бирлиги эканлигини белгилайди. Лекин ҳамма сўзлар ҳам лексик маънога эга бўлмайди. Масалан, *ва, билан, сари* каби ёрдамчи сўзлар лексик маънога эга эмас ва улар ўз-ўзидан лексик-семантик бирлик бўла олмайди. Ўзбек тилшунослигида лексик маънога эга ва эга бўлмаган сўзларни фарқлаш, тил ва нутқ ҳодисаларининг номларини ажратиш мақсадида лексик маънога эга бўлган сўзларга нисбатан лексема атамаси қўлланмоқда<sup>1</sup>. Демак, тил лексик-семантик системасининг асосий бирлиги лексик маъноли сўз ёки лексемадир.


Тилшуносликда асосий бирликдан фарқли элементар лексик-семантик бирликлар ҳам ажратилади. Агар лексема кўп маъноли бўлса, у англатаётган ҳар бир маъно — семема алоҳида элементар лексик-семантик бирлик саналади. Масалан, ўзбек тилидаги ой лексемаси полисемем бўлиб, у ифодаляётган «ернинг йўлдоши» ва «йилнинг ўн иккидан бир қисми» маънолари элементар семантик бирлик ҳисобланади.

Ш.Раҳматуллаев полисемем лексема таркибидаги ҳар бир маънони мустақил лексик бирлик деб қарайди ва луғат бойлигини

---

<sup>1</sup> Лексема атамаси рус тилшунослигида аввал лексик маъноли сўзга нисбатан ишлатилган бўлса, сунгги йилларда бу атама лексик маъноли сўзнинг белгисига, шаклига, ифода планига нисбатан қўлланмоқда.

лексемалардан келиб чиқиб эмас, балки, кўп маъноли лексема-ларга бирлашган ҳар бир семемадан келиб чиқиб ҳисоблаш тўғри эканлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Қуйида полисемем лексема ва унинг семемалари муносабати схемаси келтирилган:



Лексема структурасида мавжуд бўлган элементар birlikлар бир қатор илмий ва ўқув адабиётларида **лексик-семантик вариантлар** деб юритилмоқда. Унга кўра, лексема асосий лексик birlik сифатида лексик-семантик вариантлардан таркиб топади. Лексик-семантик вариант тил лексик системасининг энг кичик ташкил этувчиси, «ҳужайраси» ҳисобланади. Лексема ва лексик-семантик вариант ўзаро бутун-қисм муносабатида бўлади. Агар лексема бир маъноли бўлса, бу ҳолда лексема ва лексик-семантик вариант тенг келади. Лекин бу ўринда ҳам лексема лексик-семантик вариантга нисбатан юқори поғона-даги birlik ҳисобланади.

Бир лексема таркибидаги ЛСВлар ўзаро маъно жиҳатдан фарқланади, лекин шаклда (фонетик ва график томон) фарқлилик кузатилмайди. ЛСВлар грамматик шакллари билан ҳам фарқланиши мумкин: *Кўз* лексемасининг кўриш аъзоси маъносини берувчи ЛСВи ҳамма 1-, 2-, 3-шахс эгалик кўшимчаларини қабул қила олади: **кўзим, кўзинг, кўзи**. *Кўз* лексемасининг *тахтанинг кўзи, булоқнинг кўзи, игнанинг кўзи, хуржуннинг кўзи, деразанинг кўзи* бирикмаларида реаллашадиган ЛСВлари эса 1- ва 2-шахс эгалик кўшимчаларини қабул қила олмайди.


<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. —Тошкент, «Университет», 2006, 73-бет.



ЛСВлар ҳам лексема каби икки планли ҳисобланиб, шакл ва мазмун жиҳатларига эга.

ЛСВлар полисемия, синонимия, антонимия каби ҳодисалар учун асос, замин вазифасини бажаради.

Полисемантик лексема таркибидаги ҳар бир узул маънони семема ёки лексик семантик вариант дейилиши ўртасида катта фарқ йўқдек. Аслида бир ҳодисага турли нуқтаи назарлардан қаралмоқда. Лекин, лексема англатаётган ҳар бир маъно семема деб номланганда шакл ва мазмун номуносаблиги кузатилса, полисемантик лексема англатаётган маъноларни ЛСВ нуқтаи назаридан ўрганилганда шакл ва мазмун муносаблиги сақланади. Зеро, таъкидлаганимиздек, ЛСВ шакл ва мазмун планига эга бўлади. Қуйида лексема ва лексик-семантик вариант муносабати схемада кўрсатилган:



Полисемем лексема таркибидаги маънолар семема ёки ЛСВ деб номланишидан қатъи назар, ҳар бир маъно тил луғат таркибини ташкил қилади ва улар элементар лексик-семантик бирлик саналади.

Демак, лексема асосий лексик-семантик бирлик, семема (ЛСВ) эса элементар лексик-семантик бирликдир.

Лексема ва семема бир-бири билан бутун-қисм муносабатида бўлади: лексема-семема.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Сўз ва лексема атамалари, уларнинг муносабати ҳақида маълумот беринг.
2. Элементар лексик-семантик бирликлар ҳақида маълумот беринг.
3. Семема қандай бирлик?
4. Лексик-семантик вариантлар ҳақида маълумот беринг.
5. Тилнинг луғат таркибини қандай бирликлар ташкил қилади?

## 9-§. Лексеманинг мазмуни ва унинг таркиби

Лексема икки планли тил бирлигидир. У шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топади. Лексеманинг шакл жиҳати унинг фонетик белгиларидан иборат бўлиб, у тилшуносликда **субстанция, шакл, моддий томон, ташқи томон, белги, фонетик сўз, сигнал, фонетик қобик, номама** атамалари билан номланади. Ўзбек тилшунослигида лексеманинг шакл томони учун, кўпинча, **номама** атамаси қўлланади.

Лексеманинг мазмун жиҳати учун эса тилшуносликда **маъно, мазмун, ички томон, ифодаланмиш, сигнификат, функция, вазифа, қиймат, семема** атамалари ишлатилади. Ўзбек тилшунослигида лексеманинг мазмун томони, асосан, **семема, лексик маъно** атамалари билан номланади.

Лексеманинг мазмун жиҳатини номловчи семема ва лексик маъно атамалари муносабатига алоҳида тўхталиб ўтсак. Тилшуносликда семема ва лексик маъно хусусида икки хил қараш мавжуд. Айрим ишларда семема ва лексик маъно атамалари синоним сифатида ишлатилиб, лексеманинг мазмун планини ифодалайди.<sup>1</sup> Баъзи ишларда эса, лексик маъно семеманинг, яъни лексема мазмун планининг таркибий қисми сифатида эътироф этилади.


Лексик маъно ва семема атамаси остида бир ҳодисани назарда тутувчи ишларда фақат лексик маъно ёки семема атамаси ишлатилади, ёки ҳар икки атама ҳам тенг қўлланади. Бунда структура, таркибий қисм, яъни қисмга бўлинувчанлик хусусияти ҳақида сўз юритилганда семема (семага нисбат бериш мақсадида) атамаси ишлатилади. Яхлит бутунлик назарда тutilганда, яъни маъно ва унинг турлари, маъно ва уни ифодаловчи омиллар, маънолараро муносабатлар учун эса лексик маъно атамаси қўлланади.

Иккинчи тоифадаги, лексик маъно ва семемани фарқли деб кўрсатувчи ишларда семемада (лексеманинг мазмун

<sup>1</sup> Современный русский язык. Под редакции В.А.Белошапковой. —Москва, «Высшая школа», 1989. —800 с.

планида) лексик маъно, қўшимча маъно қирралари (коннотатив маъно, ифода семаси), баъзан туркумлик семаси ажратилади. Кўришиб турибдики, бу каби ишларда семема билан лексик маъно бутун-қисм муносабатида бўлади.

Айрим ўқув адабиётларида ҳам лексеманинг семантик таркиби лексик маъно ва қўшимча оттенкалардан (эмоционал-экспрессивлик, услубий хосликдан) иборатлиги қайд этилади. Сўнгра эса лексик маънонинг ўзи аташ, ифода, вазифа семаларидан ташкил топиши айтилади. Ваҳоланки, биринчи босқичда лексик маънодан ажратилган қўшимча маъно қирралари (аникрофи, эмоционал-экспрессивлик) лексик маъно таркибидаги ифода семасининг ўзидир. Бир ҳодисанинг таснифда икки марта ажратилиши эса мантиқан тўғри эмас:




Ўзбек маъношунослигининг забардаст олими Ш.Раҳматуллаевнинг «Ҳозирги адабий ўзбек тили» дарслигида мазкур масала юқоридагилардан фарқли ёритилади. «Лексеманинг мазмун жиҳатида асосий ҳодиса лексик маъно; баҳо семаси лексик маънони қуршаб туради», деб ёзади олим<sup>1</sup>. Баҳо семасининг лексик маънодан алоҳида ҳодиса сифатида олиниши лексеманинг семантик таркибини ажратишдаги айрим чалкашликларни бартараф этиши мумкин. Бу чалкашлик, айтиб ўтганимиздек, лексеманинг семантик таркибини лексик маъно ва қўшимча маъно оттенкаларига бўлиб, сўнгра лексик маънонинг таркибида ифода (баҳо) семаларининг қайта ажратилишида кўринади. Аммо

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. — Тошкент, «Университет», 2006, 51-бет.

масаланинг бошқа томони ҳам борки, агар баҳо семаси лексик маънодан алоҳида ҳодиса сифатида қаралар экан, унда лексик маъно эмас, балки лексеманинг семантик таркиби семалардан иборат бўлади. Бу ўринда сема лексик маъно узви мақомидан, лексеманинг семантик структураси узви мақомига кўтарилиши керак ёки лексик маънони қуршаб турувчи қўшимча компонент учун сема терминини ишлатмаслик лозим.

Лексеманинг (сўзнинг) семантик таркиби ва лексема мазмунининг (семеманинг) таркиби масаласини фарқлаш лозим. Лексема семемадан бир поғона юқори бирлик ҳисобланади ва улар бутун-қисм муносабатида бўлади. Лексеманинг семантик структураси (ЛСС) деганда, уни ташкил этувчи лексик маънолар (семемалар) ёки лексик семантик вариантлар ва маънолараро муносабатлар назарда тутилади: ЛСС=Семема+Семема+Семема. Лексема мазму-нининг структураси (ЛМС) дейилганда, лексема таркибидаги битта семема, лексик маъно ёки лексик-семантик вариант-ларнинг таркиби, қандай семалардан иборат эканлиги ва ундаги семалараро муносабатлар тушунилади: ЛМС=Сема+ +Сема+Сема. Таққосланг:




«Лексеманинг семантик структураси» атамаси асосан полисемем лексемаларга нисбатан ишлатилади. Масалан, *баҳор* лексемасининг семантик структураси 3 та семемадан иборат: Б1

«қишдан кейин, ёздан олдин келадиган йил фасли (баҳор келди)», Б2 «ёшлик (умрим баҳори)», Б3 «ёш (ўн саккиз баҳорим)». Агар лексема бир маъноли бўлсагина, унинг ва семемасининг таркиби тенг келади. Масалан, *косиб* лексемаси бир маъноли бўлгани учун унинг маъно планида фақат битта семема мавжуд бўлади. Мазкур лексеманинг битта семемадан иборатлиги лексеманинг семантик структураси ҳақида гапиришга имкон бермайди. Шу нуқтаи назардан, *косиб* лексемасининг семантик структураси деганда, шартли равишда *косиб* семемасининг структураси назарда тугилади.

Лексеманинг ҳар иккала шакл ва мазмун жиҳати ҳам элементар компонентлардан иборат структурага эга. Номема, аввало, морфемаларга ажралади: *гул-зор, ёз-ги*. Улар ҳам ўз навбатида фонемаларгача бўлинади: **г у л з о р, й о з г и**. Номемалар ўзаро фарқланувчанлик хусусиятига эга. Агар ўзбек тилида 100 минг атрофида лексема борлигини, уларнинг 31 фонеманинг турли фарқли бирлашмаларидан вужудга келганлигини назарда тутсак, мазкур фарқланиш ниҳоятда хилма-хил эканлигини сезиш қийин эмас<sup>1</sup>.

Лексеманинг мазмун плани семема ҳам маъно компонентларидан иборат структурага эга. Семеманинг таркибий қисмлари, маъно бўлаклари сема деб юритилади. Сема — лексик маънонинг энг кичик бирлигидир. У лексема маъносини махсус семик (компонент) таҳлил қилиш натижасида ажратилади.

Лексема, семема, сема бир-бири билан бутун-қисм муносабатида бўлади. Ушбу birlikларнинг ўзаро ташкил этувчилик муносабатини қуйидаги чизмада кўриш мумкин:



<sup>1</sup> Незьматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. —Тошкент, «Ўқитувчи», 1995, 15-бет.

Семема семаларнинг қуруқ йигиндиси эмас, у семаларнинг муносабати ва структурасидан иборат системадир. Бошқача айтганда, семема таркибида семалар ўзига хос позиция (мавқе, ўрин)га эга бўлади ва семалараро муносабатлар кузатилади.

Семалар турли нуқтаи назарлардан тасниф қилинади.

Семаларни семик структурадаги даражасига (мавқеига) кўра асосий ва иккиламчи (чет) семаларга ажратиш мумкин. Лексик маънонинг муҳим белгиларини кўрсатадиган, уни бошқа семемалардан фарқлайдиган, семеманинг асосини ташкил қиладиган семалар асосий семалар дейилади. Улар семик структурада етакчи мавқеда бўлади. Бу каби семалар ошкор семалар деб ҳам юритилади. Иккиламчи, чет семалар эса асосий семани қуршаб туради ва улар семик структурада қуйироқ мавқе эгаллайди.

Таҳлил учун *қиш* лексемасини кўриб чиқамиз. Бу лексема семемаси ўзбек тилида тахминан қуйидаги маъно бўлакларидан, таркибий қисмлардан – семалардан таркиб топади:

- 1) йил фасли,
- 2) 1-декабрдан 1-мартгача давом этадиган,
- 3) совуқ.

Бу ўринда *қиш* семемасининг 3 семасини ажратдик, холос. Бинобарин, *қиш* семемасининг яна кўплаб семаларини санаш мумкин. Лекин компонент таҳлилнинг энг асосий шартларидан бири шуки, таҳлилда семема ҳақида муайян тасаввур берувчи, уни ўзига ўхшаш бошқа семемадан ажратувчи энг кам миқдордаги асосий семалар ажратилиши лозим. *Қиш* семемаси таркибидаги юқорида ажратилган семалар мазкур маъно ҳақида етарлича маълумот бермоқда ва уни *баҳор*, *ёз*, *куз* семемаларидан ажратиб турибди. Демак, *қиш* лексемасининг «йил фасли», «1-декабрдан 1-мартгача давом этадиган», «совуқ» семалари унинг асосий семаларидир. Бу каби семеманинг муҳим белгиларини кўрсатувчи, уни бошқа семемалардан фарқловчи асосий семалар лексик маънонинг ядросини ташкил қилади. Лексик маънонинг (семеманинг) ядросини ташкил қилувчи семалар йигиндиси эса **интенционал** дейилади. Қиш семемасининг яна кўплаб семаларини келтириш мумкин. Масалан, «қор ёғади», «сувлар музлайди», «табиат уйкуга

кетади», «қуёш горизонтдан анча пасаяди», «қорбобо ясалади», «сирпанчиқ училади» каби. Семема структурасида қуйироқ мавқеда жойлашган бу иккиламчи, чет семалар маъно ядросини ўраб туради. Бундай иккиламчи, чет семалар йиғиндисини семасиологик тадқиқотларда **импликационал** термини билан аталади<sup>1</sup>. Импликационал семалар кучли (қиш: уч ойдан иборат, куздан кейин, баҳордан олдин), кучсиз (қиш: ҳамма иссиқ кийинади, қорбобо келади) бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда импликационал семалар интенционалга номутаносиб бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат, асосан, оксюморонда кузатилади: *қиш оташи* (қиш : иссиқ), *қор ҳарорати* (қор : иссиқ), **ёнғинли дарё** (дарё : аланга), *тирик мурда* (мурда : жонли) каби.

Импликационал, чет семалар муайян контекстларда юқори мавқега кўтарилиши, интенционалга айланиши мумкин. Бундай семалар тилшунослиқда контекстуал семалар деб ҳам юритилади. *Устозимиз барчамизнинг онамиздир* гапида *она* лексемасининг семемасида чет сема ҳисобланган «меҳрибон» семаси марказий мавқени эгаллаган ва интенционалга айланган. Асосий семалар эса ўз навбатида контекста қараб иккиламчи сема мақомига тушиб қолиши мумкин: *Бу йил қиш эрта келди. Қиш* лексемасининг семантик таркибида интенционал сифатида мавжуд бўлган «1-декабрдан 1-мартгача давом этадиган» сема мазкур гапда иккиламчи семага айланган.

Семалар яна бир қанча нуқтаи назарлардан фарқланадилар. Тилшунослиқда семаларнинг маъно хусусиятига кўра уч хил тури ажратилади: аташ семалари (идеографик, денотатив семалар), ифода семалари (баҳо семаси, коннотатив сема), вазифа семалари (функционал семалар).

Денотатив семалар семема таркибидаги асосий семалар ҳисобланиб, у бевосита денотатнинг муҳим белги-хусусиятлари асосида ажратилади. Масалан, *шамол* лексемаси семемасида ажратилдиган барча семалар денотатив семалардир: «ҳаво оқими», «ер сатҳида ҳаракатланувчи», «тез ҳаракат қилувчи», «овоз чиқарувчи». Лексема маъносига таъриф денотатив семалар асосида берилади: «ҳаво оқимининг ер сатҳи бўйлаб тез ҳаракат қилиши».

---

<sup>1</sup> Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. — Москва, «Высшая школа», С. 62

Коннотатив сема семема таркибида воқеликка бўлган субъектив муносабатни, эмоционал-экспрессивликни, услубийликни ифодаловчи маъно бўлагидир. Маеалан, *ҳингилламоқ* семемаси таркибида «кулмоқ» денотатив семаси ва «салбий муносабат» коннотатив семаси мавжуд. *Юз, афт, бет, башара, турқ, чехра, жамол* лексик парадигмасида барча аъзоларнинг денотатив семалари бир хил: «инсон аъзоси», «бошининг олд қисми». *Юз* семемасида коннотатив сема мавжуд эмас. Лекин *бет, афт, башара, турқ* семемаларида «салбий муносабат» коннотатив семаси мавжуд бўлса, *чехра, жамол* лексемалари семемасида «ижобий муносабат» коннотатив семаси мавжуд.

Вазифа семаси деб тилшуносликда семема таркибига кирувчи ва лексеманинг нутқда қандай вазифаларда кела олишини, валентлигини кўрсатувчи семага айтилади. Семеманинг бошқа семемалар билан бирика олиши, валентлиги, нутқда реаллашуви, албатта, унинг семантик структураси билан белгиланади ва у нутққача тайин бўлади. Лекин шунга қарамай семема таркибида денотатив ва коннотатив семалар билан бир қаторда вазифа семасининг ажратилиши тўғри эмасдек кўринади. Зеро, вазифа бажариш ёки бирика олиш лексик маънонинг имкониятидир, аммо унинг таркибий қисми эмас.

Демак, семаларнинг маъно турига кўра **денотатив** ва **коннотатив** семаларга ажратилиши тўғри бўлади.

Муайян семема таркибида денотатив сема ҳам, коннотатив сема ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, *валақлашмоқ* лексемасининг семемасида «гаплашмоқ», «меъёрдан ортиқ» денотатив семалари билан бирга, «салбий муносабат» коннотатив семаси ҳам мавжуд. Бундай семемаларда муайян ахборт берилади ва мазкур ахборотга муносабат ҳам билдирилади. *Валақлашмоқ* семемасининг семантик таркибида ҳам меъёрдан ортиқ гаплашиш ҳаракати маъноси ва бу ҳаракатга сўзловчининг салбий муносабати акс этган.

Таркибида ҳам денотатив, ҳам коннотатив семалар мавжуд бўлган семемаларда контекстга қараб семаларнинг мавқеи ўзгариши — коннотатив сема ёрқинлашиб, денотатив сема эса хиралишиши мумкин. Масалан, *башараси қурсин* сўз



бирикмасида *башара* семемасининг денотатив аспекти (одам бошининг олд қисми) хиралашиб, унга бўлган салбий муносабатни ифодалаш асосий мақсадга айланган. (Бу ҳақда «**Эмотив маъно**» баҳсига қаранг).

Аксарият семемаларда фақат денотатив сема мавжуд бўлади ва улар субъектив эмоционал муносабатдан холидир. Луғат таркибининг аксариятини шундай коннотатив жиҳатдан нейтрал семемали лексемалар ташкил қилади. Масалан, *қалам, дафтар, китоб, талаба, ўқувчи, ўқитувчи, яшил, сариқ, ёзмоқ, ўқимоқ, бир, икки, оз, кўп...* каби.

Фақат коннотатив семага эга семемалар ҳам борки, улар жуда кам миқдорда мавжуддир. Буларга модал сўзларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Модал сўзларда тушунча, денотатив аспект бўлмаган ҳолда фақат муносабат мавжуд бўлади. *Аттанг, афсус, хайрият, эссиз* каби сўзларда эса ҳам муносабат, ҳам ҳиссий ҳолат яққол кўриниб туради.

Семик таҳлил нафақат бир семемани таҳлил қилишда, балки семемаларни қиёслаш, уларни бирлаштириш ва фарқлаш учун ҳам энг мақбул усуллардан биридир. Шунга кўра семаларнинг қуйидаги турлари ажратилади<sup>1</sup>:

- а) бирлаштирувчи (интеграл) семалар
- б) фарқловчи (дифференциал) семалар

Икки ёки ундан ортиқ семемаларни бир гуруҳга бирлаштирувчи, бир неча семемалар учун умумий бўлган сема бирлаштирувчи, интеграл сема дейилади. Жумладан, *кун* ва *тун* лексема семемаларини «сутка қисми» семаси бирлаштириб туради. Бу сема ҳар иккала сема таркибида мавжуд: *кун*: «**сутка қисми**», «қуёш чиққандан ботгунча», «ёруғ»; *тун*: «**сутка қисми**», «қуёш ботгандан чиққунча», «қоронғи».

Икки лексемани, ёки лексемаларнинг икки гуруҳини бири-биридан фарқловчи семага фарқловчи, дифференциал сема

---

<sup>1</sup> Семаларнинг бундай таснифи ўзбек тилшунослигида семаларнинг даражасига кўра турлари деб ҳам юритилади. Лекин мазкур ҳолатда тасниф белгиси таснифнинг моҳиятини тўлиқ очмайдики, бу ўринда тасниф белгисини мос равишда ифодаловчи атамага эҳтиёж сезилди.

дейилади. Мазкур сема *кун* ва *тун* семемаларида ҳам кузатилади. Бу икки семема «ёруғ» ва «қоронғи» семаларига кўра фарқланади.

Интеграл семанинг катта, йирик гуруҳларни бирлаштирувчи тури архисема дейилади. Масалан, ўзбек тилида «вақт» архисемаси асосида 700 га яқин семемалар бирлашиб, мазмуний майдонни ҳосил қилиши мумкин. Бундай архисемаларга «шахс», «миқдор», «ҳаракат», «белги» кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Семема таркибидаги семалар ўзаро жинс-тур (кампир: **инсон**, **аёл**, катта ёшли), бутун-қисм ва даражали (дарахт: ўсимлик, ерда ўсувчи, илдизли, **танали**, **шоҳли**, **баргли**) муносабатларни ҳосил қилади.

Айрим адабиётларда, кам ҳолатларда эҳтиёжга қараб семалар ҳам таркибий қисмларга ажратилади. Семанинг таркибий қисми **эма** ёки **субсема** деб юритилади. Масалан, «жинс» семаси «аёл» ва «эркак» эмаларига ажратилиши мумкин.

### *Назорат учун савол ва топшириқлар*

1. Лексеманинг икки плани ҳақида маълумот беринг.
2. Лексеманинг шакл томони қандай атамалар билан номланади?
3. Лексеманинг мазмун томони учун қандай атамалар қўлланади?
4. Лексик маъно ва семема атамасининг муносабати ҳақида тушунтиринг.
5. Лексеманинг семантик структураси дейилганда нима назарда тутилади?
6. Семеманинг структураси нималардан иборат?
7. Сема ҳақида маълумот беринг.
8. Семаларнинг маъно хусусиятига кўра қандай турлари мавжуд?
9. Денотатив сема деб нимага айтилади?
10. Коннотатив сема деб нимага айтилади?
11. Вазифа семасининг ажратилишига сизнинг муносабатингиз қандай?
12. Интеграл сема ҳақида маълумот беринг ва мисоллар келтиринг.

13. Дифференциал сема ҳақида маълумот беринг ва мисоллар келтиринг.
14. Архисема деб нимага айтилади?
15. Импликационал деб нимага айтилади?
16. Тилшуносликда интенционал термини нима учун қўлланади?

## 10-§. Лексик маъно турлари

Лексик маъно турлари ўзбек тилшунослигида атрофлича ўрганилган. Унга кўра, лексик маънолар ҳозирги ва аввалги лексик маъноларга ажратилган. Тилнинг ўтмиш тараққиёт босқичига мансуб, ҳозирги луғат бойлиги таркибида қатнаш-майдиган лексик маъно аввалги лексик маъно дейилади.

Аввалги лексик маъно тарихий семасиологияда ўрганилади. Ҳозирги лексик маъно тасвирий семасиологияда ўрганилади.

Ҳозирги лексик маънолар турли нуқтаи назарлардан гуруҳланади.

1. Номинация (номлаш) усулига, яъни лексеманинг воқеликдаги номланаётган нарса билан муносабатига кўра лексик маънолар тўғри ва кўчма маъно турларига ажратилади.

Тўғри маъно деб нарсани тўғридан-тўғри, бевосита номловчи маънога айтилади. Масалан, ўзбек тилидаги *жайдари* лексемасининг *жайдари от*, *жайдари олма* каби боғланишларда ойдинлашадиган «маҳаллий зотга мансуб, маҳаллий» маъноси тўғри маънодир.

Кўчма маъно ўзаро боғлиқлик асосида бир предмет номининг бошқасига кўчирилиши асосида ҳосил бўлади. *Жайдари* лексемасининг *жайдари бола*, *жайдари фикр* каби контекстларда реаллашадиган «содда, гўл» маъноси кўчма маъно ҳисобланади.

Одатда тўғри маъно бош маънога, кўчма маъно ҳосила маънога тўғри келади.

2. Семантик мотивлашиш, яъни семантик боғлиқлик асосида ҳосил бўлиш нуқтаи назаридан лексик маънолар икки турга бўлинади:

а) бош (мотивлашмаган) маъно

б) ҳосила (мотивлашган) маъно.

Бошқа лексик маъно ҳосил бўлишига асос бўлган маъно бош маъно дейилади. Бош маъно тараққиёти натижасида шаклланган маънолар ҳосила маъно дейилади. *Муз* лексемасининг бош маъноси «сувнинг ноль даражада совиши натижасида қотган ҳолати». Бош маъно тараққиёти натижасида эса *муз* лексемасининг «совуқ» ва «ёқимсиз» ҳосила маънолари шаклланган: *оёғимдан муз ўтди* ва *сухбат муз бўлиб кетди*.

Бош маъно контекстга боғлиқ бўлмайди. Лексема талаффуз қилинганда, ўқилганда ёки эшитилганда онгимизда биринчи бўлиб бош маъно тасаввур қилинади. *Баҳор* дейилганда, ҳар бир ўзбек тили эгаси қишдан кейин ёздан олдин келадиган, табиатнинг уйғониши билан боғлиқ фаслни тасаввур қилади. Бу эса *баҳор* лексемасининг бош маъносидир.

Ҳосила маъно эса контекстга боғлиқ бўлади. Масалан, *баҳор* лексемасининг инсоннинг ёшини ифодаловчи ҳосила маъноси реаллашуви учун, албатта, у муайян сон билан боғланиб келиши керак: *ўн саккиз баҳори, етмишинчи баҳори* каби.

Бош маънонинг таркиби ҳосила маънога нисбатан соддароқ, умумийроқ бўлади. Масалан, *бормоқ* лексемасининг бош маъноси куйидагича: «бир жойдан иккинчи бир жой томон ҳаракат қилмоқ. *Мактабга бормоқ*». *Бормоқ* лексемасининг куйидаги ҳосила маъноси бош маънога нисбатан анча мураккаб структурага эга: «Ўз иши, фаолиятида бирор йўналишда ҳаракат қилмоқ» — «*Ўзбекистон демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда*».

Бош маънонинг бирикувчанлиги ҳосила маънога нисбатан катта бўлади. Масалан, *кўз* лексемаси бош маънода кўплаб боғланишлар ҳосил қила олади: *кўк кўз, қора кўз, хумор кўз, кўз қорачиғи, кўз оқи, кўз гавҳари, кўзи оғримоқ*. *Кўз* лексемаси бош маънода тирик организмларнинг кўриш аъзосини ифодалар экан, кўриш аъзосига эга барча тирик организмлар номи бўлган от лексемалар билан жуда кўп миқдорда боғланишлар ҳосил қила олади: *кўйнинг кўзи, оҳунинг кўзи, боланинг кўзи, Анварнинг кўзи...*

*Кўз* лексемасининг «баъзи нарсаларнинг кўзга ўхшаш қисми» ҳосила маъноси *игна, қудуқ, булоқ, тахта, ёғоч, узук, дераза,*

*ойна, тизза, хуржун* лексемалари билан боғлангандагина реаллашади: *игнанинг кўзи, узукнинг кўзи*. Лекин ушбу маъно узукнинг кўзига ўхшаш безакка эга бўлган *билакузук, занжир* лексемалари билан боғланишлар ҳосил қила олмайди.

Демак, *кўз* лексемасининг «баъзи нарсаларнинг кўзга ўхшаш қисми» ҳосила маъносининг бирикувчанлиги чегараланган.

Бош маъно ҳосила маънога нисбатан эмоционал-экспрессивликдан, субъектив муносабатлардан холи бўлади. Ҳосила маъноларда эса эмоционал-экспрессивлик, субъектив муносабатлар яққол кўришиб туриши мумкин. *Гул* лексемаси бош маъноси билан «ёпиқ уруғли ўсимликларнинг урчиш учун хизмат қиладиган, гулбанд, косачабарглар, тожбарглар, чангчилар ва уруғчидан иборат қисми»ни билдиради ва субъектив муносабатлардан холидир. Шу нуқтаи назардан у эмоционал-экспрессив бўёқдор ва эмоционал-экспрессивлик жиҳатидан нейтрал лексемалар билан эркин бирика олади: *гилос гуллади; гилоснинг оппоқ, кўркам гуллари*.

*Гул* лексемасининг «энг яхшиси, сараси» ҳосила маъноси ижобий эмоционал-экспрессивликка, «навқирон» модал маънога эга: *йигитнинг гули, хонадонимизнинг гули*. Шунинг учун ҳам у санокли сўзлар билан боғлана олади ва *йигит* лексемаси билан парадигма ҳосил қила оладиган *бола, чол, кампир, момо, бобо* каби лексемалар билан боғланишлар ҳосил қила олмайди.

Инсонларнинг характери ифодаловчи барча ҳосила маънолар эмоционал-экспрессивликка эга бўлади: *айёр одам — тулки одам, бўш йигит — латта йигит*.

Агар лексеманинг семантик таркибидаги ҳосила маъно ҳам ўз навбатида яна бир маъно ҳосил бўлиши учун асос бўлган бўлса, у ҳолда ясалишга асос бўлган ҳосила маъно нисбий бош маъно дейилади. Барча ҳосила маънолар учун бевосита ёки билвосита асос бўлган маъно тўнғич бош маъно дейилади<sup>1</sup>.

3. Семантик бирикувчанлик нуқтаи назаридан эркин ва боғлиқ лексик маънолар фарқланади.

---

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Хозирги адабий ўзбек тили. — Тошкент, «Университет», 2006. 64-бет.

Кўплаб боғланишлар ҳосил қила оладиган маънолар семантик бирикувчанлик нуқтаи назаридан **эркин маънолар** дейилади. Эркин маъно мантиқан бирикиш мумкин бўлган ҳамма лексемалар билан бирика олади. Бош маънонинг боғланиши эркин бўлади. Аксарият ҳолларда, нафақат бош маъно, балки ҳосила маънолар ҳам эркин маъно бўла олади. Масалан, *тил* лексемасининг бош маъноси билан бирга ҳосила маъноларининг аксарияти ҳам эркин маъно ҳисобланади. *Тил* лексемасининг «фикр ифодалаш ва ўзаро алоқа қуроли бўлиб хизмат қиладиган товушлар, сўзлар ва грамматик воситалар системаси» маъноси ҳосила маъно бўлиб, унинг боғланиши эркиндир: *тилни билмоқ, тил ўрганмоқ, она тили, тил тарихи, тил бирликлари...*

Боғлиқ маъноларнинг синтактик боғлана олиш имконияти мантиқийлик нуқтаи назаридан эмас, балки тил имкониятлари билан чегараланган бўлади. Боғлиқ маъноларни рус тилшуноси В. Виноградов 3 турга ажратади<sup>1</sup>:

1. Фразеологик боғланган маънолар;
2. Синтактик чегараланган маънолар;
3. Конструктив шартланган маънолар.

Фразеологик боғланган маънолар деб фақат муайян санокли сўзлар қуршовидагина реаллашадиган маънога айтилади. Бунда маъно мантиқийлик нуқтаи назаридан эмас, балки муайян тилнинг ички қонуниятлари асосида боғланишлар ҳосил қила олади. Масалан, *мағиз* ва *қаймоқ* лексемасининг «асосий мазмуни» маъноси, асосан, гап лексемаси билан боғланганда реаллашади: *гапнинг мағзи, гапнинг қаймоғи.*

*Туз* лексемасининг «овқат» маъноси ҳам фразеологик жиҳатдан боғлиқ маъно бўлиб, ушбу маъно «тотмоқ», «емоқ», «оқламоқ» каби лексемалар қуршовида реаллашади: *туз тотмоқ, тузини емоқ, тузини оқламоқ* каби. Солиштириш учун *туз* лексемасининг «овқатга маза киритиш учун солинадиган оқ, шўр модда»ни ифодаловчи бош, эркин маъносининг қуршовларини кўриб ўтамиз: *туз солмоқ, йодли туз, йодланмаган туз, майда туз, йирик туз, намаги ўткир туз, намаги паст туз, олий навли туз* ва ҳ.к.

<sup>1</sup> Виноградов В. Основные типы лексических значений слова // Избр. труды: лексикология и лексикография. — М., 1977. - С.162-189.

**Синтактик жиҳатдан чегараланган маъно** деб гапда муайян вазифада келгандагина реаллашадиган маънога айтилади. Кўпинча, ҳосила маънолар синтактик жиҳатдан чегараланган бўлади. Масалан, ўзбек тилида гул лексемасининг «ёр, севикли аёл» маъноси, асосан, гапда кириш сўз вазифасида мурожаат шаклида қўлланганда реаллашади: *Гулим, сенга айтар сўзим бор*. Синтактик жиҳатдан чегараланган маъно ўзбек тилида жуда кам кузатилади.

**Конструктив шартланган маъно** деб муайян синтактик конструкциялардагина реаллашадиган маънога айтилади. Масалан, *бош* лексемасининг «чорва ҳисобидаги ҳар адад жонивор» маъноси фақат саноқ сонлар билан келгандагина (саноқ сон + *бош* лексемаси) реаллашади: *Ўн бош мол, икки бош қўй*.

*Бош* лексемасининг «воқеа, ҳодисаларнинг бошланиши учун баҳона бўлган сабаб» маъноси фақат қуйидаги конструкцияда воқелашади: белгили қаратқич келишигидаги от + учинчи шахс бирликдаги *бош* лексемаси. Бунда боғланишларнинг миқдори чекланмайди: *жанжалнинг боши, урушнинг боши, кулгунинг боши...*

4. Бажарадиган вазифасига кўра лексик маънолар номинатив маъно ва фигурал маънога ажратилади.

Номинатив маъно деб бирор нарса, белги, ҳаракатнинг номи бўлиб хизмат қилувчи, номлаш вазифасини бажарувчи лексик маънога айтилади. Номинатив маъно воқелик билан бевосита боғланади. Лексема таркибида бирдан ортиқ номинатив маъно бўлиши мумкин. Бош маъно доимо номинатив маъно саналади. Бевосита предметнинг номи бўлиб келаётган ҳосила маънолар ҳам номинатив маъно бўлиши мумкин. Жумладан, *ер* лексемаси ифодалаган бош ва ҳосила маъноларнинг аксарияти ҳам бевосита муайян воқеликни номлагани учун барча маънолари номинатив маъно саналади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида унинг 11 та маъноси келтирилган. Улардан айримларини келтирамыз:

1. Қуёшдан кейинги учинчи планета. *Ер шари*.
2. Шу планетанинг қуруқлик қисми. *Ер планетамизнинг олтидан бир қисмини ташкил қилади*.

3. Планетамиз қобифининг сиртқи қисми. *Ер бағри.*

4. Нарсалар турган, тирик организмлар ҳаёт кечирадиган юза, сатҳ. *Томдан ерга қуламоқ.*

5. Ер сатҳининг муайян бир қисми; жой. *Тошлоқ ер* ва ҳ.к.

Фигурал маъно деб воқелик билан боғланмаган, номланаётган нарсанинг бевосита номига айланмаган, образлилик, мажоз ҳосил қилиш учун хизмат қилувчи маънога айтилади: *йигитнинг гули, деҳқончиликнинг тили, гапнинг қаймоғи.* Ушбу боғланишларда *гул, тил, қаймоқ* лексемалари ифодалаётган маъно фигурал маъно ҳисобланади. Чунки улар бевосита воқеликни номлагани йўқ. Масалан, *қаймоқ* лексемаси номинатив маъноси билан сутли маҳсулотнинг бир турини англатиб, воқеликдаги мавжуд нарсани номласа, *гапнинг қаймоғи* бирикувида эса «асосий мазмуни» фигурал маъноси ифодаланади. *Қаймоқ* лексемаси гапнинг асосий мазмунини тўғридан-тўғри эмас, балки ўзининг номинатив маъноси орқали ифодалайди.

Фигурал маъно фақат муайян контекстдагина воқе бўлади. Масалан, *йигитнинг гули* бирикувида воқе бўладиган фигурал маъно *йигит* лексемаси билан ўхшаш лексемаларда юзага чиқмайди: *боланинг гули, аёлнинг гули.*

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Тўғри маъно деб қандай маънога айтилади? Мисоллар келтиринг.

2. Кўчма маъно деб қандай маънога айтилади? Мисоллар келтиринг.

3. Семантик мотивлашиш нуқтаи назаридан лексик маънолар қандай турларга бўлинади?

4. Бош маъно ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

5. Ҳосила маънонинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

6. Қандай маъноларга эркин маъно дейилади?

7. Қандай маъноларга боғлиқ маъно дейилади?

8. Фразеологик боғланган маъно деб қандай маънога айтилади?



9. Синтактик жиҳатдан чегараланган маъно деб қандай маънога айтилади?

10. Конструктив шартланган маъно деб қандай маънога айтилади?

11. Номинатив маъно қандай маъно?

12. Фигурал маъно қандай маъно?

## ПОЛИСЕМИЯ

### 11-§. Полисемия ҳодисасининг умумий тавсифи

Лексеманинг биттадан ортиқ маъно англатиш ҳодисасига кўп маънолилиқ ёки полисемия дейилади. Биттадан ортиқ маъно англатадиган лексема эса кўп маъноли, полисемем, полисемантик лексема саналади.

Полисемия универсал асосий семантик ҳодисалардан биридир. Тилдаги тежамкорлик қонуни ва умумийлик принципи полисемияни вужудга келтирувчи асосий сабаблардан деб кўрсатилади.

Маълумки, сўзлар янги яратилган даврида бир маъноли бўлади. Оламнинг ўзлаштирилиши ва инсон билимининг ошиб бориши натижасида лексеманинг маънолари кўпайиб бораверади. Масалан, ўзбек тилидаги *қулоқ* лексемаси аввал тирик мавжудотларнинг ташқи эшитиш органини номлаган бўлса, ушлагичли ошхона буюмлари яратилган сўнг унинг ушлагичини (қозоннинг қулоғи), кейинчалик радио ва телевизорнинг бурагичини ҳам номлай бошлаган (радионинг қулоғи). Ёки, *бош* лексемаси аввал тананнинг бўйиндан юқориги, олдинги қисмини номлаган бўлса<sup>1</sup>, кейинчалик эса у яна 20 га яқин нарса ва белги кабиларни ҳам номлай бошлади. Бизни қуршаб турган олам ва у ҳақидаги билимларимиз чексиз бўлиб, ушбуларни номловчи тил имкониятларимиз эса чеклангандир. Масалан, ўзбек тилидаги мавжуд товуш ва уларнинг турли комбинациялари билан бутун оламни ва у ҳақидаги тасаввур-

<sup>1</sup> ЎТИЛ, 5 томли, 1-том, —Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006, 333-335-бетлар.

ларимизни номлаш мумкинми?! Албатта, бу ўринда полисемия табиий ҳодиса сифатида вужудга келади. Яъни, битта белги билан турли-туман, лекин ўзаро боғлиқ ҳодисалар номланади.

Полисемия ҳодисасида, асосан, бир нарсанинг номи билан янги анланган, ўзлаштирилган, ҳали номга эга бўлмаган 2-нарсa (предмет, белги, ҳаракат) номланади. Масалан, *лаб* лексемаси аввал оғиз бўшлиғининг кириш қисмини чегаралаб турадиган тери бурмасини (**Лаб 1. Лабини бурди**) номлаган бўлса, кейинчалик идишнинг, идиш оғзининг айлана четини (**Лаб 2. Пиёланинг лаби**), сувли сатҳнинг қирғоғини (**Лаб 3. Дарёнинг лаби**), ердан баланд ясси сатҳнинг чети, чеккасини (**Лаб 4: Супанинг лаби**) номлаган. Бу ҳолатда 3 та янги маънолар (**Лаб 2, Лаб 3, Лаб 4**) учун алоҳида сўз яратилмасдан, муайян умумийликлар асосида мазкур маънолар *лаб* лексемаси билан ифодаланган. Демак, бу ўринда 3 та сўз (лексема) тежалган.

Ўзбек тилидаги *сичқон* лексемаси яқин вақтларгача кемирувчиларнинг бир турини номлаган бўлса, ҳозирги пайтда компьютер бошқарувининг бир қисмини ҳам атайди. Яъни, *сичқон* лексемасида қўшимча иккинчи маъно ҳосил бўлди ва у полисемем лексемага айланди. Бу ўринда янги анланган денотат (компьютернинг бир қисми) маънога айланар экан, тилда алоҳида лексема ҳосил қилинмади. Мазкур маъно ташқи ўхшашлик асосида аввалдан мавжуд бўлган *сичқон* лексемасига бириктирилди ва бир лексема тежалди. Тежамкорлик принципи асосида воқе бўлган ҳосила маънолар коннотативлик, эмоционал-экспрессивлик, модаллик жиҳатидан нейтрал бўлиб, улар фақат номлаш вазифасини бажаради.

Жуда кам ҳолларда полисемия тежамкорлик принципи асосида эмас, аксинча, ортиқчалик принципи асосида ҳам воқе бўладика, бунда номи мавжуд нарсалар қайтадан номланади. Масалан, *латта* лексемаси *бўш* ёки *ношуд* лексемаси ифодалаган маънони, *тулки* лексемаси *айёр* лексемаси ифодалаган маънони қайтадан номлаган. Ортиқчалик принципи асосида қайта номлашдан мақсад кучли коннотация, эмоционал-экспрессивлик

ҳосил қилишдир<sup>1</sup>. Таққосланг: *айёр одам — тулки одам, буш йигит — латта йигит*.

Полисемиянинг яна асосий сабабларидан бири умумлаштиришдир. Умумлаштириш дунёни англашда ва ўзлаштиришдаги инсон тафаккурининг энг характерли хусусиятларидан бири бўлиб, воқеликдаги турли нарсалар муайян умумийликлар асосида бирлаштирилади. Полисемия ҳам умумлаштириш асосида ҳосил бўлади. Бир нарсанинг номи иккинчи нарсага ҳам ном қилиб берилар экан, албатта, улар ўртасида умумийлик бўлиши лозим. Бошқача айтганда, битта лексема билан ифодаланадиган барча маънолар муайян умумийликлар асосида ўзаро боғлиқ бўлади. Полисемантик умумлаштириш ҳар бир тил дорасида ўзига хос тарзда воқе бўлиб, у миллийлик характериға эға.

Масалан, ўзбек тилидаги *кўз* лексемаси полисемем бўлиб, у тўртта маъноға эға:

**Кўз 1** — тирик мавжудотнинг кўриш аъзоси. *Кўз оқи, кўз қорачиғи*.

**Кўз 2** — назар, нигоҳ, қараш. *Кўзи ўйнаган, кўздан узоқ*.

**Кўз 3** — кўриш қобилияти. *Кўзи хира, кўзи ўтқир*.

**Кўз 4** — баъзи нарсаларнинг бирор белги билан ажралиб, кўзға ўхшаб кетадиган қисми, бўлағи. *Деразанинг кўзи, булоқнинг кўзи, ёғочнинг кўзи*.

Маънолараро умумийликка диққат қиламиз:

**Кўз 1** ва **Кўз 2** семемасининг боғлиқлиғи, умумийлиғи куйидагичадир: кўриш аъзоси — кўриш аъзоси бажарадиган вазифа (метонимия);

**Кўз 1** ва **Кўз 3** семемасининг умумийлиғи: кўриш аъзоси — кўриш аъзоси бажарган вазифанинг сифати (метонимия);

**Кўз 1** ва **Кўз 4** семемаси ўртасидаги умумийлик ўхшашликка асосланади (метафора): одамнинг кўзи — ёғочнинг кўзи (шаклий ўхшашлик), одамнинг кўзи — булоқнинг кўзи (ёш ва сувнинг, яъни суюқликнинг оқиши).

---


<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Шамсиддинов Х., Юнусов Р. Метафорани юзага келтирувчи икки омил ҳақида // Педагогик таълим, 2001. №4, 61-63-бетлар.

Умумлаштириш ва тежамкорлик қонуни асосида маънолар умумлаштирилади ва ихчам кўриниш касб этади. Демак, полисемия олам ҳақидаги маълумотларни тилда сақлашнинг энг ихчам ва қулай усулидир.<sup>1</sup>

Полисемияга соф лисоний нуқтаи назардан ёндашсак, ушбу ҳодисанинг моҳияти шакл ва мазмун номутаносиблиги билан белгиланишининг гувоҳи бўламиз.

Муайян бир белги (шакл) ўзининг маъносидан бошқа маъноларни ифодалашга ҳаракат қилса, маъно эса аксинча ўзининг шаклидан бошқа воситалар билан ифодаланишга ҳаракат қилади. Бир маънонинг бир неча шакллар билан ифодаланиши билан синонимия ҳодисаси воқе бўлади. «Ўзига ортиқ даражада баҳо берувчи киши» маъноси *кеккайган, гердайган, керилган, димоғдор, калондимоғ, керик, манман, такаббур* шаклларида ифодаланади.

Бир шаклга бирдан ортиқ маънонинг тўғри келиши натижасида полисемия ҳосил бўлади:



Полисемияда битта шакл (номема) билан бирдан ортиқ маъно (семема) ифодаланади.

Айрим тилшунослар эса умуман полисемия ҳодисасини тан олмайдилар. Уларнинг фикрича, «сўз маъносидаги кичик ўзгариш ҳам уни бошқа сўзга айлантиради»<sup>2</sup>.

Баъзи тилшунослар полисемияни шакл ва мазмун номутаносиблиги асосида изоҳламайдилар. Уларнинг фикрича, семема

<sup>1</sup> Современный русский язык. Под редакцией В.А.Белошапковой. — Москва, «Высшая школа», 1989. — С.197.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Плотников Б.А. Основы семасиологии. — Минск, 1984. — С.97.

«эмик» бирликлар сирасининг аъзоларидан бири бўлиб, у муайян умумийлик сифатида турлича кўринишларда юзага чиқади. Бундай тажаллиллар, яъни хусусийликлар семеманинг вариантларидир. Соддароқ қилиб айтганда, полисемем лексема таркибида битта умумий инвариант лексик маъно — семема мавжуд бўлади. У, асосан, бош маънога тенг бўлади. Мазкур семема асосида шаклланадиган барча (иккиламчи) ҳосила, кўчма маънолар ушбу инвариант семеманинг турли кўринишлари — вариантларидир. Бундай хусусий кўринишлар, вариантлар аллосемлар (ҳосила маънолар) деб аталади. Аллосемларнинг ҳар бири ўз мустақил семем структурасига эга эмас. Улар лексеманинг ягона семемасидаги муайян семаларнинг сараланган йиғиндисидир. Масалан, ўзбек тилида ёнмоқ лексемасининг 10 та маъноси бўлиб, бош маъноси «ўт олмоқ, ўтда куймоқ»дир. Қолган тўққизта аллосемлар, вариантлар (ҳосила маънолар) учун у умумийдир, ёки аллосемлар (ҳосила маънолар) унинг кўриниши, вариантларидир. «Ёнмоқ» лексемасининг ягона инвариант семемаси таркибидаги семаларнинг ўрни ва мақомининг ўзгариши натижасида аллосемлар ҳосил бўлади.

Аслида, мазкур ёндашув ва анъанавий тарздаги кўп маъноли лексеманинг барча узуал ҳосила маъноларининг семема деб юритилиши бир ҳодисага турли нуқтаи назарлардан қарашдан келиб чиқади.

Лексеманинг ҳар бир узуал ҳосила маъносини семема деб ҳисоблашнинг асосий сабабларидан бири ҳар бир ҳосила маъно бош маънодан фарқли, ўзига хос парадигматик ва синтагматик муносабатлар ҳосил қила олади. Лекин бунда шакл ва мазмун номутаносиблиги (бир номага бирдан ортиқ семеманинг мос келиши) кузатилади. Бу эса тилда мавжуд ҳодиса, уни бошқа лисоний ҳодисаларда ҳам кузатиш мумкин.

Полисемем лексема ва унинг маъноларига инвариант-вариант нуқтаи назаридан ёндашилганда эса, шакл ва мазмун мутаносиблиги сақланади. Семантик структурадаги маънолараро (вариантлараро) муносабатларга алоҳида эътибор қаратилади. Лекин бунда ҳар бир вариантнинг ўзига хос парадигма ва контекст ҳосил қилиши назарда тутилиши лозим. Инвариант

семеманинг ҳар бир кўринишини (узуал ва нутқий) унинг вариантлари деб олинса, бу ҳолда унинг узуал ва нутқий вариантларини қатъий чегаралаш керак бўлади.

Полисемем лексема ифодалаётган узуал ҳосила маъноларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатларга кириша олиш имкониятининг бир-биридан фарқли эканлиги уларни алоҳида маъно сифатида ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги кунда полисемем лексема англатаётган маъноларнинг (семема, семантик вариант) лисоний ёки нутқий эканлигини имкони борича тўғри ва аниқ ажратиш муҳимдир. Узуал ва нутқий маъноларни ажратишнинг аниқ омиллари хусусида бир хиллика келишиш лозим. Зеро, турли луғат, тилшуносликка оид дарслик ва адабиётларда айни бир лексеманинг маънолари турлича берилиши кузатилмоқда.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Полисемия қандай ҳодиса?
2. Полисемияни вужудга келтирувчи асосий омиллар нималардан иборат?
3. Тилдаги тежамкорлик принципи ва унинг полисемияга таъсири ҳақида гапиринг.
4. Полисемиядаги шакл ва мазмун номуганосиблигини тушунтиринг.
5. Полисемияни инвариант-вариантлик нуқтаи назаридан тушунтириб беринг.

## **12-§. Полисемем лексемада маънолараро муносабатлар**

Полисемем лексеманинг семантик структураси у ифодалаган маънолар ва уларнинг муносабатидан иборат бўлади. Ҳар бир маъно ўзининг мустақил семантик структурасига эга бўлиши билан бирга, лексема таркибидаги бошқа семемалар билан ҳам муайян муносабатлар ҳосил қилади.

Полисемем лексемалар таркибидаги маънолараро муносабатлар типик, қайтарилувчи, бир-бирига ўхшаш бўлади. Масалан,

**баҳор 1:** қишдан кейин ёздан олдин келувчи фасл — **баҳор 2:** умрнинг яшнаган даври;

**ёз 1:** йилнинг баҳор ва куз ўртасидаги иссиқ фасли — **ёз 2:** умрнинг энг яхши даври;

**куз 1:** ёз ва қиш орасидаги хазонрез фасл — **куз 2:** умрнинг охириги кунлари.

Ёки:

**Бел 1:** гавданинг кўкрак қафаси билан бўкса ўртасидаги энг кичик хипча қисми — **бел 2:** бирор нарсанинг ўрта қисми;

**Бош 1:** тананинг бўйиндан юқориги, олдинги қисми — **бош 2:** тик нарсаларнинг тепа қисми.

Полисемем лексемада маънолар муносабати типик, қайтариловчи бўлганлиги сабабли уларни гуруҳлаш мумкин. Полисемем лексема структурасидаги маънолар боғланишининг 2 та асосий тури мавжуд: ўхшашликка кўра ва алоқадорликка кўра.

Ўхшашликнинг турига қараб ҳар бир тилда ўзига хос бир қанча боғланиш қолиплари мавжуд. Ўзбек тилида ўхшашликка асосланган боғланишларни метафора ва вазифадошлик асосидаги кўчиришлар ташкил қилади. Бирор предмет, нарса, ҳаракат номи бошқа предмет, белги, ҳаракатга ўхшашлик асосида ном қилиб кўчирилиши метафорик кўчирилиш дейилади ва маънолар шу асосда боғланади. Масалан, ўзбек тилида метафорик ўхшашликка асосланган боғланиш қолип-ларининг айримлари қуйидагилардир:

— маъноларнинг шаклий ўхшашлиги асосидаги боғланиши: *бурун* (одамнинг бурни) — *бурун* (чойнакнинг бурни);

— жойлашган ўрнидаги ўхшашлик асосида боғланиш: *бош* (одамнинг боши) — *бош* (тик нарсаларнинг тепа қисми)

— белгиларнинг ўхшашлиги асосида боғланиш: *тез* (тез юрмоқ) — *тез* (тез одам), *нордон* (нордон олча) — *нордон* (нордон гаплар).

Вазифадошлик асосида кўчирилишда бир предметнинг номи бошқасига бажарадиган вазифасидаги ўхшашлик асосида кўчирилади ва шу тариқа маънолар ўзаро боғланади. Масалан, *ўқ* (найзанинг ўқи) — *ўқ* (милтиқнинг ўқи), *сиёҳ* (ёзиш учун

ишлатиладиган қора рангли суюқлик) – *сиёҳ* (рангидан қатъи назар ёзиш учун ишлатиладиган суюқлик).

Баъзан кўчириш ҳам ташқи, ҳам вазифадаги ўхшашликка асосланади: *тиш* (одамнинг тиши) – *тиш* (арранинг тиши), *қанот* (қушнинг қаноти) – *қанот* (самолётнинг қаноти), *оёқ* (одамнинг оёғи) – *оёқ* (столнинг оёғи).

Полисемема лексема таркибидаги маъноларнинг ўзаро алоқадорлик асосидаги боғланиши метонимия ва синекдоха асосида воқе бўлади. Бир предметнинг номи бошқа предметга ўзаро алоқадорлик асосида кўчирилиши **метонимия** дейилади. Ўзбек тилида метонимия асосидаги маънолараро боғланиш қолипларининг айримлари қуйидагилардир:

– предмет ва шу предметдаги бошқа бир предмет: *бош* (киши организмнинг бўйиндан юқори қисми) – *бош* (мия, *боши оғримоқ*);

– предмет ва шу предметдан ҳосил бўладиган предмет: *чай* (ўсимликнинг тури) – *чай* (шу ўсимлик баргидан тайёрланадиган ичимлик), *қаҳва* (ўсимлик тури) – *қаҳва* (шу ўсимлик мевасидан тайёрланадиган ичимлик), *тил* (нутқ аъзоси) – *тил* (нутқ);

– белги ва шу белги мавжуд предмет: *кўк* (ранг) – *кўк* (кўкат), *кир* («ифлос») – *кир* (ифлосланган ёки ювилган кийим-кечак);

– предмет ва шу предмет асосидаги ўлчов бирлиги: *кун* (қуёш) – *кун* (куннинг ёруғ қисми), *ой* (осмон жисми) – *ой* (йилнинг ўн иккидан бир қисми).

Бир предметнинг номини бошқасига қисм билан бутун муносабати асосида кўчирилиши **синекдоха** дейилади. Бунда икки хил маъновий боғланиш кузатилади:

Бутун ва бутун таркибидаги қисм муносабати: *қўл* (бутун) – *қўл* (қисм – «бармоқ»: *Беш қўл баробар эмас*); *панжа* (бутун) – *панжа* (қисм – «бармоқлар»: *Бешта панжасини оғзига тиқади*).

Қисм ва у шакллантирадиган бутун муносабати: *тирноқ* (қисм) – *тирноқ* (бутун – «бола»: *у тирноққа зор эди*); *туёқ* (қисм) – *туёқ* (бутун – «уй ҳайвони»: *туёқлар сони кўпайиб бормоқда*), *эшик* (қисм) – *эшик* (бутун – «ҳовли»: *эшигимда жуда кўп одамлар ишлаган*).



Юқоридаги маънолараро муносабатлар тилшуносликда ном кўчиши, маъно кўчиши, лексик маънонинг кўчиш усуллари, полисемиянинг лисоний мотивлашишга кўра турлари деб ҳам тадқиқ қилинади. Диққат қилинса, маънолараро муносабатлар асосида бир нарса номининг ўзаро боғлиқлик асосида иккинчи бир нарсага кўчиши ётганлигини сезиш қийин эмас. Маънолараро муносабатлар ёки кўчиришлар полисемиянинг тури эмас, балки полисемиянинг турли кўринишларини вужудга келтирувчи асосий сабаб ва омиллардандир.

Кўп маъноли лексемадаги маънолараро муносабатлар, асосан, семемадаги айнан, интеграл сема асосида амалга ошади. Масалан,

### **бош 1**

тирик мавжудот  
аъзо  
бўйиндан **юқорида**  
**жойлашган**

### **бош 2**

узун нарсалар  
қисми  
**юқорида жойлашган**

Полисемантик лексемада маънолараро муносабатнинг яна бир кўриниши мавжудки, унда биринчи маънода сема мақомидаги белги асосида иккинчи семема шаклланади. Яъни, бош маънодаги сема ҳосила маънода семема бўлиб шаклланади. Масалан, *муз* лексемасининг бош маъноси «сувнинг совуқ, қотган ҳолати». Мазкур маънодаги «совуқ» семаси метонимия асосида (совуқ белгисига эга предмет ва совуқ белгиси) *муз* лексемасининг «совуқ» ҳосила маъносини юзага чиқармоқда: *оёғимдан муз ўтди*. Бу каби сема-семема боғлиқлигидаги маъноларда семантик яқинлик кучли бўлиб, у семалар даражасидан семема даражасига кўтарилган.

Полисемантик лексемада маънолараро муносабатларнинг натижаси ўлароқ омонимия ҳосил бўлиши маълум. Ҳозирги пайтда полисемантик лексема англатаётган маънолар ва полисемия асосида ҳосил бўлган омонимларнинг ажратилиши муаммоли масалалардан биридир. Ушбу икки ҳодисани ажратишда, яъни полисемиянинг

омонимияга ўтганини аниқлашда таяниш мумкин бўлган аниқ принцип мавжуд эмас. Ҳатто бошқа-бошқа сўз туркумларига мансублик ҳам ажратувчи омил бўла олмайди. Зеро, ўзбек тилидаги *бош* лексемасининг семантик структураси ҳам от, ҳам сифат сўз туркумига мансуб маъноларни бирлаштира олади.

*Бош* лексемаси таркибидаги от сўз туркумига оид айрим маънолар:

- Тананинг бўйиндан юқориги, олдинги қисми: *бош косаси*;
- Ақл, ҳуш, мия. *Бош билан иш қилмоқ*.
- Бошлиқ, раҳбар. *Элга бош бўлмоқ*.
- Одам, киши. *Бир бошга бир ўлим*.

*Бош* лексемаси ифодалаётган сифат сўз туркумига оид маънолар:

- Лавозим, мансаб жиҳатдан катта, юқори турувчи. *Бош врач*.
- Улкан, катта, асосий. *Бош соврин*.
- Энг муҳим, асосий, етакчи. *Бош сабаб*.
- Энг олдинги, биринчи. *Бош бола*.

Полисемия ва полисемия асосида ҳосил бўлган омонимларни фарқлашда ички семантик боғлиқликнинг, яъни мотивациянинг унутилганлигига, хиралашганлигига асосланиш керак бўлади.

Куйида кўп маъноли бўлган *кун* лексемасининг маъно тараққиётини ўрганиб чиқайлик. *Кун* лексемасининг семантик структурасида 5 та семемаларни ажратиш мумкин: **кун 1** — сутканинг қуёш чиққандан ботгунча бўлган қисми (*кун бўйи* ишлади), **кун 2** — бир кеча-кундузга, 24 соатга тенг вақт (икки кундан кейин келади), **кун 3** — ой ёки ҳафтанинг маълум календар санаси (шанба куни бораман), **кун 4** — кунлар билан белгиланувчи вақт, пайт, кез (бахтиёр кунларим), **кун 5** — турмуш, тирикчилик, ҳаёт (кунига ярамоқ).

**Кун 1** семемасининг семемаларини куйидагича аниқлаш мумкин: «сутка қисми», «қуёш чиқишидан қуёш ботгунча (қуёшли)», «ёруғ». Маъноси: сутканинг қуёш чиққандан қуёш ботгунча бўлган ёруғ қисми.

**Кун 1** семемаси аслида тўнғич бош маъно эмас. У ҳозирги кунда омонимик муносабатда бўлган «қуёш» маъносидаги **кун 1**

лексемасидан метонимия асосида ўсиб чиққан бўлиб, ном кўчиши **кун I** семемасидаги «ёруғ» семаси асосида рўй берган. **Кун I** семемасининг семик структурасини қуйидагича кўрсатиш мумкин: «нур сочувчи», «ёруғ», «иссиқ», «осмон жисми». Семемаси: нур сочувчи, ёруғ, иссиқ осмон жисми. Демак, ёруғ жисм ва ёруғ жисм мавжуд бўлган вақт семантик ўзгариши, метонимия асосида сутканинг ёруғ қисми маъноси — **кун I** семемаси ҳосил бўлган:

<b>кун I</b>		<b>кун 1.</b>
1. <i>осмон жисми</i>		1. <i>сутка қисми</i>
2. <i>ёруғ</i>	—————→	2. <i>ёруғ</i>
3. <i>нур сочувчи</i>		
4. <i>иссиқ</i>		

**Кун 2** семемаси **кун 1** семемасидан маъно кенгайиши асосида ўсиб чиққан. Бунда қисм билан (сутканинг ёруғ қисми билан) бутун (тун ва кун) номланмоқда ва ўз-ўзидан маълумки, синекдоха ном кўчиш усули амалда бўлмоқда. **Кун2** семемасининг семик структураси: «кеча-кундуз», «24 соатдан иборат вақт», «сутка». Маъноси: кун ва тундан иборат 24 соатли вақт, сутка. **Кун 2** семемасининг семик тузилишида **кун 1** семемасидаги «сутка қисми» семаси синекдоха асосида (қисм билан бутунни номлаш) «сутка»га айланган:

<b>кун 1</b>		<b>кун 2</b>
1. <i>сутка қисми</i>	—————→	<i>сутка</i>
2. <i>ёруғ</i>		
3.		<i>кеча-кундуз</i>
4.		<i>24соат</i>

**Кун 3** семемаси **кун 2** семемасидан метонимия асосида ҳосил бўлган: **Кун 2** — бир кеча-кундузга (куну тунга) тенг вақт. **Кун 3** — ой ёки ҳафтанинг бир кеча-кундузга тенг санаси (шанба куни, якшанба куни). Кўриниб турибдики, **К3** шаклланишида

**К2** таркибидаги «кеча-кундуз», «24 соат» семаси муҳим аҳамият касб этган. **Кун 3** семемасининг семалари қуйидагичадир: «календарь санаси», «24 соат», «ой ёки ҳафта санаси».

**кун 2**

1. сутка

2. кеча-кундуз

3. 24 соат

4.



**кун 3**

кеча-кундуз

24 соат

календарь сана

**Кун 4** семемаси **кун 2** семемасидан маъно кенгайиши асосида ҳосил бўлиб, бу ҳолатда **кун 2** семемаси таркибидаги «сутка» (чегараланган вақт) семаси киши умридаги кунлар билан белгиланувчи аниқ чегараланмаган вақт, давр, кез маънолари учун ихтисослашган. Бу маъно синекдоха асосида шаклланган. Яъни «кечаю кундузни» (қисмни) аниқ ифодалашдан вақтнинг бундан каттароқ мавҳум қисмларини (бутунни) ҳам ифодалай бошлашга ўтилган. Ушбу маънонинг ифодаланишида -лар аффиксининг иккиламчи умумлаштирувчи маъноси катта аҳамиятга эга: болалик кунларимда (вақтимда), таътил кунлари (вақтида) каби. **Кун 4** семемасининг семик структураси қуйидагича бўлиши мумкин: «вақт», «инсон умри». Семеманинг таърифи: инсон умридаги муайян вақт, давр, кез.

**кун 2**

1. сутка

2. 24 соат

3. кеча-кундуз

4.



**кун 4**

вақт

аниқ чегараланмаган

инсон умри

**Кун 5** семемаси **кун 4** семемасидан синекдоха, аниқроғи қисм орқали бутунни номлаш асосида ҳосил бўлган. Бунда «инсон умрининг муайян вақти» маъносидан «инсон умри» маъноси ҳосил қилинган. Бу ҳолатга **кун 4** семемасидаги «инсон умри» асос бўлган ва «вақт» семаси ташлаб юборилган. **Кун 5** семемаси инсон умри, ҳаёт, тирикчилик маъносини ифодалайди.

**кун 4**

1. вақт

2. аниқ ченараланмаган

3. инсон умри → инсон

4.

**кун 5**

умр

Кўриниб турибдики, қуёш маъносидаги **кун 1** лексемаси асосида «сутканинг ёруғ қисми» маъноли **кун 1** семемаси шаклланган ва бу икки семема полисеманик муносабатда бўлган. Ушбу «сутканинг ёруғ қисми» маъноли **кун 1** семемаси кейинчалик ўзидаги «вақт» семаси асосида тараққий этиб борган. **Кун 1, кун 2, кун 3, кун 4, кун 5** семемаларида вақт белгиси бор бўлиб, у «сутка қисми», «сутка», «кеча-кундуз», «24 соат», «инсон умри», «умр» семалари таркибида субсема сифатида мавжуддир. Семантик тараққиёт «вақт» архисемаси асосида ривожланиб кетиб, тараққиёт занжирининг дастлабки элементи, яъни «қуёш» маъносидаги тўнғич бош маъно ва кейинги элементлари – ҳосила маънолар орасида семантик боғлиқлик хиралашиб, семантик мотивация унутила бошланган: *кун* (қуёш) – *кун* (инсон умри). Шу тариқа қуёш маъносидаги *кун* лексемаси ва вақт семантикали *кун* семемалари ўртасидаги муносабат омонимияга қадар етиб боради дейиш мумкин.

***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Полисемем лексеманинг семантик структураси нималардан иборат бўлади?
2. Полисемем лексемадаги маънолараро муносабатлар ҳақида гапиринг.
3. Полисемем лексемадаги маънолараро муносабат турларини айтинг.
4. Ўхшашликка асосланган боғланишлар ва унинг турларини тушунтиринг.
5. Ўзаро алоқадорлик асосидаги боғланишлар ва унинг турларини тушунтиринг.
6. Полисемиядан омонимияга қадар етиб борган маъно тараққиётига мисол келтиринг.


### 13-§. Полисемиянинг турлари

Полисемия 2 белги бўйича гуруҳланади:

- 1) ҳосила маъноларнинг бош маъно билан муносабатига кўра;
- 2) маъноларнинг оппозициясига кўра.

Ҳосила маъноларнинг бош маъно билан муносабатига кўра тилшуносликда полисемиянинг 3 та тури ажратилади: радиаль, занжирсимон, радиал-занжирсимон.

Радиал полисемияда барча ҳосила маънолар бош маъно билан бевосита боғлиқ бўлади. Унинг схемаси айлана радиусига ўхшашлиги учун радиал полисемия деб юритилади.



Ўзбек тилидаги қулоқ лексемаси кўп маъноли бўлиб, унинг ҳосила маънолари бош маънодан бевосита келиб чиққан. *Қулоқ* лексемасининг бош маъноси «эшитиш органи ва унинг ташқи қисми»ни ифодалайди ва бу маънони **қулоқ 1** деб белгилаб оламиз. *Қулоқ* лексемасининг 4 та ҳосила маъноларини ажратиш мумкин:

**Қулоқ 2** – баъзи нарсаларнинг ушлаш, илиб қўйиш ёки маҳкамлаш учун хизмат қиладиган қисми: қозоннинг қулоғи, челакнинг қулоғи;


**Қулоқ 3** – бош кийимларнинг қулоқларни ва иякни ёпиб, иситиб тутиш учун тушириб қўйиладиган узун қисми: телпакнинг қулоғи шапканинг қулоғи;

**Қулоқ 4** – баъзи механизм ва мусиқа асбобларининг бураб ишга тушириш ёки созлаш учун хизмат қиладиган қисми: дуторнинг қулоғи, радионинг қулоғи;

**Қулоқ 5** – ўсимликнинг барг ёки ниҳол ёзадиган ери; дастлабки ниҳолча, баргча: ғўза қулоқ кўрсатди.


**Қулоқ** лексемасининг ушбу барча ҳосила маънолари «эшитиш органи ва унинг ташқи қисми»ни ифодаловчи бош маъно – **қулоқ 1** семемасидан метафора усули асосида бевосита ҳосил бўлган.

**М.Миртожиев** эса бу хилдаги боғланишни елпигичсимон боғланиш деб юритади:




Занжирсимон полисемияда ҳосила маънолар бирин-кетинлик билан боғланиш ҳосил қилади ва боғланишнинг схемаси занжирга ўхшайди. Бунда бош маъно ўзидан кейинги ҳосила маъно билан бевосита, қолган ҳосила маънолар билан билвосита боғланади. Полисемиянинг мазкур турида тўнғич бош маъно, нисбий маъно кабиларни ажратиш мумкин бўлади. Бундай боғланишга баҳор лексемасидаги маъноларнинг тараққиётини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Баҳор лексемасининг «қишдан кейин, ёздан олдин келадиган табиатнинг гуллаши билан боғлиқ йил фасли (баҳор келди)» бош маъносидан метафора асосида «инсон умрининг болалик ва ўрта ёш орасидаги яшнаган даври; ёшлик (умр баҳори)» ҳосила маъноси келиб чиққан. Мазкур ҳосила маъно ҳам яна бошқа ҳосила маъно «умрнинг бир йили, ёш (ўн саккиз баҳорим)» маъноси шаклланишига асос бўлган. Бунда биринчи

ҳосила маъно иккинчи ҳосила маъно учун нисбий бош маъно ҳисобланади:



Радиал-занжирсимон полисемияда эса битта полисемем лексема маънолари ўзаро ҳам радиал, ҳам занжирсимон боғланади. Яъни бир лексема маънолари ўртасида юқоридаги ҳар иккала боғланиш усули ҳам аралаш ҳолда амалда бўлади. Ўзбек тилида тил лексемаси полисемем бўлиб, унинг маънолари радиал-занжирсимон боғланган<sup>1</sup>:



Бунда **тил 1** – оғиз бўшлиғида жойлашган таъм-маза билиш, кишиларда эса бундан ташқари нутқ товушларини ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган аъзо: тилини куйдирмоқ;

**тил 2** – инсоннинг сўзлаш, гапириш қобилияти; сўзлашув: тилини тиймоқ;

**тил 3** – фикр ифодалаш ва ўзаро алоқа қуроли бўлиб хизмат қиладиган товушлар, сўзлар ва грамматик воситалар системаси: она тили

**тил 4** – нутқнинг ўзига хос хусусиятлари ва ифода воситалари билан ажралиб турадиган бир тури; услуб, стиль: сўзлашув тили;

**тил 5** – керакли маълумот олиш учун олинган ҳарбий асир: «тил»ни қўлга туширмоқ;

**тил 6** – асбоб, механизм ва шу кабиларнинг осилиб, қимирлаб турадиган қисми: соатнинг тили.

<sup>1</sup> Абдуллаева Д. «Тил» лексемасининг семантик структураси // Педагогик таълим, 2006, №2.



2. Полисемантик лексема маъноларининг оппозициясига кўра полисемиянинг қуйидаги турлари ажратилади: ассоциатив ва ассоциатив-мазмуний полисемия.

Ассоциатив полисемияда маъноларнинг семантик структураси, таркиби бир-биридан фарқли ва анча узоқ бўлади. Ушбу маънолар фақат ассоциатив муносабатлар асосидагина боғлана олади. Масалан, **нозик 1** (*нозик одам*) ва **нозик 2** (*нозик дид*), **кўз 1** (*одамнинг кўзи*) ва **кўз 2** (*ёғочнинг кўзи*), тирнамоқ (*тахтани тирнамоқ*) ва тирнамоқ (*юрагини тирнамоқ*), **лаб** (*одамнинг лаби*) ва **лаб** («*чет*»: *супанинг лаби*). Ассоциатив полисемия тилимизда кўп учрайди. Демак, бунда бир лексема билан бир-биридан узоқ бўлган маънолар ифодаланadi.

Ассоциатив полисемияда маънолар ўзаро дизъюнктив оппозицияда бўлади ва ҳосила маънонинг реаллашиши учун қўшимча контекст керак бўлади. Масалан, **кўз** лексемаси тахтанинг кўзга ўхшаш ўйиқ жойини ҳам ифодалар экан, ушбу маънонинг реаллашиши учун **кўз** лексемаси олдидан тахта лексемаси қўлланиши лозим бўлади: *тахтанинг кўзи*.

Ассоциатив-мазмуний полисемияда кўп маъноли лексема англатаётган маънолар ва уларнинг семантик таркиби бир-бирига яқин бўлади. Масалан, *енгмоқ* лексемаси бош маънода *душманни бартараф қилмоқ* маъносини ифодаласа, 1-ҳосила маъноси «*қийинчиликни бартараф этмоқ*», 2-ҳосила маъноси эса «*дардни бартараф этмоқ*» кабиларни ифодалайди. Бу турдаги полисемияда маънолар нафақат ассоциатив боғланади, балки мазмунан ҳам бир-бирига яқин бўлиб, улар ўзаро яқин нарсаларни номлайди. Ва ўз-ўзидан уларнинг семантик структураси ўхшаш бўлади. Яъни, бир лексема таркибидаги семемаларда умумий, бир хил семалар миқдоран кўп бўлади.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Ҳосила маъноларнинг бош маъно билан муносабатига кўра полисемия қандай турларга бўлинади?

2. Радиал боғланишли полисемия деб нимага айтилади? Мисоллар келтиринг.

3. Занжирсимон полисемия деб нимага айтилади? Мисоллар келтиринг.
4. Радиал-занжирсимон полисемия деб нимага айтилади? Мисоллар келтиринг.
5. Маъноларнинг оппозициясига кўра полисемиянинг қандай турлари ажратилади?
6. Ассоциатив полисемияни тушунтиринг.
7. Ассоциатив-мазмуний полисемия деб қандай полисемияга айтилади? Мисоллар келтиринг.

#### **14-§. Лексик маънонинг ўзгариши**

Объектив олам доимо ўзгаришда экан, унинг инъикоси бўлган тил ҳам доимий ўзгаришда бўлади. Тил ижтимоий ҳодиса экан, албатта, жамиятдаги ўзгаришлар унда ўз аксини топмай қўймайди. Иккинчи томондан, тилнинг ўзи ҳам «тирик» система бўлиб, у ўзининг ички қонуниятлари асосида ўзгариб туради. Тилдаги ўзгаришлар тез содир бўладиган жараён эмас. У аста-секинлик билан, изчиллик билан йиллар давомида ўзгариб боради. Тилдаги ўзгаришлар лексик сатҳда тезроқ ва ёрқинроқ кечади. Лексик сатҳдаги лисоний ўзгаришлар қаторида лексик маънонинг ўзгариши алоҳида ўрин тутади. Лексик маънонинг ўзгариши узоқ давом этадиган жараён бўлиб, ўзгаришларнинг сабабини, моҳиятини, йўллари аниқлаш кўп меҳнат талаб қиладиган тадқиқотлардандир. Лексик маънонинг ўзгаришини ўрганишда тарихий, қиёсий методларга таянилади. Баъзан лексик маънонинг ўзгариш йўллари чуқур тадқиқ қилмасдан, тарихий фактларга асосланмасдан субъективликка йўл қўйилган илмий ишларга, фикрларга ҳам дуч келамиз.

Лексик маънонинг ўзгариши миллий тилларда ўзига хос йўсинларда кечади. Лексик маънонинг ўзгариш қолипларини, андозаларини бошқа тиллардан зўрма-зўраки кўчириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Ўзбек тилшунослигида этимологик лексик маъноларни тиклаш, маъно ўзгариши йўллари аниқлашда Ш.Раҳматул-

лаевнинг «Ўзбек тилининг этимологик луғати» асос вазифасини ўташи мумкин.

Лексик маънонинг ўзгариш йўллари қуйидагилардир: маъно кўчиши, маъно кенгайиши, маъно торайиши.

Маъно кўчиш йўллари метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик бўлиб, биз уларни полисемия баҳсида (11-§) ўргандик.

Маъно кенгайиши — аввал тор доирадаги воқеликни ифодалаган маънонинг кейинчалик кенг доирадаги воқеликни ифодалай бошлашга ўтиши. Масалан, қишлоқ сўзи дастлаб «қиш фаслида яшайдиган жой»ни англатган, ҳозир эса «аҳоли муқим яшайдиган маъмурий ҳудудни»ни билдиради.

Маъно торайиши — аввал кенг доирадаги воқеликни ифодаловчи маънонинг кейинчалик тор доирадаги воқеликни англатишга ўтиши. Масалан, яроқ лексемаси олдин «керак бўладиган нарса — қурол» маъносини билдирган бўлса, ҳозирги кунда мазкур лексеманинг маъноси торайиб «хужум қилишда ишлатиладиган қурол» маъносини англатади.

Лексик маъно ўзгаришининг натижаси икки хил бўлади:

1) Лексеманинг семантик структурасидаги маъноларнинг сони кўпаяди. Бу ҳол полисемияга, кейинчилик омонимияга олиб келади. Лексик маънонинг миқдори маъно кўчиш усуллари орқали кўпаяди.

2) Лексема маъносининг ҳажми ўзгаради. Бунда янги маъно ҳосил бўлмайди, маънонинг ҳажми кенгайди ёки тораяди.

Маъно кўчиши ва маъно ҳажмининг кенгайиши лексик маъно тараққиётига олиб келади.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Лексик маънонинг ўзгариш сабаблари нималардан иборат?
2. Лексик маънонинг ўзгариш йўллари ҳақида гапиринг.
3. Лексик маънодаги ўзгаришнинг натижалари қандай бўлади?
4. Лексик маъно тараққиёти ҳақида маълумот беринг.

## 15-§. Лексик маънонинг парадигматик муносабати

Муносабат бир бутуннинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва боғланишлардир.

Тил бирликлари орасида, асосан, уч хил муносабат турлари ажратилади: парадигматик (ўхшашлик, ассоциатив), синтагматик (қўшничилик, кетма-кетлик) ва иерарх (поғонали) муносабат.

Бир сатҳга мансуб бўлган, яъни бир хил даражадаги тил бирликларининг маълум умумийлик асосида бир гуруҳга (парадигмага) бирлашуви парадигматик муносабат дейилади.

Парадигматик муносабат асосида ҳосил қилинган ўхшашликка асосланган қаторлар, гуруҳлар, уялар парадигмалар деб юритилади. Масалан, сезги аъзолари парадигмаси: кўз – кулоқ – тил – бурун – тери. Парадигмалар бевосита кузатишда берилмайди. Парадигмалар имконият тарзида тил эгалари онгида мавжуд бўлади ва уларда нутқ учун танланиш имкони мавжуд бўлади.

Кўп маъноли лексема англатаётган маънолар – семемаларнинг парадигматик хусусиятлари бир-биридан фарқли бўлади. Масалан, баҳор лексемасининг бош маъноси «фасл номлари» парадигмасига аъзо бўлса, ёшликни ифодаловчи ҳосила маъноси эса «инсон умрининг даврлари» парадигмасининг элементиدير.

Семема ўзининг семик структураси асосида ҳар бир семаси билан бирдан ортиқ парадигмаларга аъзо бўлиши мумкин. Масалан, *тил* лексемасининг бош маъноси «аъзо» семаси билан «тана аъзолари» парадигмасига (тил, тиш, лаб...), «таъм сезувчи» семаси билан «сезги органлари» парадигмасига (тил, кўз, кулоқ...), «нутқ органи» семаси билан «нутқ аъзолари» парадигмасига (ўпка, ун пайчалари, тил...) аъзодир.

Семантик парадигмаларга мисол қилиб синонимик қаторларни, лексемаларнинг мазмуний гуруҳларини, мазмуний майдонларни кўрсатиш мумкин. Лекин, лексик-семантик гуруҳ, мазмуний майдон элементлари ўртасида ҳам парадигматик, ҳам иерарх муносабатлар кузатилади.

Парадигмалар маълум умумийликка асосланиши маълум. Лексик парадигмаларга лексемалар, аниқроғи, уларнинг

семемалари интеграл семалари билан бирлашадилар. Лекин ҳар бир парадигма аъзоси интеграл семадан фарқли дифференциал семаларга ҳам эга бўлади. Ушбу дифференциал, фарқли семалар парадигма аъзоларининг ўзаро зидланишларига<sup>1</sup> (зиддият, оппозиция) сабаб бўлади.

## 16-§. Лексик маънонинг иерарх муносабати

Иерарх (поғонали) муносабат парадигматик ва синтагматик муносабатлардан фарқли ўлароқ турли сатҳ бирликлари ўртасида, мураккаблик даражаси турлича бўлган бирликлар орасида воқе бўлади. Иерарх муносабат асосида бир бирликнинг иккинчи бир birlikни ташкил этиши ётади.

Иерарх муносабатнинг икки хил кўриниши мавжуд:

а) турли сатҳ бирликлари ўртасидаги иерарх муносабат;

б) бир сатҳ доирасидаги бирликлар ўртасидаги иерарх муносабат.

Биринчи ҳолатда қуйи сатҳ бирлиги ўзидан бир поғона юқори сатҳ бирлиги учун ташкил этувчи (қурилиш материали) ҳисобланади ва юқори сатҳ бирлиги ўз навбатида қуйи сатҳ бирлигининг синтагматик муносабатидан ташкил топади. Мазкур муносабат бутун тил системасининг поғонали структурасини акс эттиради: **фонема – морфема – сўз – сўз бирикмаси – гап – матн**. Тилнинг энг кичик бирликлари фонемалар морфемалар таркибига, морфемалар сўз таркибига, сўз сўз бирикмаси, сўз бирикмаси гап, гап эса матн таркибига киради. Ёки, аксинча, матн гаплардан, гап сўз бирикмаларидан, сўз бирикмалари сўзлардан, сўзлар морфемалардан, морфемалар фонемалардан ташкил топади.

Иерарх муносабат бир сатҳ доирасида ҳам воқе бўлади. Иерарх муносабатнинг бу турини лексик маъно мисолида кўриш мумкин.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда тулиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. — Тошкент, 1995; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг аназарий грамматикаси. Морфология. — Тошкент, 2001.

Бунда кенгроқ тушунчани ифодалайдиган маъно торроқ тушунчани ифодалайдиган маънони ўз ичига олади: **аёл — она**. *Аёл* лексемасининг маъноси *она* лексемаси англатаётган маънодан кенгроқ бўлиб, иккала лексема иерарх муносабатни ҳосил қилади. Бир сатҳ доирасида кузатиладиган иерарх муносабатларга туржинс (**дарахт — терак**), бутун-бўлак (**дарахт — илдиэ**) муносабатларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

## 17-§. Лексик маънонинг синтагматик муносабати

Бир сатҳга оид тил бирликларининг маълум ахборот ташиш учун кетма-кет боғланиб келиши синтагматик (қўшничилик, кетма-кетлик) муносабат дейилади. Бир хил сатҳдаги иккита тил бирлигининг синтагматик муносабати натижасида бир поғона юқори сатҳ тил бирлиги ҳосил бўлади. Масалан, **г, у, л** фонемалари кетма-кет боғланиб *гул* морфемасини ташкил қилган бўлса, *гул, -дон, -имиз, -га* морфемалари *гулдониимизга* сўз шаклини, *қизил* ва *олма* сўзлари кетма-кет боғланиб *қизил олма* сўз бирикмасини ҳосил қилган. Шунингдек, содда гаплар сўз бирикмаларининг, қўшма гаплар содда гапларнинг, матн эса содда ёки қўшма гапларнинг синтагматик муносабатларидан ташкил топади. Демак, синтагматик боғланиш ҳам иерарх кўринишга эга экан.

Синтагматик муносабатга киришаётган тил бирликларининг мураккаблик даражаси турлича бўлиши мумкин:

сўз = ўзак морфема + аффикс морфема;

сўз бирикмаси = ҳоким бўлак + тобе бўлак;

эргаш гапли қўшма гап = бош гап + эргаш гап;

матн = содда гап + қўшма гап.

Ҳар қандай тил бирлиги бошқа тил бирлиги билан тўғридан-тўғри синтагматик муносабатга кириша олмайди. Масалан, ранг ифодаловчи *қизил, яшил, кўк* лексемалари *олма* лексемаси билан синтагматик муносабатга кириша олса (*қизил олма, яшил олма, кўк олма*), қора, кул ранг лексемалари эса *олма* лексемаси билан

кетма-кет боғлана олмайди: қора олма, кул ранг олма. Тил бирликларининг кетма-кет боғлана олиши тилда мавжуд бўлган қоидалар, қолиплар, андозалар асосида юзага келади. Бундай қоида, андозалар тил эгаси бўлган жамият билан боғлиқ бўлиб, тилнинг ҳар бир вакили онгида тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Нутқ жараёнидаги реал бирикма эса ана шу андозалар асосида юзага чиқади. Ҳар бир лисоний бирликнинг бошқа лисоний бирликка боғлана олиш имконияти мавжуд бўлади.<sup>1</sup>

Тил бирликларининг, жумладан, лексик бирликларнинг синтагматик муносабатга кириша олиш имконияти эса валентлик дейилади.

Валентлик атамаси тилшуносликка кимё фанидан кириб келган. Бу атамани тилшуносликка биринчи марта С.Д.Кацнелсон 1948 йилда ёзган «О грамматической категории» асарида киритган.

Валентлик кимё фанида бир элемент атомининг бошқа элемент атоми билан боғланиш хусусиятини ифодалаш учун қўлланса, тилшуносликда лексеманинг бошқа лексема билан кетма-кет боғланиш имкониятини белгилайди.<sup>2</sup> Валентликнинг бир қанча (семантик ва синтактик, фаол ва нофаол, облигатор ва факультатив) турлари мавжуд бўлиб, асосан, икки хил турини алоҳида таъкидлаш лозим: семантик валентлик ва синтактик валентлик. Икки тил бирлигининг синтактик шаклланганлик нуқтаи назаридан синтагматик боғлана олиш имкониятини синтактик валентлик ифодалаб берса, уларнинг маъновий нуқтаи назардан боғлана олиш имконияти эса семантик валентлик дейилади.

### **Семантик валентлик**

Валентлик аввало, мазмуний боғланишга асосланади. Синтактик жиҳатдан боғланган сўзлар маъновий нуқтаи назардан боғлана олмаслиғи мумкин: *чойни емоқ, паловни шимирмоқ* каби.

<sup>1</sup> Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. — Тошкент, 2001. 11-бет.

<sup>2</sup> Нурмонов А., Йўлдошев. Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. — Тошкент, 2001. 115-бет.

Семантик валентлик семемаларнинг белгиловчи (асосий) лексик қуршовини белгилаб беради. Маълумки, лексик бирликлараро синтагматик муносабатнинг амалга ошиши, яъни маълум лексеманинг бошқа лексема билан ёнма-ён кела олиши<sup>1</sup> лексик контекст дейилади. Масалан, *оппоқ қор* бирикмасида *оппоқ* лексемаси *қор* лексемасининг, *қор* лексемаси эса *оппоқ* лексемасининг лексик контекстидир.

Семантик валентликнинг юзага чиқиши учун боғланаётган икки семеманинг таркибида бир хил семалар бўлиши лозим. Масалан, *тонг чоғи* боғлашувига асос бўлган умумий семани топиш учун, аввало, иккала семеманинг семик структурасини аниқлаш лозим. *Тонг* – «**вақт**», «**куннинг бошланиши**», «**туннинг тугаши**», «**қуёшнинг чиқиши**»; *чоғи* – «**вақт**», «**чегараланган**», «**белгиланган**». Демак, юқоридаги семемаларда «**вақт**» семаси айнан, умумий бўлиб, у *тонг чоғи* учун асос бўлган.

Кетма-кет боғланаётган икки семема учун айнан, умумий бўлган сема тилшуносликда классема (синтагмема) дейилади. Маъновий боғланиш ана шу классема асосида амалга ошади.

Маълум семема таркибида нечта асосий сема мавжуд бўлса, ушбу семема ҳар бир семаси асосида турлича маъновий боғланишлар ҳосил қила олади. Яъни, семеманинг ҳар бир семаси классемани вужудга келтира олади. Бунда семема таркибидаги семалар шундай семага эга бўлган семантик майдонга оид лексемалар билан бирикиш имконига эга. *Чой* лексемасининг «ўсимлик баргидан махсус тайёрланадиган ичимлик» маъносини семантик валентлигини, яъни қандай боғланишлар ҳосил қила олишини кўриб чиқамиз. Бунинг учун, аввало, мазкур семеманинг асосий семаларини аниқлаб олишимиз керак: *чой* – суюқлик, ичимлик, ўсимлик баргидан тайёрланувчи, махсус тайёрланувчи, ўзига хос сифатга эга. Қуйидаги жадвалда *чой* лексемасининг «ўсимлик баргидан махсус тайёрланадиган ичимлик» семемасининг семантик валентлиги келтирилган:

---

<sup>1</sup> Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент, 1995. 86-бет.



<i>классема</i>	<i>лексик контекст</i>
суюқлик	қуймоқ, тўкмоқ, ...
ичимлик	ичмоқ, хўпламоқ, шимирмоқ, хўрилллатмоқ,...
ўсимлик баргидан тайёрланадиган	кўк, қора, ялпиз, ...
махсус тайёрланадиган	дамламоқ, қайтармоқ, дам егизмоқ
ўзига хос сифатга эга	аччиқ, ширин, хушбўй, ҳидли, ...

Семантик боғланган икки семема бир-бири учун белгиловчи лексик контекст саналади. Тилшунослиқда белгиловчи лексик контекстга нейтрал лексик контекст зид қўйилади. Белгиловчи лексик контекст классемага асосланса, нейтрал контекстнинг ҳосил бўлиши учун зид сема бўлмаслиги лозим. Масалан, *тун* лексемаси ўзининг асосий семаси ҳисобланган «қоронғи» семаси асосида *тун қоронғиси*, *тун зимистони*, *тун даҳшати* каби белгиловчи лексик контекстлар ҳосил қилади. Лекин *тун* семемаси қуйидагича боғланишлар ҳам ҳосил қилиши мумкин: *тунда келди*, *тунда кўришди*, *тунда ишлади*, *армонли тун* каби. Бу каби нейтрал контекстларда классема мавжуд бўлмаслиги ёки бўлса ҳам, у иккиламчи чет семалар ҳисобига юзага чиқиши мумкин. Белгиловчи контекстда семантик алоқа чуқур бўлади ва у яққол сезилиб туради, нейтрал контекстда эса мазмуний алоқа саёз бўлади. Семантик тадқиқотлар учун, лексема маъносининг моҳиятини очиш учун белгиловчи лексик контекстни ўрганиш аҳамиятлидир.

Агар икки семема таркибида зид семалар мавжуд бўлса, улар кетма-кет боғлана олмайди. *Иссиқ (ҳароратли, қизиган)* ва *қор (ёғин, оқ, совуқ)* лексемаларининг танланган семемаларида зид

семалар мавжудлиги учун улар кетма-кет боғлана олмайди. Бу зидлик семалараро эмас, ҳатто семема-сема мақомида кузатилмоқда: *иссиқ* (семема) — *совуқ* (сема). Лекин, зид семали семемаларни синтагматик боғлаш орқали бадийий санъат турлари, жумладан, оксюморон ҳосил қилинади: *қор тафти*, *қор ҳарорати*, *қор оташи* каби.

Полисемем лексема англатаёган барча маъноларнинг — семемаларнинг синтагматик имкониятлари, лексик контекстлари бир-биридан фарқли бўлади. Кўз лексемаси англатган маъноларнинг лексик контекстлари қуйидагича бўлиши мумкин:

<i>Семема</i>	<i>лексик контексти</i>
Кўз 1 (кўриш аъзоси)	кўк, қора, хумор, қорачиғи, оқи, гавҳари, ...
Кўз 2 (назар, нигоҳ)	(кўзи) ўйнаган, (кўзи) югурган, (кўз) ташламоқ, (кўзга) яқин, (кўздан) йироқ, ...
Кўз 3 (кўриш қобилияти)	(кўзи) хира, (кўзи) ожиз, (кўзи) ўткир, ўтмас (кўз), ...
Кўз 4 (баъзи нарсаларнинг кўзга ўхшаш қисми)	игна, булоқ, ёғоч, узук, дераза, тизза, хуржун

Лексик контекст, яъни лексик қуршов эркин қуршов ва боғлиқ қуршовга ажратилади. Эркин қуршов шундай қуршовки, унда лексеманинг маъноси мустақил бўлади. У ўзи кетма-кет боғланаётган сўзнинг маъносидан келиб чиқмайди, унга боғлиқ бўлмайди. Кўп маъноли лексемаларнинг бош маъноси доимо эркин қуршов ҳосил қилади. *Бош* лексемасининг «одам ва ҳайвон танасининг бўйнидан юқори қисми»ни англатган бош маъноси миқдоран кўплаб эркин қуршовлар ҳосил қилади. У барча ҳайвон ва одамни ифодаловчи сўзлар билан бирикиб келиши мумкин: *одамнинг боши*, *қўйнинг боши*, *онанинг боши*, *Умиданинг*

*боши*, ... Ушбу қуршовлар эркин қуршов бўлиб, *бош* лексемасининг «одам ва ҳайвон танасининг бўйнидан юқори қисми» маъноси атрофидаги *одам, қўй, она, Умида* каби лексемаларга боғлиқ эмас. Ушбу маъно синтагматик муносабатга киришгунга қадар мавжуд эди. *Бош* лексемасининг бир қанча маънога эга эканлиги маълум. Лекин *бош* лексемасини якка ҳолда талаффуз қилганда, эшитганда, ўқиганда унинг юқоридаги *бош* маъноси онгимизда намоён бўлади.

Агар маъно муайян қуршовда, яъни санокли сўзлар доирасида воқелашса, бундай қуршов **боғлиқ қуршов** дейилади. Маъно шу қуршовга боғлиқ бўлади, ундан ташқарида мавжуд бўлмайди. Масалан, *қаймоқ* лексемасининг «асосий мазмуни» маъноси фақат боғлиқ қуршовдагина реаллашади. Мазкур маъно қаймоқ лексемасининг гап, фикр каби санокли сўзлар даврасида келганда воқелашади: *гапнинг қаймоғи, фикрнинг қаймоғи*. (Бу ҳақда «Лексик маънонинг турлари» баҳсига қаранг.)

Айтиш жоизки, эмоционал-экспрессивлик жиҳатдан нейтрал лексемаларнинг синтагматик имкониятлари катта бўлади. Эмоционал-экспрессив лексемаларнинг синтагматик имкониятлари эса чегараланган бўлади. Салбий бўёқдор лексема ижобий бўёқдор лексема билан боғлана олмайди ва аксинча. *Гўзал турқ* ёки *расво ораз* дейилиши мантиқсизликдир.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Муносабат деганда нимани тушунасиз?
2. Тил бирликлари ўртасидаги асосий муносабатлар ҳақида маълумот беринг.
3. Парадигматик муносабат қандай муносабат?
4. Лексик маънонинг иерарх муносабати ҳақида маълумот беринг ва мисоллар келтиринг.
5. Лексик маънонинг синтагматик муносабати ҳақида маълумот беринг ва мисоллар келтиринг.
6. Валентлик нима?
7. Семантик валентлик ҳақида маълумот беринг.
8. Қандай семага классема дейилади?

## 18-§. Лексик-семантик муносабат турлари

**Синонимия.** Синонимик муносабат хусусида жаҳон ва ўзбек тилшунослигида кўплаб тадқиқотлар бажарилган ва олиб борилаётган бўлса-да, ушбу ҳодисанинг моҳиятини аниқ ва тўлиқ акс эттирадиган, ҳамма эътироф этган таъриф мавжуд эмас. Кўпинча, синонимияни изоҳлашда маънодаги тўлиқ ёки қисман айнанлик, бири ўрнида иккинчисини қўллана олиш имкониятининг мавжудлиги кабилар ҳисобга олинади.


Синонимик муносабат маънодошлик муносабати деб ҳам юритилади. Синонимия муносабати тилда кўп учрайдиган, универсал ҳодиса бўлиши билан бирга, у бутун луғат таркибини қоплайдиган категория эмас. Яъни, луғат таркибидаги барча лексемалар ўз синонимларига эга бўлмайди. Синоним лексемаларда маъно айнанлиги, умумийлиги бўлиши билан бирга, семантик фарқлилик ҳам мавжуд бўлади. Албатта, синонимларда семантик умумийлик семантик фарқлиликдан устун бўлади ва синонимия маъно умумийлиги асосида воқе бўлади. Семантик фарқлилик абсолют синонимларда (лексик дублетларда) кузатилмайди: аффикс – қўшимча, чапак – қарсақ. Бундай синонимлар кўпроқ бошқа тиллардан қирган сўзлар ҳисобига воқе бўлади.

Синонимик қатордаги лексемалар бир қанча умумий семаларга эга бўлиши билан бирга, семантик жиҳатдан қуйидагича фарқланишларга ҳам эга бўладилар:

1. Коннотатив маънодаги фарқлилик;
2. Денотатив маънодаги фарқлилик;
3. Услубий фарқ.

Бир денотатни, яъни воқеликдаги айнан бир нарсани номловчи лексемалар коннотатив маъно (эмоционал-экспрессивлик) нуқтаи назаридан фарқланадилар. Мазкур ҳолатда синонимлар айнан бир ҳодисани номлайди, лекин уларда ушбу ҳодисага бўлган муносабат фарқли бўлади: новча, дорғул, найнов, дароз. Бундай синонимик қаторларда аташ семалари айнан бўлади, ифода семалари ҳар хил бўлади. Демак, бу каби синонимик қаторларда денотатив маъно ва денотатив маъно асосида ҳосил

бўладиган сигнификатив маъно ҳам умумий, айнан бўлади. Фарқлилик эса коннотатив (эмотив) маънода юз беради:



*Кулимсирамоқ, жилмаймоқ, илжаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ, иршаймоқ* синонимик қаторидаги ҳамма лексемаларнинг денотати битта, умумийдир: овоз чиқармай хурсандчиликни ифода қилиш учун бажариладиган кўз, лаб ҳаракати. *Жилмаймоқ* ижобий коннотатив маънога, *илжаймоқ, иршаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ* эса салбий коннотатив маънога эга. Салбий коннотатив маънога эга синоним лексемалар ҳам ўзаро салбийликнинг даражасига кўра фарқланади. Масалан, *илжаймоқ* синонимида салбийлик даражаси кучсизроқ бўлса, *тиржаймоқ* лексемасидаги салбийлик эса кучлироқдир. Ижобийлик ёки салбийликнинг ошиб ва аксинча камайиб бориши асосида синонимик қатордаги лексемалар даражаланиши мумкин:


ораз - жамол - чеҳра - дийдор - юз - бет - афт - башара - турқ<sup>1</sup>  
 +4    +3    +2    +1    0    -1    -2    -3    -4

Бунда даражаланиш ижобийликдан салбийлик томон ортиб бормоқда.

2. Айрим синоним лексемаларнинг денотатида ҳам сезиларсиз фарқлилик бўлади ва ўз-ўзидан сигнификатив маънода ҳам фарқлилик мавжуд бўлади. *Аччиқланмоқ, ғазабланмоқ, қаҳрланмоқ* синонимик қаторидаги лексемаларнинг денотатларига эътибор қилсак, ушбу лексемалар битта денотатнинг турли номлари эмас, балки ҳар бири алоҳида ўзаро яқин денотатларнинг

<sup>1</sup> Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. —Тошкент, «Фан», 1995. 26-бет.

номидир. Зеро, аччиқланиш, газабланиш ва қаҳрланиш бир гурдаги, умумий белгиларга эга турли ҳодисалардир:



Денотатив маънолари билан фарқланувчи синонимларда бир хил, умумий аташ семалари мавжуд бўлади. Фарқлилик эса бир денотатив сема доирасида кузатилади. Синонимик қатор лексемалари битта семанинг турли даражаларини ифодалайдилар ва шу аснода фарқланадилар. *Кучли, бақувват, забардаст* синонимик қаторида «жисмоний кучга эгаликнинг ортиқлиги» *кучлидан забардастга* томон даражаланмоқда. Бу каби синонимик қаторларда аташ семаси билан бирга ифода семасининг ҳам даражаланиб боришини кўриш мумкин. Масалан, зукколик белгисининг (денотатив) тадрижий камайиб боришига салбий муносабатнинг (коннотатив) ошиб бориши даражалари тўғри келади:

*Зукколикнинг камайиб бориши (денотативлик)*

0	-1	-2	-3	-4	-5
содда	— овсар	— гўл	— лақма	— пандовақи	— меров <sup>2</sup>
0	+1	+2	+3	+4	+5

*салбий муносабатнинг ошиб бориши (коннотативлик)*

Синонимиянинг бу турини айрим тилшунослар маънодошлик муносабати деб ҳисобламайдилар. Бундай маъно муносабатини мазмуний градуонимия деб баҳолайдилар.

3. Синоним лексемалар тилнинг қандай услубига хослиги, қўлланиш доираси, лексеманинг даврга муносабатига (янгилик, эскилик, замонавийлик) кўра ўзаро фарқланадилар.

<sup>1</sup> Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. Филол. фанлари докт. ... дис. Автореф. — Тошкент, 2005. 29-бет.

<sup>2</sup> Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. — Тошкент, «Фан», 1995. 27-бет

*Булоқ, чашма* синонимларидан *булоқ* оддий сўзлашув услубига хос бўлса, *чашма* бадий услубга хос. Ёки *буйруқ, амр, фармон* синонимларидан *амр* эскирган сўз саналади.

**Гипонимия.** Гипонимия лексемалар ўртасидаги жинс-тур муносабатидир. Бу кенг (умумий) тушунчани ифодаловчи ва тор (хусусий) тушунчани ифодаловчи лексемалараро муносабат туридир. Кенг, умумий, жинс тушунчасини ифодаловчи лексема маъноси тор, хусусий, тур тушунчасини ифодаловчи лексема маъносини қамраб олади. Масалан, *одам* ва *аёл* лексемалари гипонимик муносабатда бўлиб, *одам* умумий, кенг тушунча, *одамнинг* бир турини англатаётган *аёл* хусусий, тор тушунча. Демак, *одам* лексемаси жинс тушунчасини билдириб, у тур тушунчани англатаётган *аёл* лексемаси билан гипонимик боғланган. Ушбу боғланишда *одам* гипероним, *аёл* гипонимдир. Гипонимик қаторлар қўп аъзоли бўлиб, камида икки элементлидир. *Дарахт, терак, қайин, тол, ел* қаторида *дарахт* гипероним, *терак, қайин, тол, ел* гипоним саналади. Бир гиперонимга эга гипонимлар бири-бирига нисбатан эквоним<sup>1</sup> дейилади. Масалан, *фарзанд, ўғил, қиз* қаторида *фарзанд* гипероним, *ўғил, қиз* гипоним. *Ўғил* ва *қиз* бир-бирига нисбатан эса шу қаторда эквоним саналади.

Гипонимик муносабат лексемалар ўртасидаги энг асосий муносабатлардан бири бўлиб, у бутун луғат таркибини қамраб олган. Яъни, барча лексемалар жинс-тур муносабатларини ҳосил қилади. Луғат таркибдаги ҳар бир лексема ўз синонимига, антонимига эга бўлмаслиги, партонимик, градуонимик муносабатлар ҳосил қила олмаслиги мумкин. Лекин барча лексемалар гипонимик муносабатга кириша олади.

Гипонимик муносабат лексемаларни гуруҳлашда катта аҳамият касб этади. Ушбу муносабат асосида лексемалар уяларга, уялар улардан каттароқ гуруҳларга, гуруҳлар семантик майдонларга бирлаштирилади.

**Партонимия.** Партонимия тил бирликлари ўртасидаги бутун ва қисм муносабатидир. Бутун қисмларнинг бирлигидан

---

<sup>1</sup> Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. — Москва. «Высшая школа», 1968. С. 94.

гашкил топади. Қисм эса бутуннинг таркибий қисми, ташкил этувчи элементиدير. Объектив олам яхлит бутунлик (система) табиатига эга бўлиб, у босқичма-босқич қисмларга ажралади. Бутун олам галактикадан то элементар заррачаларгача бутун-қисм муносабатида бўлади. Оламнинг акси бўлган тилда ҳам бутун-қисм муносабатлари муҳим аҳамият касб этади, тилнинг қисмлардан иборат поғонали тузилишга эга бутунлик эканлигини кўрсатади: матн — гап, гап — сўз бирикмаси, сўз бирикмаси — сўз, сўз — морфема, морфема — фонема. Бутун — қисм муносабатлари гипонимик муносабат билан бирга лексик системанинг яхлитлигини таъминлайди. Объектив оламдаги ҳар бир нарса қисмлардан иборатлиги маълум. Шундан келиб чиқиб, партонимия муносабати уларнинг номи бўлган от лексемаларда кўплаб учрайди. Масалан, *одам, бош, бўйин, тана, оёқ, қўл* лексемалари партонимик муносабат ҳосил қилади. *Одам* бутунлик, *бош, бўйин, тана, оёқ, қўл* — қисм.

Гипонимия ва партонимия объектив оламнинг асосий хусусиятларини акс эттирувчи категориялар бўлса-да, тилда партонимик муносабатга нисбатан гипонимик муносабат яққолроқ кўринади. Чунончи, тил эгасига чойнакнинг чойнак қорни, бурни, қопқоқ, ва ушлагичдан иборатлиги (партонимия: бутун — чойнак, қисм — қорин, бурун, қопқоқ, ушлагич) эмас, унинг ошхона буюми эканлиги (гипонимия: гипероним — ошхона буюмлари, гипоним — чойнак) муҳимдир. Лексемани таърифлаш ва таснифлаш ҳам гипонимия асосида бажарилади. *Чойнак* — чой тайёрлаш мақсадида сувни қайнатиш ва дамлаш учун ишлатиладиган ошхона буюми. У «ошхона буюмлари» лексик-семантик гуруҳининг элементиدير.

Лекин айрим лексемаларнинг шаклланишида партонимик муносабат ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бунга вақт ўлчови отлари лексик-семантик гуруҳини мисол қилиб кўрсатиш мумкин: *секунд, минут, соат, ҳафта, ой, фасл, йил, аср*. Мазкур гуруҳ партонимик муносабатнинг даражаланиши асосида воқе бўлган. Ушбу гуруҳни кичик микросистема деб олсак, у яна тўққизта кичикроқ микросистемалардан иборат: «секунд-минут»,



«минут-соат», «соат-сутка», «сутка-ҳафта», «ҳафта-ой», «ой-фасл», «ой-йил», «фасл-йил», «йил-аср». Ушбу тўққиз микросистема партонимик муносабат асосида шаклланган. Масалан, «секунд-минут» микросистемасида *секунд* қисм, *минут* бутун, «минут-соат» микросистемасида *минут* қисм, *соат* бутун. *Минут* лексемасига шундай таъриф бериш мумкин: 60 секунддан иборат вақт ўлчови. *Соат* – 60 минутдан иборат вақт ўлчови...

Вақт ўлчови отларида партонимик муносабат, яъни ташкил этувчилик лексеманинг семантик структурасида ҳам яққол кўринади. Бошқача айтганда, лексема маъносининг структураси партонимик муносабат асосида шаклланган. Яъни, *аср йилдан* (*аср* – бутун, *йил* – қисм), *йил фаслдан* (*йил* – бутун, *фасл* – қисм), *фасл ойдан* (*фасл* – бутун, *ой* – қисм)... ташкил топган ва шу аснода шаклланган. Буни қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин:

№	Бутун (семема)	минут	соат	сутка	ҳафта	ой	фасл	йил	аср
	қисм (сема)								
1	секунд	+							
2	минут		+						
3	соат			+					
4	сутка				+				
5	ҳафта					+			
6	ой						+	+	
7	фасл							+	
8	йил								+

**Градуонимия.** Лексик градуонимия лексемаларнинг дара-жали муносабатидир: *юрмоқ* – *чопмоқ* – *югурмоқ* – *елмоқ* – *учмоқ*.

Градуонимик муносабат ўзбек тилшунослигида О.Бозоров (4), Ш.Орифжонова (26), М.Нарзиева, А.Собиров (36) томо-нидан кенг очиб берилган.

Градуонимия муносабатида лексемалар ифодалаётган битта белгининг турли даражалари ифодаланади. Бундан, градуонимия — белги билдирувчи лексемалараро муносабат, деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Даражаланиш ҳосил қилаётган лексемалар таркибида бир белгининг озлик ёки кўплик ҳолатларини акс эттирувчи семалар мавжуд бўлади. Аслида, шу семаларнинг икки ёки ундан ортиқ лексемага хослигидан лексемаларнинг даражали қатори келиб чиқади<sup>1</sup>. Масалан, ёз — куз — қиш қатори «ҳаво ҳароратининг камайиб бориши» белгисининг даражама-даража ошиб бориши натижасида шаклланган. Даражаланиш ёз семемасидаги «иссиқ» семаси, куз семемасидаги «илиқ» потенциал семаси, қиш семемасидаги «совуқ» семаси асосида рўй берган.

Градуонимик қатордаги бир-бирига яқин лексемаларда маъновий яқинлик кузатилади ва бу семантик яқинлик синонимия даражасида бўлиши ҳам мумкин: *аччиқланмоқ*, *ғазабланмоқ*, *қаҳрланмоқ*. Градуонимик қатордаги бир-биридан узоқ жойлашган лексемаларда фарқлилик кучайиб боради. Қаторнинг боши ва охирида жойлашган лексемалардаги фарқлилик (зиддият) антонимиягача етиб бориши мумкин: *ёмон* — *қониқарли* — *яхши*.


**Антонимия.** Лексик антонимия деб қарама-қарши маъно англатадиган лексемалар муносабатига айтилади. Антонимия икки лексема ўртасидаги муносабат бўлиб, ушбу лексемаларнинг денотатив семаларидан бири зид, қолган семалари эса айнан бўлади. *Новча* — *пакана* антонимик жуфтлигида *новча* «бўй ўлчами меъёрдан ортиқ», *пакана* «бўй ўлчами меъёрдан оз» зид маъноларни билдиради. Ушбу зидлик бир сема доирасида юзага чиққан: *новча* — «бўй ўлчами», «*меъёрдан ортиқ*», *пакана* — «бўй ўлчами», «*меъёрдан оз*». Ёки *кун* ва *тун* лексемаларининг антонимлигини иккала антоним лексема семем структурасида ўзаро зид ва фарқли бўлган «*ёруғ*» ва «*қоронғи*» семалари

<sup>1</sup> Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. — Тошкент, «Фан», 1995. 23-бет.


белгилаб беради: *кун* — «сутка қисми», «куёш чиққандан ботгунча», «ёруғ»; *тун* — «сутка қисми», «куёш ботгандан чиққунча», «қоронғи».

Антонимия муносабати луғат таркибидаги барча сўзларга ҳос эмас.

Антонимия барқарор семантик муносабат бўлиб, унинг асосида антонимик жуфтликлар ҳосил бўлади. Антонимик жуфтликлар қарама-қарши маъно англатса-да, улар айнан бир ҳодисанинг бир-бирига зидлаш мумкин бўлган энг чекка икки томонини, икки қутбини ифодалайди. Масалан, *кун* ва *тун* сутканинг энг чекка икки қутбини номлайди. Икки қутб ўртасида бошқа оралиқ ҳодисалар ҳам бўлиши мумкин:



Ёки:




*А — кун, Б — тун, В — оқшом, С — тонг*

1-ҳолатда А антоним Б, 2-ҳолатда Б антоним А.

Агар антонимик жуфтлик ифодаляётган маъно ўртасида оралиқ ҳодисалар мавжуд бўса, ушбу антонимия муносабати даражаланиш асосида шакланган дея оламиз. Бунда маъновий даражаланишнинг биринчи ва охириги лексемаларидаги фарқлилик кучайиб, энг охирида антонимияга етиб борган: ёруғликнинг камайиб бориши асосидаги даражаланиш: *кун* — *оқшом* — *тун*, куёш ҳароратининг ошиб бориши асосидаги даражаланиш: *қиш* — *бахор* — *ёз*.

Антонимик жуфтлик ифодаляётган қутбнинг ўртасида оралиқ ҳодисалар бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу эса мантиқий марказ орқали белгилаш антонимликни белгиловчи асосий мезон эмаслигини кўрсатади:



*А — рост, Б — ёлғон*

Антонимия қарама-қарши маъно билдирувчи иккита алоҳида лексеманинг муносабатидир. Бир сўзнинг қарама-қарши маъно англатувчи икки шакли антоним бўла олмайди: *ўқиган – ўқимаган, айтилган – айтилмаган*.

Антонимларни умумий гиперонимга эга гипонимларнинг ўзаро муносабатидан фарқлаш лозим. Масалан, умумий жинс гиперонимига эга *аёл* ва *эркак*, *фарзанд* гипероними билан умумлашадиган *ўғил* ва *қиз* гипонимлари антонимик жуфтликни ҳосил қила олмайди. Албатта, ушбу лексемалар ягона дифференциал семаси билан фарқланиши мумкин. Антонимик муносабат ҳосил бўлиши учун эса қарама-қаршилиқ битта моҳиятнинг, ҳодисанинг ичида бўлиши ва яна икки лексема таркибидаги ягона фарқловчи семалар ҳам зид бўлиши керак. *Ўғил* ва *қиз*, *ота* ва *она*, *тоға* ва *хола* лексемалари «эркак» ва «аёл» семалари асосида (фарқланади) зидланади. Бизнингча, *эркак* ва *аёл* бир ҳодисанинг қарама-қарши томонлари эмас, бир гиперонимга эга икки хил ҳодисадир.

Бирлаштирувчи ва дифференциал семага эга барча лексемалар дифференциал семалари асосида зидланишлар ҳосил қилади. Синонимия, гипонимия, партонимия, функционимия каби семантик муносабатлардаги лексемаларда ҳам зидланишлар мавжуд, ушбу муносабатлар маълум даражада зидланишларга асосланади. Антонимия муносабатининг моҳиятини эса зидланиш ташкил этади. Шунинг учун, антонимия муносабатини оппозитив – зидлик муносабати ёки зидланишларнинг бир тури сифатида ҳам эътироф этидилар.

Антонимия бир лексема доирасида ҳам кузатилиши мумкин. Бунда лексема ўзи англатаётган маънолари билан ўзига ўзи антоним бўлиб қолади. Масалан, *даҳшат* лексемасининг маънолари контекстда антоним бўла олади: *уруш даҳшати – даҳшат кийинмоқ*. Шундай ҳолат *офат* лексемасида ҳам кузатилади: 1. *Тоғли ҳудудларда табиий офат юз берди*. 2. *Қиз офат бўлибди*. Бир лексема маъноларининг антоним маъно ифодалаши энантиосемия дейилади.

### ***Назорат учун савол ва топшириқлар***

1. Синонимик муносабат деб қандай муносабатга айтилади?
2. Синоним лексемалар маъноларидаги ўхшашликлар хусусида маълумот беринг.
3. Синоним лексемалар маъноларидаги фарқлиликлар хусусида маълумот беринг.
4. Гипонимик муносабат ва унинг фалсафий асоси ҳақида маълумот беринг.
5. Гипонимик муносабатдаги лексемалар маъноларининг ўхшаш ва фарқли томонлари нималардан иборат?
6. Партонимик муносабат ва унинг фалсафий асоси ҳақида маълумот беринг.
7. Даражаланиш муносабати ҳақида маълумот беринг.
8. Антонимия муносабати деб қандай муносабатга айтилади?
9. Энантисемиа ҳақида маълумот беринг.

## **УЧИНЧИ БОБ. СЕМАСИОЛОГИЯНИНГ ТАДҚИҚ МЕТОДЛАРИ**

### **19-§. Семасиологик методларнинг умумий тавсифи**

Муайян бир фаннинг объектини ўрганишнинг турли усул ва йўллари тадқиқ методлари дейилади. Методлар билиш жараёнида инсонлар томонидан кашф қилинади. Аниқ танланган ва тўғри қўлланган метод ўрганилаётган ҳодисанинг хусусият ва қонуниятларини тўлиқ очишга ёрдам беради. Ҳар қандай фаннинг тараққиёти унга хос бўлган методлардан тўғри ва ўринли фойдаланишга боғлиқ.

Илмий методлар турлича тасниф қилинади. Қўлланиш доирасига кўра фанлараро, яъни бир қанча фанларга тегишли бўлган методлар ва муайян бир фаннинг ўзига хос бўлган методлар мавжуд. Фанлараро методга барча ижтимоий фанларда қўлланувчи тарихий, қиёсий методларни мисол қилиш мумкин. Бир фаннинг ўзига тегишли бўлган методга тилшуносликдаги компонент таҳлил усули мисол бўла олади.

Ўрганилаётган объектга ёндашиш нуқтаи назаридан дедуктив ва индуктив методлар фарқланади. Дедуктив методда қоиладан, назариядан фактларга, далилларга борилса, индуктив методда эса факт, далиллардан қоидага, назарияга борилади.

Тадқиқ объектнинг таркибий қисмларини ўрганишда анализ ва синтез методларидан фойдаланилади. Анализда тадқиқотчи ўрганилаётган объектни таркибий қисмларга бўлиб ўрганади ва объектнинг тузилиши, структураси ҳақида маълумотга эга бўлади. Синтез усулида эса таркибий қисмлар бутунга йиғилади ва қисмлар ўртасидаги муносабат асосида объектнинг моҳияти, вазифаси аниқланади. Тадқиқ объектнинг таркибий қисмларини ўрганишда анализ ва синтез методларидан фойдаланилади. Аналитик методнинг асосий мақсади ўрганиш объектини (предметини) қисмларга ажратиб ўрганиш бўлса, синтетик талқин муайян босқич даражасида ўрганилган қисмларни бутунга (объектга) бирлаштиради. Аналитик ва синтетик методларга асосланган тадқиқотларни кескин чегаралаб бўлмайди. Зеро, қисмлар ўрганилаётганда бутунга асосланилади, бутун тадқиқотида қисмлар назарда тутилади. Шунинг учун аналитик босқич синтетик босқични, синтетик босқич аналитик босқични доимо тақозо этади, лекин булардан бири муайян тадқиқотда нисбий етакчилик қилади ва асосий мақсад унга қаратилади<sup>1</sup>. Аслида, билиш йўллари асосида қисм ва бутуннинг муҳим белгилари аниқланади, тадқиқот объектнинг моҳияти босқичма-босқич очилаверади<sup>2</sup>.

Муайян бир объект бир қанча тадқиқотчилар томонидан турли методлар билан ёки битта тадқиқотчи томонидан бир вақтнинг ўзида бир нечта методлар билан ўрганилиши мумкин. Бундан ташқари, бир объект турли фанларда турли нуқтаи назарлардан тадқиқ этилиши мумкин. Тил бирликларининг мазмун плани ўзида нафақат атроф борлиқни, балки у билан боғлиқ билим, фикр, сезги, ҳиссиётларимизни ўзида акс эттиргани сабабли, табиийки, у бир нечта – фалсафа, мантиқ, психология каби фанларнинг ҳам ўрганиш объектидир.

<sup>1</sup> Б.М. О синтезе наук // Вопросы философии, 1973, №3. — С.86.

<sup>2</sup> Кириллов В.И. Логика познания сущности. — М.: Высшая школа, 1980. — С.11.

Методлар яратилиш вақтига кўра анъанавий ва замонавий методларга ажратилади. Тилшуносликнинг аъанавий методларига тавсифий, тарихий, қиёсий-тарихий, этимологик методлар мисол бўлса, замонавий методларни психоллингвистик, компонент таҳлил усули, майдон сифатида ўрганиш усули, маънони кодлаштириш кабилар ташкил қилади. Таъкидлаш жоизки, юқоридаги ҳар қайси метод тил бирликларининг маъно хусусиятларини очишга хизмат қилади. Фақат бу методларни ўрганиш объектига мос равишда тадқиқотнинг турли босқичларида тўғри танлаш лозим бўлади.

Баъзида айрим фанларда узоқ муддат бир методнинг ҳукмронлиги кузатилади. 19-асрда деярли барча гуманитар фанларнинг ўрганилишида тарихий метод асос бўлди. 20-асрга келиб эса гуманитар фанларда кўпроқ структур методларга таянилди. Масалан, М.Бреалнинг 19-асрда ёзган «Семасиологиядан очерклар» китобида тил бирликларининг маъносини очишда тарихий методга асосланган бўлса, XX асрдаги семасиологияга оид ишлар структур методга таянди.

Фанда турли метод ва назарияларнинг ўзаро кураши фан учун самаралидир. Бунда турли метод, ғоя намояндалари бошқасини камситиши эмас, балки бири иккинчисини тўлдириб бориши лозим. Тарихнинг ўзи кўрсатиб турибдики, предметнинг барча хусусият ва қирраларини очишда битта методнинг ўзи камлик қилади. Шунинг учун предметнинг хусусият ва моҳиятини очишда қанча кўп методлардан фойдаланилса, натижа шунча самарали бўлади. Тадқиқотда у ёки бу методлардан фойдаланиш ишнинг асосий мақсади эмас, унга олиб борувчи йўллардан бири бўлиши зарур.

Тил бирликларининг мазмун плани мураккаб ва кўп жинслидир. Лексеманинг маъноси билан гап мазмуни ўртасида катта фарқ бўлгани каби ўрганиш методи ва усуллари ҳам фарқли ва ўзига хос бўлиши лозим. Семантик ҳодисаларнинг турлари, кўринишларига қараб бир қанча методлардан фойдаланиш керак.

Семасиологияда тавсифий, тарихий, қиёсий, компонент таҳлил каби методлардан кенг фойдаланилади.

**Тавсифий метод.** Тавсифий метод барча фанларда кенг тарқалган энг қадимги методдир. Илмий фактларни умумлаштириш ва улар асосида муайян қоидалар яратиш ҳам тавсифий методнинг асосини ташкил қилади.

Олинган натижаларни аниқлаштириш, унинг муайян системада тугган ўрнини белгилаш ҳам барча тадқиқотларнинг асосини ташкил қилади.

Тавсифий метод семантик ҳодисалар таҳлилидаги асосий усуллардан биридир. Лексик ва фразеологик бирликлар маъносининг луғатларда изоҳланиши, морфема маъноси ва гап мазмунининг дарслик ва илмий адабиётларда изоҳлаб берилиши тавсифий методга асосланади.

**Тарихий метод.** Тил бирликларининг мазмун плани тез ўзгаради. Чунки унда атроф борлиқда ва онгимиздаги барча тарихий ўзгаришлар акс этади. Шунинг учун ҳам тил семантикасини тарихий метод асосида ўрганиш нафақат лисоний, балки миллий, маданий, ижтимоий қийматга эгадир.

Тарихий метод бир аср давомида (19-аср) тил тадқиқотларида ҳукмронлик қилди. Ушбу метод бугунги кунгача ўз салмоғини йўқотмади. Тарихий метод семантик ўзгаришларнинг қонуниятлари, принциплари ишлаб чиқилди ва ишланмоқда. Тарихий методнинг моҳияти шундаки, муайян тил ҳодисасининг турли тарихий даврлардаги ҳолати қиёсланади ва ундаги ўзгаришлар аниқланади. Қиёсан олинган даврлар ўртасидаги вақт қанча катта бўлса, ўзгаришлар ҳам шунча катта бўлади. Фонетик, грамматик сатҳдаги ўзгаришлар учун узоқ тарихий вақт керак бўлса, лексик, семантик ўзгаришлар бир авлод сезиши мумкин бўлган вақтда ҳам сезилади. Бу давр ичида янги сўзлар ҳосил бўлади, айримлари йўқолади, маъноси сезиларли ўзгаришга учрайди. Ушбу ўзгаришлар ёзма ёдгорликлар асосида аниқланади ва тарихий, этимологик луғатларда акс эттирилади.

Лексик семантика соҳасида тарихий метод ёрдамида лексик бирликларнинг семантик структурасини аниқ ўрганиш, кўп маъноли лексеманинг бош ва ҳосила маъноларини аниқлаш, омонимларнинг юзага келиш сабабларини билиш, ўз ва



ўзлашаган сўзлар ва уларнинг ўзлашиш вақтини белгилаш мумкин бўлади.

Тил ижтимоий ҳодиса бўлиб, у доимий ривожланишда, ўзгаришдадир. Тарихий метод нафақат тилнинг динамик ҳолатини, балки келгусидаги семантик ҳодисалар ҳақида олдиндан фикр юритиш, башорат қилиш имконини ҳам беради.

**Қиёсий метод.** Тадқиқот материалларини қиёслаш фаннинг турли соҳаларида ўрганиш объектининг яширин белги-хусусиятларини аниқлашда энг самарали усулларидан биридир. Зеро, қиёслаш жараёнисиз билиш амалга ошмайди.

### **Маънони компонент таҳлил қилиш усули**

Сўнги йилларда тилшуносликнинг семасиология соҳасида маънони, жумладан, лексик маънони маъно бўлақларига, маъно компонентларига бўлиб ўрганиш авж олди. Ҳозирги кунда жаҳон ва ўзбек маъношунослигида компонент ёки семик таҳлилнинг назарий ва амалий жиҳатлари борасида анча тажриба тўпланди, методнинг атамалари ишлаб чиқилди, семантик ҳодисаларнинг моҳияти ушбу усул орқали очилмоқда.

Компонент ёки семик таҳлил маънони маъно бўлақларига, семаларга ажратиб ўрганиш усулидир. Бунда ўрганилаётган семема семаларга ажратилади ва ушбу семалар орқали семеманинг маъноси аниқланади.

Компонент таҳлилнинг асосий мақсади:

1. Тил луғат таркибини санокли элементар семантик бирликлар (сема) йиғиндиси эканлигини исботлаш ва луғавий таркибни миқдоран кўп бўлмаган, чекланган семалар орқали ўрганиш.

2. Ҳар бир лексеманинг маъноси элементар компонентлардан иборат эканлигини исботлаш ва уларга ажратиш.

Лексик маъно таркибида ажратилаётган бирликларнинг атамаси хусусида тилшунослиқда ҳар хилликлар мавжуд эди. Ушбу бирлик «дифференциал белги», «маънонинг дифференциал белгиси», «маъно фигураси», «семантик кўпайтирувчи», «семантик маркер» каби терминлар билан аталарди. Сўнги

йилларда эса тилшуносликда, асосан, «сема» термини қўлланиб келмоқда. Демак, таҳлилда ажратилаётган маъно бўлаги сема дейилади.

Сема маънонинг элементар, универсал компонентиدير. Ҳар қандай лексик маънода сема мавжуд бўлади. Муайян бир сема бир қанча семемалар таркибида такрорланиши мумкин. Демак, семанинг миқдори семемадан — тил луғат таркибидаги маънолардан бир неча баробар кам бўлади. Бошқача айтганда, тил луғат таркибини ташкил қилувчи семемалар ўзидан бир неча баробар кам бўлган семалар асосида шаклланган.

Семемани семаларга ажратишда изоҳли луғатлардаги маънолардан фойдаланиш мумкин. Лекин тадқиқотчи луғатлардаги маъноларга таҳлилий-танқидий ёндашиши лозим. Зеро, луғатдаги изоҳлар ҳам шахслар томонидан тузилиб, у маълум даражада субъектив характерга эга бўлиши мумкин.

Семик таҳлилга тортилган семема ифодалаётган денотатнинг муҳим белгилари сема сифатида ажратилиши мумкин: *дарахт* — «ўсимлик», «шоҳли», «танали», «илдизли», «баргли».

Ёки маъно тўғридан-тўғри таркибий қисмларга ажратилиши ҳам мумкин: *ниҳол* — «дарахт», «ёш».

Семалар ажратилаётганда, аввало, умумий семалар ажратилади ва хусусийга томонга борилади. Бошқача айтганда, биринчи лексик-семантик гуруҳ учун интеграл сема, сўнгра дифференциал сема ажратилади. *Қулоқ 1* — «аъзо», «эшитувчи». «Аъзо» семаси «тана аъзолари» лексик-семантик гуруҳи элементлари учун интеграл бўлса, «эшитувчи» семаси эса *қулоқ 1* семемасининг ўзига хос, уни бошқа маънолардан фарқловчи семадир.

Сема инсон онгида инъикос этаётган денотатнинг ўзига хос, фарқли белгилари асосида ажратилади. Семаларга ажратишда денотатнинг барча белги-хусусиятлари эмас, уни ўзига ўхшаш бошқа семемалардан фарқловчи асосий белгилари ажратилади. Семема таркибида энг камида иккита, энг кўпида олтита сема ажратилиши лозим.

Семема семаларга тадқиқотчи томонидан экспериментал шароитда ажратилади. Бундай ажратиш субъектив характерга

эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай семик таҳлилдан сўнг тадқиқотчи ажратган семаларини текшириб чиқиши лозим. Семаларнинг йиғиндиси семема ифодалаётган маънони бериши керак. Масалан, *кун 1*: «сутка қисми», «ёруғ». Маъноси сутканинг ёруғ қисми.

Семик таҳлил маълум лексик-семантик гуруҳда ўтказилса ва мазкур гуруҳ элементлари нечта семалардан иборат эканлиги, интеграл ва дифференциал семаларнинг миқдори аниқланса, семик таҳлилнинг энг асосий вазифаси бажарилган бўлади. Масалан, жаҳон тилшунослигидаги тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда Н.В.Цветков шундай маълумотларни келтиради: «Инсон характери» лексик-семантик гуруҳи 19 та лексемадан 20 та семадан, «баҳо» сифатлари 114 лексемадан, 9 та семадан, «макон»ни ифодаловчи 360 та лексемалар таркиби 119 та семадан иборат<sup>1</sup>.

Муайян гуруҳдаги семик таҳлил натижалари жадвалларда акс эттирилиши лозим. Зеро, бунда гуруҳ элементлари, уларнинг семантик таркиби, интеграл ва дифференциал семалари, маъно тараққиёти аниқ кўринади.

### **Лексик маънони кодлаштириш**

Лексик маънони семаларга ажратиб ва ушбу семалар асосида маънони кодлаб ўрганиш усули ҳам мавжуд. Бунда муайян семантик гуруҳдаги маънолар муайян семантик элементларнинг йиғиндиси сифатида ўрганилади ҳамда ушбу семантик структураларни арифметик рақамларда кодлаштиришга ҳаракат қилинади. Рус тилшуноси Т.П.Ломтев сўз маъносини кодлаштиришнинг қуйидаги принципларини ишлаб чиққан<sup>2</sup>:

1. Тил луғат таркибидан битта лексик-семантик гуруҳ ажратиб олинади. Гуруҳ аъзолари бўлган лексемалар кўп маъноли

---

<sup>1</sup> Цветков Н.В. К методологии компонентного анализа // Вопросы языкознания, 1984, №2. С. 61-68.

<sup>2</sup> Ломтев Т.П. Общее и русское языкознание. Избранные работы. — М.: Наука, 1976.

бўлса, таҳлил учун уларнинг шу семантик гуруҳ учун хосланган битта маъноси тортилади.

2. Ажратилган гуруҳ аъзолари устидан ажратиш операцияси амалга оширилади. Ажратиш деганда, умумий кўпликни хусусий кўпликларга бўлиш тушуниладики, у қуйидагиларни талаб қилади: а) умумий кўплик билан хусусий кичик кўпликлар кесишмаслиги лозим; б) кичик кўпликларнинг йиғиндиси умумий кўпликка тенг келиши лозим; в) умумий кўпликнинг хусусий (кичик) бўлинмалари ва умумий кўпликнинг ўзи сохта бўлиб қолиши мумкин эмас;

3. Ажратиш минималлик принципига асосланиши лозим.

4. Турли ажратилишдаги дифференциал семантик белгилар кодланади ва уларнинг комбинациялари асосида лексеманинг маъноси ҳосил бўлиши лозим.

Масалан, пайт отлари мазмуний гуруҳини олсак, улар ўзларининг жинс-тур, бутун-қисм, градуонимик ва иерарх боғланишлари асосида босқичли таснифланиши мумкин. Ушбу таснифда бўлинувчи кўпликни «К» деб белгилаб оламиз. Тасниф маълум бир белги асосида амалга оширилади. Ҳосил бўлган хусусий кўпликлар рақамлар билан белгиланиб, кейинги тасниф босқичида улар навбатма-навбат бўлинувчи кўпликлар бўлиб келади. Таснифнинг эътиборли томони шундаки, таснифнинг ҳар бир босқичида бўлинувчи кўпликка хусусий кўпликнинг рақами қўшилиб бораверади. Сўнги поғонада ҳосил бўлган рақамлар кетма-кетлиги муайян бир лексема, синонимик қатор ёки энг кичик хусусий кўпликнинг формуласи бўлиб ҳисобланади. Таснифнинг сўнги поғонасида ҳосил бўлган лексема семемасига юқори поғонадаги бўлинишлар асосида таъриф берилади ва унинг семик таркиби аниқланади. Сўнгра эса кодлар ёрдамида лексемаларнинг маъноларини аниқлаб чиқиш мумкин бўлади.

Демак, бизнинг талқинимиздаги таснифланувчи кўплик пайт отлари бўлиб, улар таснифнинг биринчи поғонасида «соф ва қоришиқ вақт ифодалашига кўра» соф вақтни номловчи пайт отлари ҳамда қоришиқ вақтни номловчи отларга бўлинади.

Иккинчи бўлиниш босқичида эса ҳар икки кўплик алоҳида таснифланади. Таснифларнинг босқичларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

тасниф босқичи	бўлинувчи кўплик	тасниф белгиси	ҳосил бўлган хусусий кўпликлар
I	К (пайт отлари)	соф ва қоришиқ ифодалашига кўра	1. соф вақтни номловчи пайт отлари 2. қоришиқ вақтни номловчи пайт отлари
II	K1	ўлчов муносабатига кўра	1. ўлчовли вақт отлари 2. ўлчовсиз вақт отлари
III	K11	жинс-тур	1. аниқ вақт ўлчови бирликлари 2. сутка қисмлари 3. ҳафта кунлари 4. ой номлари 5. фасл номлари
IV	K111	бутун-қисм	1. энг кичик вақт бирлиги 2. 60 секунддан иборат вақт бирлиги 3. 60 минутдан иборат вақт бирлиги 4. 24 соатдан иборат вақт бирлиги 5. 7 суткадан иборат вақт бирлиги 6. 30 суткадан иборат вақт бирлиги 7. 12 ойдан иборат вақт бирлиги 8. 100 йилдан иборат вақт бирлиги

			9. 10 асрдан иборат вақт бирлиги
IV	K112	куёшга муносабат	1. сутканинг ёруғ қисми 2. сутканинг қоронғи қисми
IV	K113	даражаланиш	1. ҳафтанинг 1-куни 2. ҳафтанинг 2-куни 3. ҳафтанинг 3-куни 4. ҳафтанинг 4-куни 5. ҳафтанинг 5-куни 6. ҳафтанинг 6-куни 7. ҳафтанинг 7-куни
IV	K114	жинс-тур	1. милодий 2. шамсий 3. қамарий
IV	K115	даражаланиш	1. 1-фасл 2. 2-фасл 3. 3-фасл 4. 4-фасл
V	K1121	куёш ҳаракати	1. куёш чиқа бошлаган пайт 2. куёш чиқиб бўлган пайт 3. куёш кўтарилиб қолган пайт 4. куёш тик келган пайт 5. куёш пастлаган пайт 6. куёш бота бошлаган пайт
V	K1141	даражаланиш	1. 1-милодий ой 2. 2-милодий ой 3. 3-милодий ой 4. 4-милодий ой 5. 5-милодий ой 6. 6-милодий ой 7. 7-милодий ой

			8. 8-милодий ой 9. 9-милодий ой 10. 10-милодий ой 11. 11-милодий ой 12. 12-милодий ой
V	K1142	даражаланиш	1. 1-шамсий ой 2. 2-шамсий ой 3. 3-шамсий ой 4. 4-шамсий ой 5. 5-шамсий ой 6. 6-шамсий ой 7. 7-шамсий ой 8. 8-шамсий ой 9. 9-шамсий ой 10. 10-шамсий ой 11. 11-шамсий ой 12. 12-шамсий ой
V	K1143	даражаланиш	1. 1-қамарий ой 2. 2-қамарий ой 3. 3-қамарий ой 4. 4-қамарий ой 5. 5-қамарий ой 6. 6-қамарий ой 7. 7-қамарий ой 8. 8-қамарий ой 9. 9-қамарий ой 10. 10-қамарий ой 11. 11-қамарий ой 12. 12-қамарий ой

Энди эса кодлар ёрдамида лексемаларнинг маъноларини аниқлаб чиқамиз: K1111 — ўлчовли соф вақт оти, аниқ ўлчов бирлиги, энг кичик ўлчов бирлиги: *секунд*, K1112 -- ўлчовли соф вақт оти, 60 секунддан иборат аниқ ўлчов бирлиги: *минут*.

K1113 — ўлчовли соф вақт оти, 60 минутдан иборат аниқ ўлчов бирлиги: *соат*, K1114 — сутка каби.

### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Метод деб нимага айтилади?
2. Илмий методлар қандай тасниф қилинади?
3. Индуктив ва дедуктив методлар ҳақида маълумот беринг.
4. Тавсифий методнинг семасиологик тадқиқотлардаги ўрни қандай?
5. Тарихий ва қиёсий метод ҳақида маълумот беринг.
6. Лексик маънони компонентлаб таҳлил қилиш методининг асосий мақсади нима?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдуллаева Д. «Тил» лексемасининг семантик структураси // Педагогик таълим, 2006, №2.
2. Актуальные вопросы русской и узбекской семасиологии. Сборник научных трудов. №658. — Тошкент, 1984.
3. Бегматов Э., Нетьматов Х., Расулов Р. Лексик микро-система ва унинг тадқиқ методикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. -1998. -№6. -Б. 35-40.
4. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. — Тошкент, «Фан», 1995.
5. Воққосова Д. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили. Филол. фанлари номз. ...дис. автореф. — Фарғона, 2005.
6. Васильев Л.М. Теория семантических полей // «Вопросы языкознания», 1971, №5. 105-112 с.
7. Джураев Б. Структурно-семантическое исследование многозначных слов современного узбекского языка. — Тошкент, АҚД. 1985. -23 с.
8. Жамолхонов Х.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. Низомий номли ТДПУ босмаҳонаси. 2004 йил.
9. Звегинцев В.А. Семасиология. — Москва: МГУ, 1957.
10. Звегинцев В.А. Теоритико-лингвистические предпосылки гипотезы Сепира-Уорфа. -В кн: Новое в лингвистике. — Москва, 1960, вып. 1
11. Искандарова Ш. Ўзбек тил лексикасини мазмуний майдон



асосида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол. фанлари докт. ...дис. автореф. — Тошкент, 1999.

12. Качнелсон С.Д. О грамматической категории. Вестник ЛГУ. - 1948. -№2

13. Кибардина С.Б Основы теории валентности. — Вологда, 1979.

14. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. — Тошкент, «Фан», 1975. 29-45-бетлар.

15. Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-жилд. ЎзМУ. — Т.: 2004.

16. Муҳамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валент хусусиятлари. Филол. фанлари докт. ...дис. автореф. — Тошкент, 2007.

17. Назарова С.А. Сўзларнинг бирикиш омиллари ҳақида (семантик омил) // Жумҳурият ёш тилшуносларнинг анъанавий илмий конференцияси материаллари. Ўзб. Рес. Ф.А. Тилшунослик инс-ти. — Тошкент, 1992.

18. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1993.

19. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1995.

20. Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. — Москва, «Высшая школа», 1988.

21. Новиков А.А. Семантика русского языка. — Москва: «Высшая школа», 1982.

22. Новиков Л.А., Иванов В.В., Кедайтане Е.И., Тихонов А.Н. Современный русский язык. Теоритический курс. Лексикология. — Москва, «Русский язык», 1987.

23. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. — Тошкент, 2001.

24. Нурмонов А., Маҳмудов Н. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. — Тошкент, «Фан», 1992.

25. Нурмонов А., Йўлдошев. Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. — Тошкент, 2001.

26. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия. Филол. фанлари номз. ...дис. автореф. — Тошкент, 1996.

27. Плотников Б.А. Основы семасиологии. — Минск, 1984.

28. Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг семантик структураси. 1-қисм. — Тошкент, 1991.
29. Расулов Р. Сўз валентлиги ва синтактик алоқа // «ЎТА», 1992, №3. 36-40-бетлар.
30. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. — Тошкент, «Университет», 2006.
31. Раҳматуллаев Ш. Лексик маънони компонентлаб таҳлил қилиш тажрибасидан // «ЎТА», 1978, №4, 54-60 бетлар.
32. Раҳматуллаев Ш. Семик таҳлил ва лексик синонимияни таърифлаш масаласи // «ЎТА», 1979, №6, 25-30 бетлар.
33. Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш масалалари // «ЎТА», 1974. №1, 51-53 бетлар.
34. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.
35. Современный русский язык. Под редакцией В.А.Белошапковой. — Москва, «Высшая школа», 1989.
36. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. Филол. фанлари докт. ... дис. автореф. — Тошкент, 2005.
37. Цветков Н.В. К методологии компонентного анализа // Вопросы языкознания. 1984, №2. С. 61-68.
38. Шамсиддинов Ҳ., Юнусов Р. Метафорани юзага келтирувчи икки омил ҳақида // Педагогик таълим, 2001. №4, 61-63-бетлар.
39. Ўзбек тили лексикологияси. — Тошкент, «Фан», 1984.
40. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 1-жилд. — Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006.
41. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 2-жилд. — Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006.
42. Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия. Филол. фанлари номз. ... дис. автореф. — Тошкент, 1997.
43. Кўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. — Тошкент, «Фан», 1977.
44. Ҳақимова М. Пайт оглари семантикасини кодлаштириш // «Халқ таълими». 2002, №5, 16-18 бетлар
45. Ҳақимова М. Тилшуносликнинг тадқиқ методлари хусусида // «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари». — Тошкент, 2007, 44-46 бетлар.
46. Ҳожиев. Ўзбек тили синонимларининг луғати. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1974.

## МУНДАРИЖА

### **Биринчи боб. Семасиология ва унинг шаклланиши**

1-§. Семасиология — тилшуносликнинг маъно ҳақидаги соҳаси.....	3
2-§. Семасиологиянинг шаклланиши.....	5

### **Иккинчи боб. Лексик семантика. Лексик маъно ва уни ифодаловчи омиллар**

3-§. Семасиология ва ономасиология лексик семантиканинг икки аспекти сифатида.....	9
4-§. Лексик маъно ва ном муносабати.....	10
5-§. Лексик маънони ифодаловчи омиллар.....	14
6-§. Лексик маъно ва тушунча.....	17
7-§. Лексик маъно қирралари.....	25

### **Лексик бирликлар ва уларнинг семантик структураси**

8-§. Лексема тил лексик-семантик системасининг асосий бирлиги сифатида.....	31
9-§. Лексеманинг мазмуни ва унинг таркиби.....	34
10-§. Лексик маъно турлари.....	43

### **Полисемия**

11-§. Полисемия ҳодисасининг умумий тавсифи.....	49
12-§. Полисемем лексемада маънолараро муносабатлар.....	54
13-§. Полисемиянинг турлари.....	62
14-§. Лексик маънонинг ўзгариши.....	66
15-§. Лексик маънонинг парадигматик муносабати.....	68
16-§. Лексик маънонинг иерарх муносабати.....	69
17-§. Лексик маънонинг синтагматик муносабати.....	70
18-§. Лексик-семантик муносабат турлари.....	76

### **Учинчи боб. Семасиологиянинг тадқиқ методлари**

19-§. Семасиологик методларнинг умумий тавсифи.....	85
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	96
Мундарижа.....	99

*илмий нашр*

# **СЕМАСИОЛОГИЯ**

*Муҳаррир: Н.Аҳмедова*  
*Мусахҳиҳ: Х.Юсупов*  
*Рассом: Ш. Одилов*  
*Техник муҳаррир: Ф.Қодиров*

Босишга рухсат этилди 06.01.2008. Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ .  
6,25 босма табоқ. Офсет босма. Буюртма рақами 24.

Адади 400 нусха. Бахоси келишилган нарҳда.

ХТ «Ҳамидов Н.Ҳ» матбаа корхонасида чоп этилди.  
Мирпулатова кўчаси, 36-уй. Тел.: 111-04-89